R 496

ГУЛИСТОН

1
1982

СССР нинг 60 йиллиги олдидан

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР ИТТИФОҚИ

ГБ УзССР
№ 84628

ССР Иттифоқи ташкил этилганлиги инсоният тараққиётида янги давр очиб берган Улуғ Октябрь ишининг бевосита давоми, эркин миллатларнинг ихтиёрий иттифоқи тўғрисида улуғ Ленин ғояларининг амалдаги мужассами бўлди.

Л. И. БРЕЖНЕВ

1982 йили бутун прогрессив инсоният жаҳонда биринчи бор вужудга келган кўпмиллатли социалистик давлат — СССР ташкил топганининг 60 йиллиги юбилейини тантанали равишда нишонлайди. Бу қутлуғ байрамни кўпмиллатли совет халқи иқтисодий ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида йирик ғалабаларни қўлга киритган ва Коммунистик партия билан халқнинг бузилмас бирлиги янада мустаҳкамланган ҳолда кутиб олаётир. Социализм қурилиши йўлида барча қийинчиликларни елкама-елка туриб енгган ва синовлардан мардонавор ўтган мамлакатимиз халқлари давлатимизнинг шонли 60 йиллиги шарафига кўтаринки рухда меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат коллективларининг «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остида бошлаган ажойиб ташаббуси ана шу ватанпарварликнинг яна бир яққол кўринишидир. Ҳа, кўпмиллатли Ватанимиз ҳаётидаги шонли тарихий воқеалар шарафига унумли меҳнат эстафетасининг рамзи сифатида байроқ кўтарилиши совет кишиларининг ажойиб анъанаси бўлиб қолди. Озод ва ҳур республикалар иттифоқининг шонли байрами шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида фаол қатнашган матонатли пахтакорларимиз ўтган хўжалик йилида Ватанга 6 миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этдилар. Ҳар бир зарбдор иш ҳафтасини юқори унум ва сифатли меҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлашга бел боғлаган ишчилар, қурувчилар ва инженер-техниклар улкан зафарларга эришмоқдалар. Мамлакатимизнинг 60 йиллик тарихи — қаҳрамонлик, мисли кўрилмаган жасорат, миллатларнинг метиндек мустаҳкам дўстлиги тарихидир. Бу шонли тарих Коммунистик партиямиз ва буюк доҳиймиз В. И. Ленининг табаррук номи билан узвий ва чамбарчас боғлиқ.

Дарҳақиқат, янги типдаги кўпмиллатли совет давлатининг вужудга келиши инсоният тараққиётида янги давр очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ишининг бевосита давоми, буюк Ленининг эркин миллатларнинг ихтиёрий иттифоқи тўғрисидаги ғоялари тантанасидир.

«Совет республикаларининг ССР Иттифоқига бирлашуви,— дейилади СССР Конституциясида,— социализм қурилишида мамлакат халқларининг куч ва имкониятларини янада оширди».

Мамлакатимиздаги халқлар дўстлиги ва миллатлар тенглигига асосланган совет давлати таркиб топиши натижасида чоризмдан қолган миллий зулм ва адоват барҳам топди, миллатлар ва миллий маданиятларнинг равнақи учун мислсиз имкониятлар яратилди.

СССРнинг ташкил топиши жараёни тўрт тараққиёт босқичидан кейин амалга оширилди:

1. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан 1918 йил ўрталаригача бўлган давр. Бу босқичда миллатлар ўзларини озод ҳис этиб, миллий давлатларини барпо эта бошладилар. Лекин уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳали аниқ шаклланмаган эди.

2. 1918 йил ўрталаридан то 1920 йил охиригача бўлган босқич, яъни гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даври. Бу босқичда мамлакатимиз халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳарбий-сиёсий иттифоқ шаклида бўлиб, барча миллат меҳнаткашлари ўзларининг мустақиллиги учун курашиши, ҳарбий кучларни бирлаштириб душманга зарба беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу мақсадни ўзида қонуний ифода этган ҳуқуқий ҳужжат Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг «Халқаро империализмга қарши кураш учун Россия, Украина, Литва, Латвия, Белоруссия Совет Республикаларининг бирлашиши ҳақида» деб чиқарган 1919 йил 1 июнь декрети бўлди.

Бу декретда ҳарбий иттифоққа бириккан совет республикаларининг давлат мустақиллиги, гражданлар урушида ғалаба қозониш учун давлат бошқарув органларининг қайси тармоқларини бирлаштириш аниқлаб берилган эди.

3. 1920 йил охиридан 1922 йил ўрталаригача бўлган давр — Гражданлар уруши ва ҳарбий интервенциянинг тугатилиш даврини ўз ичига олади. Бу тараққиёт босқичи совет республикалари ўртасида ҳарбий иттифоқдан ташқари хўжалик иттифоқи тузилиши билан характерлидир. Ҳарбий интервенция ва гражданлар урушидан ғолиб чиққан совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида издан чиққан халқ хўжалигини тиклашга киришди. Халқ хўжалигини тиклаш, социализм қуриш борасида совет республикалари ўзларининг хўжалик фаолиятини бирлаштириши, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаши лозим эди.

Совет республикалари ўртасида тузилган ҳарбий ва иқтисодий масалалар юзасидан тузилган шартномалардан ташқари, молия, ташқи савдо, озиқ-овқат, темир йўл транспорти ва алоқа масалаларини бошқариш юзасидан ҳам шартномалар тузилди.

Бу босқичнинг энг муҳим хусусиятларидан бири Закавказье Федерацияси — ЗСФСРнинг вужудга келишидир. ЗСФСР составига мустақил Озарбайжон, Арманистон ва Грузия совет республикалари кирди. ЗСФСРни ташкил этишдан асосий мақсад Закавказье республикаларини империализм хавфидан сақлаш, хўжалик вайронагарчилигини йўқотиш, миллий адоват ва низоларга барҳам бериш, Закавказье халқларини бирлаштириш, бирodарлаштириш эди.

4. 1920 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган совет республикаларининг бирлашиши совет республикалари халқларини ягона кўпмиллатли Совет Иттифоқи давлатига уюштириш билан якунланди.

В. И. Ленин совет республикалари федератив алоқалари тажрибаларини илмий таҳлил қилиб, уларнинг ўзаро мустаҳкам бирлашиши йўлларини аниқлаб берди. У совет республикалари бирлашиши масаласини фақат ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳал қилиш лозимлигини уқтирди.

1922 йил 30 декабрь куни Москвада, Катта театр биносида СССР Советларининг I съезди очилди. Съездда 2215 делегат қатнашди: яъни РСФСРдан 1727, Украинадан 364, Белоруссиядан 33, ЗСФСРдан 91 делегат сайланган эди.

В. И. Ленин бетоб бўлгани учун съезд ишида қатнаша олмади. Съезд делегатлари уни фахрий раис қилиб сайладилар.

Съезд делегатларининг нутқларида, қабул қилинган ҳужжатларда буюк доҳиймизнинг илҳомбахш ва ташкилотчилик роли намунияти билан таъкидланди.

СССР Советларининг I съезди СССРни ташкил қилиш тўғрисида Декларация ва Шартнома қабул қилди. Декларацияда СССРга уюшаётган совет республикалари синфий манфаатларининг умумийлиги, уларни иттифоқ давлатига бирлаштириш принциплари белгиланди.

СССРни ташкил қилиш тўғрисидаги Шартнома эса тўртта совет социалистик республикаси — РСФСР, УССР, БССР, ЗСФСР битта иттифоқ давлатига — СССРга бирлашганини қонуний ифодалаб, унда СССР тузилишининг конституцион асослари, давлат ҳокимияти ва идора этиш олий органлари системаси, ваколат доираси, СССР Гражданлиги, иттифоқдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари каби муҳим масалалар баён этилган эди.

Янги типдаги умумиттифоқ давлати ленинча ихтиёрийлик, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, интернационализм ва дўстлик принципларига асосида ташкил топди.

«Биз миллатларнинг ИХТИЁРИЙ иттифоқини,— бир миллатнинг иккинчи миллатга ҳеч қандай зўравонлик қилишга йўл қўймайдиган иттифоқни истаймиз, мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқни истаймиз», деб таъкидлади В. И. Ленин ўша вақтдаёқ.

СССР составига кирган ҳар бир иттифоқдош республика территориясининг катта-кичиклиги, аҳолининг сонидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидир. Ҳар бир иттифоқдош республика СССР иқтисодий, сиёсий ҳарбий қудратидан ўзининг мустақиллигини қўриқлаш йўлида тенг фойдаланади. Ҳар бир иттифоқдош республика СССРнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув олий, марказий органларини тузишда, уларнинг фаолиятида баб-баробар иштирок этади.

СССРнинг ташкил топиши тўғрисидаги Декларация ва Шартнома СССРнинг состави кенгайиши учун сиёсий-юридик шарт-шароит яратиб берди. Бу ҳужжатларда келажакда вужудга келадиган барча социалистик совет республикаларига Иттифоққа бирлашиш имконияти ҳамда СССРнинг ваколат доирасига бирлашишни хоҳлаган янги иттифоқдош республикалар билан шартнома тузиш ҳуқуқи гарантияланган эди.

СССР ташкил топган даврда Ўрта Осиё территориясида РСФСР составига кирган Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет республикалари мавжуд эди. Бу давлатлар кўпмиллатли бўлиб, Туркистон АССР территориясида ўзбеклар 41,4 процентни, Бухоро Халқ республикасида 47,1 процентни, Хоразм Халқ республикасида 64,7 процентни ташкил қилар эди.

1924 йили Туркистон Коммунистик партияси VIII съезди, Бухоро ва Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитетлари Ўрта Осиёда давлат чегараланиши ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилдилар. 1924 йил июль ойида Ўрта Осиёда

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Вкв. № 2

№ 1 (383)

Январь 1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти



Чорвоқ ГЭСида қад кўтарган Фарҳод ҳайкали.

В. ТАРАН фотоси

ИХТИСОСЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Беш йиллик режалари амалда

ХАЛҚИМИЗНИНГ турмуш даражасини муттасил яхшилаб бориш партия ва ҳукуматимизнинг олий мақсадидир. КПСС XXVI съездида ҳам халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программаси илгари сурилди. Бу олий анжуманда мамлакат озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тадбирлари белгилаб чиқилди. «...Бу программа,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездга қилган Ҳисобот докладида,— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайтирилишини таъминлаши керак. Бу программа қишлоқ хўжалиги билан унинг маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тармоқларни, албатта, савдони ҳам бир-бирига маҳкамроқ боғлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, мазкур программанинг ўз олдига қўйган мақсади аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал этишдан иборатдир».

Бутун совет халқи каби бирлашмамиз ишчи-хизматчилари ҳам ана шундай улуғвор вазифанинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қиляптилар. Улар сабзавот, мева, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун тинмай изланмоқдалар, резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишга интилмоқдалар.

Областимизда боғдорчилик, сабзавотчилик ва полизчиликни ихтисослаштириш яхши самаралар бермоқда. Бирлашмамизга сабзавотчиликка ихтисослаштирилган иккита совхоз, учта мева-узумчилик совхози уюшган. Бу хўжаликлар зиммасига область бўйича етиштирилаётган сабзавотнинг 35 процентини, меванинг 33 процентини ва узумнинг 53 процентини етиштириш вазифаси юклатилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитети, районларнинг партия ташкилотлари ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришда, коллективимизга яқиндан кўмаклашаётирлар. Мазкур ташкилотнинг кўмаги билан ихтисослаштирилган хўжаликлар малакали мутахассис кадрлар билан таъминланди, ишлаб чиқариш ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бирлашмамизнинг масъул участкаларига уддабурон ташкилотчи кадрлар биркитилди. Натижа ёмон бўлмаётир. Бирлашмамизда 1980 йилда мева, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш 1975 йилдагига қараганда бир ярим бараварга кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 15—20 процентга ошди.

Шуни эътироф этишимиз керакки, илгарилари ихтисослаштирилган хўжаликларда планлар маҳсулотларнинг айрим турларини кўпайтириш ҳисобигагина бажариб келинарди. Кўп ҳолларда картошка, помидор, карам топшириш планлари бошқа маҳсулотлар ҳисобидан тўлдириларди. Бирлашма бош дирекцияси, партия ташкилоти, мутахассислар план бажаришдаги ана шундай бир ёқламаликка қарши изчил курашдилар. Ихтисослаштирилган хўжаликларда тўпланган илғор тажрибаларни умумлаштириш, оммалаштириш бирлашмамизда кенг йўлга қўйилди. Ердан омилкорлик билан фойдаланаётган соҳибкорларни маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Улар ўртасида энг яхши ва сифатли маҳсулот учун конкурслар ўтказиш эндиликда анъана бўлиб қолди.

Амалга оширилган ва оширилаётган ана шу хил тадбирлар кутилган натижаларни беряпти. Масалан, Охунбобоев номли совхознинг У. Қурбонов бошлиқ бригадаси аъзолари сабзавот маҳсулотларини плёнка остида етиштириш, кўчатларни фақат техника ёрдамида очиқ далага ўтказиш, механизация кучи билан ҳосилни парваришлаш ва йиғиштириб олишда яхши тажриба тўплади. Шу туфайли коллектив маҳсулот таннархини бир неча бараварга арзонлаштирди. Бригада аъзолари ўнинчи беш йилликда давлатга пландаги 3811 тонна ўрнига 5420 тонна маҳсулот етказиб бердилар. Ҳосилдорлик 110 центнердан 330 центнерга етказилди. Беш йилда бир гектар ердан 413 минг сўм даромад олинди. 1 центнер маҳсулотнинг таннархи 7 сўм 52 тийин ўрнига 5 сўм 61 тийинни ташкил этди.

Агар бригада бошлиғидан ёки аъзоларидан бу ютуқларнинг сири нимада деб сўрасангиз: «Ҳамма гап ердан омилкорлик билан фойдаланишда», деб жавоб берадилар.

Дарҳақиқат, шундай. Сабзавоткорлар октябрь-ноябрь ойларидаёқ парникларни мавсумга ҳозирлашга киришадилар. Парникларга уруғ январь ойининг ўрталаригача сепилади. Уруғнинг униб чиқиши ва унинг нормал ривожланиши учун парниклар доимо бир хил ҳароратда сақланади. Униб чиққан кўчат вақти-вақти билан озиқлантириб борилади.

Кўчатларни ўз вақтида сийраклатиш жуда катта аҳамиятга эга. Баъзи бригадаларда битта ром остида 1200—1500 туп кўчат ўстирилади. Бунинг оқибатида кўчат нимжон бўлиб ўсади, кеч гуллаб, ҳосилга кеч киради. Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари эса буни эътиборга олиб, ҳар бир ром остида 700—800 тупдан ортиқ кўчат ўстиришмайди.

Бригада бошлиғи уруғликни яхшилаш учун ҳам кўп иш қилди. Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ленин номли ва «Правда» колхозларининг сабзавоткорлари ҳузурида бўлиб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти мева-сабзавотчилик кафедраси олимлари билан маслаҳатлашиб иш тутди. Улардан янги нав помидор уруғларини олиб, ўз ерида синаб кўрди. Ҳозир бригадада помидорнинг «Киевский консервний», «Вентура», «Колокольчик», «Фекол» сингари юқори ҳосилдор навлари ўстирилмоқда.

Бундай тажрибакор, ишчан соҳибкорлар мевачилик ва узумчиликда ҳам оз эмас. Илғорларимизнинг меҳнат муваффақиятлари, иш тажрибалари бирлашма бўйича юқори ҳосил етиштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятини бермоқда.

Бирлашмамизнинг энг яхши вакиллари 1981 йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган республика сабзавоткорлари, боғбон ва соҳибкорлари, полизкорлари қурултойида қатнашдилар. Қурултойда аҳолининг деҳқончилик маҳсулотларига нисбатан талабини қондиришда қўшимча резервлардан, имкониятлардан оқилона фойдаланиш тавсия этилди, илғорлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Коллективимиз бутун ёз ва куз ойларида ишни ана шу маслаҳат ва таклифлар асосида олиб борди. Юқори партия ва совет ташкилотларининг яқиндан берган ёрдами, деҳқон ва боғбонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли, бу йилги табиат инжиқликларига қарамай, ҳамма ерда мўл ҳосил етиштиришга эришилди.

Сабзавот ва мева маҳсулотларини ўз вақтида нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун ҳам катта тайёргарлик кўрдик. Сабзавот омборхоналари сифатли ремонт қилинди, юк ташиш транспортлари мавсумга олдиндан ҳозирланди.

Бугун биз бирлашмамизнинг янги беш йилликнинг дастлабки йилида эришган муваффақиятлари ҳақида мамнун гапира оламиз. Давлатга узум, мева-сабзавот сотиш план-топшириқлари 128—145 процент бажарилди. 1981 йилда 1979 йилга нисбатан мева тайёрлаш 44,6 процентга, узум 35,2 процентга, сабзавот 37,5 процентга кўпайди.

Пешқадам хўжаликларнинг ютуқлари яна ҳам қувончли. Масалан, Ф. Энгельс номли совхознинг сабзавоткорлари сабзавот тайёрлашда эришган юксак натижалари учун республика партия ва ҳукуматнинг Кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар. Шунингдек, Охунбобоев номли совхознинг бир қатор бўлим ва бригадалари сабзавот тайёрлаш планларини икки ҳисса ошириб бажардилар. «Болгария», «Прогресс» совхозларининг соҳибкорлари мева ва узумни ўтган йилгидан анча кўпайтиришга эришдилар. Деҳқонларимиз, боғбонларимиз Ватанимиз қудратини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Байкал — Амур магистрали, «Атоммаш» қурувчиларига, Ғарбий Сибирнинг нефть бойликлари кўзини очаётган халқ кўнгилларига, ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштираётган фидойиларга кўплаб маҳсулот етказиб бердилар.

Бирлашмамизнинг истиқболи янада порлоқ. Областимизда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида хўжаликларни ихтисослаштиришни янада кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу йил Андижон районидаги Отчопар адирликларида «Известия» ва «Тимирязев номли, Қўрғонтепа районида Дзержинский номли, Ленин районида «КПСС XXVI съезди» ва «Ўзбекистон» совхозлари тузилди. Бу янги сабзавотчилик ва боғдорчилик совхозларининг ташкил этилиши аҳоли зич жойлашган областимиз меҳнаткашлари учун мўл маҳсулотлар етиштириш имконини беради. 1988 йилга бориб бирлашмамиз бўйича етиштириладиган узум 40 минг 500 тоннага етади. Шу ҳисобдан ҳар йил 2 минг 600 тонна майиз тайёрланади. Ҳозиргига қараганда мева, сабзавот, узум етиштириш олти-етти баравар кўпаяди.

Бироқ ишимиздаги баъзи бир муаммоларни ҳал этишимиз лозим. Масалан, бегона ўтга қарши курашда ҳар йили гербицидларга катта муҳтожлик сезамиз. Хўжаликларимизга гербицид вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида қийинчиликларга дуч келмоқдамиз.

Бирлашмамиз ихтиёридаги совхозларни янада кенгайтириш, янги боғ-роғлар ташкил этиш бўйича қатор тадбирлар белгиланган. Яқин йиллар ичида 1 минг 356 гектар ер ўзлаштириш кўзда тутилган. Лекин муттасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги билан бу иш пайсалга солинмоқда.

Алмашлаб экиш соҳасида ҳам худди шундай сусткашликни кузатиш мумкин. Масалан, экин далаларининг камлиги оқибатида муҳим агротехник тадбирни кўнгилдагидек бажариш имкони бўлмаяпти. Ялпи маҳсулот ҳажмини қисқартирмаган ҳолда чорвачиликни ривожлантириш учун алмашлаб экишга ўтиш умумий ишимиз учун катта самара берган бўлур эди.

Бирлашмамиз соҳибкорлари ва сабзавоткорлари эса эл дастурхонини тўкин-сочин қилиш учун бундан буён ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

Маннобжон МИРЗААҲМЕДОВ,
Мева ва сабзавот хўжалиги министрлиги Андижон область бирлашмасининг бош директори

Наманган Ипак газламалар комбинатининг тўқувчиси, Башорат Йўлчиеванинг бир ўзи 14 дастгоҳ ўрнига Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати 20 дастгоҳни бошқармоқда. Суратда: Башоратхон Йўлчиева иш устида.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси

миллий давлат чегараланиши ўтказиш тўғрисидаги бу ташаббус РКП(б) Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Шунга биноан 1924 йил 14 октябрда СССР Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи сессияси миллий давлат чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши натижасида янги социалистик республикалар — Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Ўзбекистон ССР составида Тожикистон АССР ташкил топди.

1925 йил февраль ойида Ўзбекистон ССР Советларининг I таъсис қурултойи ўзбек халқи Улуғ Октябрь социалистик революцияси бахш этган миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширган ҳолда миллий совет давлатини барпо этганини ҳамда СССР составига ихтиёрий равишда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида киришга қарор қилганини расмий равишда эълон қилди.

СССР Советларининг III съезди 1925 йил 13 майда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССРни СССР составига бир овоздан қабул қилди.

1929 йил октябрда Тожикистон АССР Советлари Фавқулодда III съезди тожик халқининг эркини ифодалаб, Тожикистон Автоном Совет республикасини Тожикистон Совет Социалистик республикасига айлантириш тўғрисида Декларация қабул қилди. 1931 йил 17 мартда СССР Советлари VI съезди Тожикистон ССРни СССР составига иттифоқдош республика сифатида қабул қилди.

СССРнинг сиёсий ва миллий жиҳатдан равнақ топишида 1936 йил СССР Конституцияси беқиёс роль ўйнади. Конституция мамлакатимизда социализм ғалабасини, социалистик жамиятимиз иқтисодий ва сиёсий системаси асосларини, совет халқининг маънавий-сиёсий бирлигини қонуний ифодалаб берди.

Конституция асосида СССР составида янги бешта иттифоқдош республика — Грузия ССР, Арманистон ССР, Озарбайжон ССР, Қозоғистон ССР ва Қирғизистон ССР ташкил этилди ва иттифоқдош республикалар ўн биттага етди.

1940 йили Эстония, Латвия ва Литвада революцион кураш натижасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳамда бу республикаларнинг СССР составига ихтиёрий кириши социализмнинг муҳим ғалабаси бўлди. Ўша йили Молдавия АССР Молдавия ССРга айлантирилиб, СССР составига кирди. Шундай қилиб 15 ҳур республикалар Иттифоқи вужудга келди.

СССРнинг ташкил топиш ва ривожланиш тарихи кўпмиллатли совет социалистик давлатига уюшган барча халқлар бузилмас бирлиги ва дўстлигининг шонли тарихидир.

«Бу тарих,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— социалистик революция вужудга келтирган ва ҳозирги кунда жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлиб қолган давлатнинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши ва ҳар томонлама ривожланиши тарихидир. Бу тарих — шу давлат байроғи остида жипслашган барча республикаларнинг мамлакатда яшаб турган барча миллатлар ва элатларнинг вояга етиш ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан чинакам равнақ топиш тарихидир».

Ҳа, Совет ҳокимияти йилларида бутун мамлакатимиздаги каби серқуёш Ўзбекистонимизда ҳам беқиёс ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Республикамизда саноатнинг юздан зиёд тури барпо этилгани, унинг маҳсулотини энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар сотиб олаётганининг ўзи ҳам ленинча миллий сиёсатнинг нақадар ҳаётбахш куч-қудратга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Бугунги Ўзбекистонимиз йирик ва ёппасига механизмлашган қишлоқ хўжалигига эга. У фан ва маданияти юксак даражада тараққий этган республика бўлиб, социализмнинг Шарқдаги машъалига айланди. Эндиликда у ривожланаётган мамлакатлар ва миллий озодликка эришиб, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган барча халқлар учун ибрат ва тажриба мактаби бўлиб қолди.

Шу нарса фахрланарлики, Совет мамлакати жаҳонда биринчи марта социализмга кенг йўл очди, халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида улкан ўзгаришларни амалга оширди, марксча-ленинча таълимотнинг буюк революцион ўзгартирувчилик қудратини дунёга намойиш этди. Қаҳрамон халқимиз кўпмиллатли ва тинчликсевар Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошира бориб, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда, жаҳон революцион тараққиётига ва дунёда тинчликнинг барқарор бўлишига кучли таъсир кўрсатмоқда. Ҳа, озод ва тенг республикалар иттифоқидан ташкил топган Советлар мамлакати бугун тинчлик байроқдори, мустақилликка эришган мамлакатлар учун ибрат намунасидир.

Солиҳ СУЛТОНОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети Совет ҳуқуқи асослари кафедраси мудири, доцент

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири

ТАРИХ ТАҚОЗОСИ

Тарих тақозоси тушган йўлимиз,
Октябрь тонгида бошланган бу йўл.
Ленин йўл кўрсатди бизга қўл чўзиб,
Ҳамон йўл кўрсатиб турмоқда бу қўл.

Мангу мунаввардир тушган йўлимиз,
Йўлда бизга ҳамроҳ саодат, зафар.
Бизни етказади нурли жаҳонга
Коммунизм сари бошланган сафар.

Тўсиқларни буздик йўлда учраган,
Хавфу хатарларни тору мор этдик.
Бизга қасд қилганлар орқада қолди,
Биз ғалаба билан илгари кетдик.

Жангу жадалларда қудратимизни
Бутун дунё кўрди ва қойил бўлди.
Улуғ ўлкамизнинг ютуқларидан
Бахтиёр халқимиз севинчга тўлди.

Келажакка дадил боқади халқим,
Чунки келажаги таъмин этилган.
Музаффар наслимиз Партиямизнинг
Ғоялари билан ўсган, етилган.

Октябрь тонгида биз бошлаган йўл
Кишиликни элтар ёруғ жаҳонга.
Бу йўлни бошлаган, давом этганлар
Абадий сазовор шарафга, шонга!

Янги йил кечаси ўтмиш, келажак
Ясов тортиб ўтар хаёлимиздан.
Ўтмиш изоҳланур: сонсиз ғалаба,
Дунёга кўрк бўлган камолимиздан.

Меҳнат, ижод билан қулф уриб, яшнаб
Ватаннинг жамоли кундан-кун ортар.
Шонли Ватанимиз жаҳон халқини
Оҳанграбо каби ўзига тортар...

Янги йил кечаси янги орзулар
Хушнуд қилар дилга ҳаяжон солиб.
Жаҳон тинчлигини ўйлаймиз яна
Аҳдимизда собит, барқарор қолиб.

Асосий вазифа тинчликни сақлаш!
Тинчлик сақланилса, олам — гулистон,
Кўкдан ёғилмасин машъум бомбалар,
Она-Еримизни қопламасин қон!

Тинчлик давом этсин пахтазорларда,
«Оқ олтин» денгизи мавж урсин мудом.
Янги чаманларда қулф уриб ёғган
Сеҳргар гўзаллик бизни этсин ром.

Ногаҳон юз бериб ҳалокат Ерда
Гўдаклар уйқуси бузилмасин ҳеч.
Фарёд кўтарилиб чархи фалакка
Оналар алласи узилмасин ҳеч.

Янги йил кечаси қадаҳ кўтариб,
Дўстларга тилаймиз бахту саодат.
Яхши соатларда дўстларни эслаш
Қонимизга сингган муқаддас одат.

Янги йил кечаси ватандошларга
Соғлиқ-саломатлик тилаймиз яна.
Шонли ўлкамизда тўю тамошо,
Тинчлик, меҳнат, ижод қилсин тантана.

15 ноябрь, 1981 йил

Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

ХУСУСИЙ АМАЛДОР

Лоқайдлар орасида,
бефарқлар кўз ўнгида,
биз билан ёнма-ён,
ўй,
ташвиш, эснокдан чарчаб,
яшаётир
хусусий амалдор
ҳар кунгидай.
Тан олмоқ вақти келди, —
ёмон яшамас, гарчанд...
Тобора қорин солар,
ёноқлари кўпчийди,
Фалсафа сўқар, гўё,
тақдирга сабоқ бериб,
мудом:
«Сендан — угина, мендан —бугина», дейди
(давлатнинг ҳисобидан,
албатта) у кекириб...
У — хизматда.
Ҳолбуки,
қонунларга тупурар,
бўйинсуниб ёлғиз ўзига ўзи
вагонларни жўнатмас,
заводни чала қурар
манфаат кўришига
етмаса агар кўзи!
У юлишнинг пайида.
Доим чўтда — кирими.
Шу важдан нафратланар
меъёру тартибдан ҳам.
Ҳеч ким билан «бекорга» сўзлашмаслик —
ирими!
«Бекорга» чекмас имзо.
«Бекорга» бермас ёрдам.
Бу — анойи: юлдузни
бенарвон урадию
галдаги ўлжасига
сўлагин ютиб қарар,
Зиммадаги бурчини
бозорга солади у!
Ғазнани
ҳар тарафдан, моҳирона
ўмарар!
Ҳозирга,
бутун умрга
етгулигин ғамларкан,
институтлар, қурилиш,
совхозлар, трестларда,
у давлатдан бир дунё
солиқ олиб жамларкан,
ўзига гард юқтирмай
ишин боплар ҳар ерда!
Ва не-не
из қолдирмай, пинҳон ишловчи қўллар,
бир-бирига жону тан
шарпасиз кўмакчилар,
Серҳашам қабулхона,
сирли ва қинғир йўллар —
махсус муносабатлар
тилсимин ҳосил қилар!..
... Юлғичларга
бемехр, бешафқат бўл,
мамлакат!
Машҳур Уралинг каби
бўл пўлатдай мустаҳкам!
Шошил!
Албатта, шошил,
хусусий арбоб фақат
ўзини ўнғаролмай,
қайтаролмай қолсин дам.

Шеър «Правда» газетасининг 1981 йил 29 октябрь сонида босилган.

Қ. МУҲАММАДАЛИ таржимаси

ЎТЛИ ЛАҲЗАЛАР

Адҳам РАҲМАТ

Ленинободлик оддий деҳқоннинг ўғли Эргаш Рўзиев Улуғ Ватан уруши йилларида мисли сиз жасорат кўрсатди. У ҳозир пенсионер, уруш инвалиди, Ленинобод шаҳрида истиқомат қилади. Биз қуйида унинг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонликларидан баъзи эпизодларни журналхонлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

... — Қайси кун эканлиги эсимда йўқ. 1941 йил декабрь ойи эди, — деб ҳикоя қилади Эргаш Рўзиев. — Бизни полковник Чернишев ўз ҳузурига чақиртирди. Катта хонада пишиқ ғиштдан қилинган печка қизиб турарди. Полковник ҳузурида икки сапёр ҳам ўтирарди. Чернишев ўйчан, хона ичида секин-аста юраркан, ҳаммамизни назардан ўтказди ва хонанинг ўртасида тўхтаб, бизни чақиртиришдан мақсад нималигини тушунтирди:

— Қаршимизда Биттрих командирлик қилаётган ССчи дивизия турибди, — деди у. — У тиш-тирноғигача қуролланган. Мустаҳкам мудофаа чизиқлари, тиканли сим тўсиқлари қурган, дарёнинг икки қирғоғига жуда кўп миналар кўмган. У бизга шу ерда зарба бермоқчи. Сўнгра куч йиғиб қулай вақтда яна Москвага ҳужум қилиш ниятида. Ўзларингизга маълум, пойтахтимиз эса биздан атиги 58 километр ортда.

Сиз мерганлар душман пулемётчиларини, автоматчиларини ва бошқа ўт нуқталарини йўқотишларингиз ҳамда қисмларимизнинг олдинга юриши учун имконият яратишларингиз лозим.

Қуёш ўрмонлар ортига ўтиши биланоқ олинган топшириқларга муваффақ ишга киришдик. Буни пайқаб қолган душман миномёт, пулемёт ва бошқа қуроллардан ўқ ёғдира бошлади. Биз ҳам бўш келмадик. Орқадан миномётчиларимиз, тўпчиларимиз ҳам ишга киришиб, мерганларга мадад бердилар.

Бирдан қор уюми босган дўнглик остидаги блиндаждан пулемёт ўт оча бошлади. Душман пулемётчисини аниқлаш керак эди. Акс ҳолда уни мўлжалга олиб бўлмасди.

Қош қорая бошлади. Мен эса, ҳамон дўнгликка кўз тикканча пистирмада киприк қоқмай ўтирардим. Рўпарамизда битта эмас, бир нечта пулемёт нуқталари бўлиши мумкин эди, чунки улар жойларини билдириб қўймасликлари учун навбат билан ўқ узишарди. Бунинг устига рўпарамиздаги дарё тепасига бирин-кетин отилиб турган душман ракеталари атрофни ёритиб, мерганларимизга ҳалақит берарди.

Навбатдаги ракета отилиши билан дўнг қор уюми остидаги пулемёт ишга тушди. Биз учун қулай пайт келган эди. Мен нафасимни ичимга ютиб, тепкини босдим. Шу ондаёқ пулемётнинг овози ўчди. Орадан бир лаҳза ўтиши билан яна ракета отилди. Нарироқдан яна қандайдир пулемёт ўт очди. Қуруқчи ва сапёрлардан бир неча киши ҳалок бўлди. Вазият анча мушкуллашди.

Бирданига ўнг томонда душманнинг кичик танки ва улар ортидан оғир танклари пайдо бўлди.

Орқада — муз уюми панасида турган лейтенант Шаповаловнинг «Душман танкларига граната лар билан зарба берилсин!» деган буйруғи билан ҳамма ҳушёр тортди. Олдинда келаётган танкетка — кичик танк лейтенант турган томонга пулемётдан ўт очди. Сўнгра мен томонга қараб кела бошлади. Оқ халат кийиб олганим учун мени кўрмай муз устидан аста келарди. У яқинлашиб келганда мўлжаллаб танкеткага қарата граната улоқтирдим. Шу заҳоти қсра тутун, сўнгра аланга кўтарилди. Танкетка ўрнида қотди.

Мен буруқсаб турган тутунни паналаб, лейтенант олдига эмаклаб бордим. Шаповалов қонга бўялган ўнг елкасини ушлаганча инграрди. Мен унга ёрдам кўрсатдим.

Жасур йигитларимизнинг зарбасига дош беролмаган душман аланга олаётган уч танкетка ва икки танкни қолдириб орқага чекинди. Истра шаҳри ҳамда фашист генерали Биттрих уя қўйган Бриково ва бошқа қишлоқларимиз шу тариқа босқинчилардан озод қилинди.

... 1944 йил. Ёз фаслининг охирги ойи. Бу маҳалда Болтиқбўйи республикаларида об-ҳаво ҳар қачонгидан ёқимли бўлади. Арчазор, қарағайзорларнинг хушбўй ҳиди, шишадек зилол кўллар кишига роҳат бағишлайди. Қани энди тинчлик бўлсаю... Душманни таъқиб қилиб олдинга интилаётган солдатларимиз хаёлидан баъзан шу фикр ўтарди.

3-Белоруссия ва 1-Болтиқбўйи фронтларининг жангчилари гитлерчиларни Шарқий Пруссиягача шиддатли жанглар билан изма-из қувиб боришди. Фашистларнинг жабру зулмидан халос бўлган Болтиқбўйи аҳолисининг қувончи чексиз эди. Улар ёвуз душман устидан бўладиган ғалабани тезлаштириш учун қўлларидан келган ёрдамларини аямасдилар.

Мардлик — мангулик

Эргаш Рўзиев ҳизмат қилган 251-дивизия генерал-лейтенант Черняховский қўмондонлик қилган 3-Белоруссия фронти қўшинлари составида Вильнюс шаҳри томон душманни қувиб борарди. Қизғин жанг билан босиб ўтилаётган бу йўллар Эргашга таниш эди. Чунки 1940 йил ёз фаслида Литва халқини буржуазия асоратидан қутқариш учун совет халқи ёрдам қўлини чўзган пайтларда Эргаш Рўзиев ҳам шу йўллардан ўтган эди.

Вильнюсга яқин жойдаги катта ўрмонга беркиниб олган душман совет қўшинларини тўхтатмоқчи бўлиб, барча қурол турларини ишга соларди. Бироқ ҳужумкорлик руҳи билан тўлиб-тошган жангчиларимизни ҳеч қандай куч тўхтата олмасди.

Ўрмондаги жанг ярим тундан тонггача давом этди. Душман кучлари ва техникаси катта талафот кўрди. Фашистлар чекинишга мажбур бўлди. Лекин мана шу жангда гвардиячи сержант Эргаш Рўзиев оғир яраддор бўлди.

Уни санитария поездида Волоколамск шаҳридаги госпиталга олиб келганларида ҳам ҳушсиз эди. Медицина комиссиясининг тавсияси билан уни Москвадаги госпиталларнинг бирига жўнатишди...

Эргаш Рўзиев госпиталдан соғайиб чиққач, уни соғлиқни тиклаш батальонига жўнатишмоқчи бўлишди. Лекин қуролдош дўстлар соғинчи, душманга нисбатан бўлган қаҳр-ғазаб уни соғлиқни тиклаш батальонига эмас, шаҳар ҳарбий комендатурасига етаклади. У ҳарбий комиссариатдан полковник Городовиков қисмига юборишларини илтимос қилди.

Эргаш Москвадан Шарқий Пруссиягача поездда борди. Чегарадан ўтгач, комендатурага кириб, ҳужжатларини, йўлланмасини кўрсатди. Ниҳоят қадрдон қисмига етиб келди. Дивизия қўмондони генерал-майор Б. Городовиков уни худди ўз ўғлидек илиқ кутиб олди.

— Бизни топиб келганинг жуда яхши бўлди, — деди генерал мамнун ҳолда. — Биласанми, мен сени мерганлар взводига командир этиб тайинлайман, душманнинг адабини берасан. Ҳозир эса бориб дамингни ол.

Эргаш эртаси куни тонгда мерган милтиғини олиб, жанговар дўстлари билан «овга чиқди. Ўша куни улар дарахт шохлари, бўталар орасига беркинган 37 нафар душманни ер тишлатди. Кечқурун қўмондон бу қаҳрамонликлари учун моҳир мерган гвардиячи сержант Эргаш Рўзиев ва унинг жанговар дўстларига ташаккур эълон қилди.

Шу куни кечаси Рўзиев бошлиқ мерганлар взводи гитлерчиларнинг темир-бетон билан мустаҳкамланган Млавский-Ильменхорет мудофаа районининг энг хавфли участкасига борди. Тонг ёриша бошлагач, душман объектларини кузата бошлади. Бир эмас икки, учта пулемёт нуқтаси, дарахтзор ёнидаги тор туйнукда кўринаётган катта дурбин (стреотруба) фашист тўпчиларининг кузатиш пункти эди. Рўзиев бошлиқ мерганларимиз фавқулодда ҳужумга ўтиб, душманнинг ўн беш мерганини йўқ қилиб, стреотрубани чилпарчин қилиб ташладилар. Аммо душман мерганларимизнинг қаердан ўт очаётганини сезиб, улар устига миномётлардан ўт оча бошлади. Мерганларни ҳимоя қилиш учун артиллериямиз душман позицияларига ўт очди. Мана шу қизғин жанглар вақтида Эргаш Рўзиев снаряд парчасининг зарбидан йиқилди. Уни дарҳол медицина санитария батальонига, у ердан эса Иваново шаҳридаги госпиталга жўнатдилар. Госпиталда ётганида унга дивизия командири генерал-майор Городовиковдан хат келди. Генерал ўз хатида:

«Соғлиғинг қалай? Биз тобора олдинлаб бораяпмиз. Ўша куни фашистларнинг яхшилаб адабини бердинглар. Биз бугун-эрта Кенигсбергга штурм қиламиз, ғалаба яқин. Тезроқ соғай!» — деб ёзганди.

Тез орада Кенигсбергдаги душман группировкаси тор-мор этилди. Генерал Городовиков жангчилари ғалаба тонгини ўша ерда кутиб олдилар. Рўзиев ҳам соғайиб кетди ва ўз юртига қувонч билан қайтди. Унинг кўксини безаб турган жанговар орден ва медаллар жонажон Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолишда кўрсатган мисли сиз қаҳрамонликларидан нишонадир.

Қаҳрамон боболаримиз хотирасига таъзим!

А. АБАЛЯН фотоси

*

ИХЛОС

Ака-ука — Ғайрат, Фурқат, Олимжон, Фарҳод ва Одилжон Носировлар чўлда етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда совхоз ишчиларига кўмаклашдилар.

Совет кишилари ғалабага эришдилар ва ҳозир ўз меҳнатларининг натижасини кўрмоқдалар. Улар ўз фаровонликларини ўз қўллари билан яратмоқдалар.

Юлиус ФУЧИК

«Қизилқум», «Мирзачўл»... Бир неча ўн йиллар аввал бу сўзлар ғоят сирли, ваҳимали эшитилардн. Эндиликда давримизнинг шиддати, замондошларимиз заковати, меҳнатга ихлоси, ғайрат-шижоати туфайли азалий чўл ва саҳролар ўзгача чирой очди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ерлар маъмурчилик манбанга айланди, инсонлар дилига яқин бўлиб қолди.

Арнасой районининг пахтазорларини кўриб юрган киши совхозлар оралиғидаги ғалати манзарага дуч келиши мумкин... Катта-кичик қум барханларидан иборат саҳро. Ҳар ер-ҳар ерда саксовул, юлғун, шувоқ, қирқбўғим, қуёнжуни сингари гиёҳлар кўзга ташланади. Юлғун остида қаққайган юмронқозиқ қум устида аранг сирғалиб бораётган автомашинага ҳайрон бўлгандек тикилади. Юқорида икки-уч калхат учиб юради. Узоқда осмонга буралиб кўтарилаётган чанг-тўзон кўринади. Чўл кишилари бундай шамолни «ола тўпалон» деб атайдилар...

Қисқаси, ям-яшил пахтазорларни оралаб ўтаётган йўловчи тўсатдан чинакам саҳрога чиқиб қолганидан ҳайратга тушади. Ҳа, ҳақиқий саҳро! Лекин у атайлаб қолдирилган саҳро бўлаги! Узига хос музей! Ахир чўлқуварларнинг келажак авлодлари саҳронинг қанақа эканлигини тасаввур этишлари керак-да! Агар улар чинакам чўл табиатини ўз кўзлари билан кўрмасалар: «Ота-боболаримиз чўпчак айтиб бизни алдабдилар, лоф ҳам эви билан-да!» деб ноўрин таъна қилишлари ҳам мумкин.

Қадимий саҳродан қолдирилган ана шу бўлак ер бундан буён Арнасой райони тарихидан, чўлқуварлар жасоратидан ҳикоя қилиб туради. Бу районнинг ташкил этилишида, унинг равнақ топишида Арнасойдаги ҳар бир совхознинг, райондаги ҳар бир чўлқуварнинг ҳиссаси, хизмати бор. Ана шундай хўжаликлардан бири райондаги Юлиус Фучик номли совхоздир.

Бундан тўққиз йил муқаддам — 1973 йили Қизилқум билан Мирзачўл туташган тақир ерларда янги бир совхоз иш бошлади. Хўжаликка дўст чехословак халқининг асл фарзанди, оташин публицист Юлиус Фучикнинг номи берилди. Совхоз йил сайин ўсиб-улғайди. Бугунги кунда эса, унинг номи Жиззах областидаги машъал хўжаликлар қаторида тилга олинади.

Юлиус Фучик номли совхоз чўлқуварлари дастлабки йилларда бошлаб хўжаликни комплекс ривожлантиришга, ҳосилдорликни тобора оширишга эришаётирлар. 1974 йили бу хўжаликда 800 гектар ерга чигит экилган эди. Ўтган йили эса совхоз пахтакорлари 4 минг 430 гектар ерда пахта етиштирдилар. Ҳар гектар ердан пландаги 25 центнер ўрнига 30 центнердан ошириб «оқ олтин» топширдилар. План 120 процент қилиб бажарилди.

Совхознинг алоҳида бўлимлари, бригадаларининг деҳқонлари чўлда «оқ олтин» ундиришда кўпларга намуна бўлаётирлар. Масалан, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида Саид Анорқулов бошлиқ бўлим пахта ҳосилдорлигини 33 центнерга, Ўктам Муллажонов бошлиқ бўлим 32 центнерга, Хидир Йўлдошев бошлиқ бўлим 31 центнерга етказди. Бригадалар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақа совхозда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлди. Ҳамро Ниёзова, Хўроз Избосаров, Абдусаттор Эсиргапов, Маъмурахон Боймуродова бошлиқ бригадалар ўтган йили ҳар гектар ердан 33—38 центнердан «оқ олтин» ундириб, пешқадамлик қилдилар.

Маълумки, чўлда етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш асосан механизаторлар зиммасига тушади. «Машина — деҳқоннинг қаноти» деган ҳикматли иборанинг маъноси айниқса чўл шароитида тўла-тўкис ўз ифодасини топади. Шу боис мазкур хўжаликда ҳам ҳамиша механизацияга суяниб иш кўрилади. Ўтган йили етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда совхоз механизаторларидан Йўлдош Усмонов, Ғайбулла Ҳожиев, Жўрабек Нишонов, Саттор Абдураззоқов, Кўчим Шодмоновларнинг ҳар бири алоҳида юксак унум билан ишлади. Бу моҳир механизаторлар мавсум давомида «зангори кема» бункерларидан 180—200 тоннадан пахта тўкдилар. Бахмал қишлоғидан келиб ишлаётган ака-ука Марқабой ва Бейсенбой Жумабоевлар эса совхознинг 632 тонна пахтасини машинада териб бердилар.

Ўтган йили пахта йиғим-терими мавсумида акаука Носировлар кўрсатган ташаббус Жиззах областидагина эмас, балки бутун республикамизда кенг ёйилди. Зеро, бу ташаббус Юлиус Фучик номли совхоз пахтакорлари номи билан бевосита боғлиқдир. Гап шундаки, 1981 йили машҳур пахта устаси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Ҳамроқул Носировнинг беш фарзанди — Олимжон, Одилжон, Фурқат, Фарҳод ва Ғайратжонлардан иборат оилавий экипаж мазкур хўжаликда машина билан пахта тердилар.

Аслида бу олижаноб ҳаракат бирданига юзага келгани йўқ. Ташаббуснинг бошланиши бундан бир неча йил муқаддам, Ҳамроқул отанинг ҳаётлигида юз берган эди. Устоз пахтакор ўз фарзандларини пахтага, пахтачиликка зўр меҳр билан ўстирди. Отанинг тўнғич ўғилларидан бири Тоҳир Ҳамроқулов мактабда ўқиб юрганидаёқ машинада пахта териб, тилга тушган эди. Ҳозир у қишлоқ хўжалиги мутахассиси сифатида область пахтачилигининг ривожига ўз ҳиссасини қўшаётир.

1979 йили Тоҳирнинг укалари Олимжон, Фурқат, Фарҳодлар чўлда машина билан пахта териб, «зангори кема» бункеридан хирмонга 600 тонна пахта тўкдилар. 1980 йилда эса Ғайратжон ҳам акалари ёнига қўшилди. Тўрт оға-ининнинг машинада терган пахтаси 1 минг 280 тонна бўлди. 1981 йилда эса Одилжон ҳам ака-укалари сафида пахта теришга ахд қилди. Беш ака-ука машиналар билан 23 кунда 1 минг 760 тонна пахта териб бердилар...

Жиззах областида бармоқ билан санарли бир нечта хўжалик борки, улар ҳар йили давлатга 12 минг тоннадан 15 минг тоннагача пахта етказиб берадилар. Жиззах районидаги «Москва» колхози, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз... Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз ҳам ана шундай гигант хўжаликлар сирасига мансубдир. Ўтган хўжалик йилида бу совхоз деҳқонлари давлатга 13 ярим минг тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Совхоз директори Йўлдош Зоҳидов биз билан суҳбатда хўжаликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида шундай деди:

— Халқимизда, туяни миниб, олисни кўзла, деган ҳикмат бор. Агар фақат бугунги ҳосилни ўйласак-да, эрта-индин ҳақида ғамхўрлик қилмасак, нотўғри иш тутган бўламиз. Совхозимизда пахта экилган майдонлар сўнгги йилларгача ҳамиша кенгайиб борди. Дастлаб 800 гектар ерга чигит экган хўжалик 1980 йили 4 минг 700 гектар пахтазорга эга эди. 1981 йилдан эътиборан биз ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта майдонларини бироз қисқартирдик. Агар совхозда алмашлаб экишни жорий этмасак, бора-бора хўжалигимиз қолоқлашиб қолади. Шу боисдан мана бу йил роппа-роса 4 минг гектар ерга чигит экмоқчимиз. Қолган 2 минг гектар еримиз эса беда, маккажўхори, рапс, судан ўти, қовун-тарвуз сингари оралиқ экинлари билан банд бўлади. Бу тадбирнинг яна бир эзгу жиҳати шуки, чорвачиликни ривожлантиришга яхши шароит яратилади. Мана бултур гўшт, сут топшириш бўйича планларни ошириб бажардик. Бултур 320 бош сигирдан 3 минг 600 литрдан сут соғиб олдик. Бу йил эса, соғин сигирларимиз сонини 400 бошга етказдик. Шундан маълумки, хўжалигимиз комплекс ривожланмоқда...

— Ҳар бир боғнинг қанчалик мева бериши боғбонга боғлиқ,— деди Арнасой район партия комитетининг биринчи секретари Аҳаджон Соибназаров.— Агар Фучик номли совхозни ҳам боғга қиёс қилсак, бемалол айтишим мумкин, бу боғ ўз боғбонларидан ёлчиган. Совхозни ташкил этишда дастлабки директор, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Нормурод Холмуродовнинг хизмати катта бўлди. Сўнгроқ бу совхозга қалдирғоч чўлқуварлардан бири Саттор Усмоновнинг меҳнати сингди. Ҳозирги директоримиз Йўлдош Зоҳидов ҳам ғоят ишчан чўлқуварлардан бири. Чўлқуварликни оддий шофёрликдан бошлаган Йўлдошбой мана бугун — улкан бир хўжаликнинг раҳбари. Демак, Юлиус Фучик номли боғ ҳозир яхши бир боғбоннинг қўлида...

Юксак коммунистик эътиқод жарчиси, совет кишиларининг яқин дўсти Юлиус Фучик Улуғ Ватан урушидан олдинги йилларда Совет Иттифоқига бир неча марта сафар қилиб, мамлакатимизда қўлга киритилаётган ютуқлардан ғоят қувонган эди. У озод Ватанимиз ҳақида, жонажон республикамиз хусусида туркум очерклар эълон қилган эди. Юлиус Фучикнинг Ўзбекистон меҳнаткашлари тўғрисида, пахта экинининг табиати борасида ёзган сатрлари ғоят мароқлидир:

«Бу ерда ҳаёт сенинг кўз ўнгингда равнақ топади.



Совхознинг илғор бригада бошлиғи Турғун Аҳмедов ҳам ўз бахтини чўлда топганлардан бири. Унинг бригадаси ҳосилдорликни 56 центнерга етказди.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Айтайлик, жазирама иссиқдан ҳолсизланган пайкалнинг уватида ўтиришибсан. Оёғингнинг учида эгатларда сўлиб қолган ниҳоллар. Ғўзалар бошини эгиб турибди, уларнинг баригага чўлнинг беҳисоб чанги ўтириб қолган.

Ниҳоллар ҳалок бўляпти. Кейин эса...

Сувнинг ингичка «тили» эгатларга оҳиста оқиб киради. Тупроқ зўр ҳавас билан сув ичади. Сув кўпаяди, энди у боягидек ингичка «тил» эмас, сув

Совхоз сут-товар фермасининг машъаллари Ҳалима Ашурова билан Уғилой Тожиева ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 3600 литрдан сут соғиб олишди.

оқими. Ер эса сувни қултум-қултумлаб ичаётгандек туюлади. Сув хазинасининг посбони, олижаноб мироб биздан узоқда, аллақаерда ариқларнинг қулоғини очиб юборган: сув тўла канал бўйлаб ҳаёт оқа бошлади. Буни шундоққина кўриб турасан.

Моҳир механизатор Марқабой Жумабоев «зангори кема» билан пахта теришда донг таратди.

А. ТУРАЕВ ва Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари

Оқариб ётган кесак малла тусга кира бошлайди, ғўза туплари бош кўтариб қаддини ростлайди, барглар эрталабки шабадада тебраниб, оғир чангларни қоқиб ташлайди, бутоқлар чўзилади, ўсади. Бу тез, салмоқли, ҳосилдор ўсишдир. Сен эса бевосита, унинг гувоҳи бўлиб турибсан».

Юлиус Фучикнинг Ўзбекистон заминига нисбатан ихлос билан ёзган бу сўзлари гўё ўзининг номи билан аталаётган совхоз ҳақида, шу хўжаликнинг уддабурон чўлқуварлари ҳақида ҳозиргина айтилаётгандек туюлади.

Оқилжон ҲУСАНОВ

ЁШ ИШЧИ

Журналимиз муқовасида кўриб турганингиз Шоҳида Яҳёева — В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ёш ишчиларидан. У комбинатнинг пардозлаш фабрикасида ишлайди. Мазкур фабрика газламаларга гул босиш, ранглаш, пардозлаш, саралаш каби бир неча цехлардан иборат бўлиб, бу ерда тайёрланган газламалар назорат цехига ўтади. «Янгилик», «Лавсан», «Искра», «Зуҳра», «Субҳидам» — комбинатнинг бу ранг-баранг газламаларида сер-қуёш диёримизнинг мафтункор гўзаллиги жилва қилади. Уларга Шоҳида ва унинг 200 дан ортиқ ҳамкасб дугоналари жило берадилар.

Фабрика коллективи орасида Шоҳида етакчилик қилаётган бригада илғорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бригада қизлари замонавий техника ёрдамида газламаларни синчиклаб кўздан кечирадилар, технологик жараёнларни кузатадилар, бу билан маҳсулотнинг сифатини янада яхшилашга ҳисса қўшадилар.

Қизлар пардоз бераётган нафис матолар фақат республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам машҳур.

— Харидорлар газламаларимизда моҳир ҳамкасбларимизнинг қўл тафти, юрак ҳароратини ҳис этсинлар, — дея ўз дугоналарини иштиёқ билан ишлашга ундайди Шоҳида.

Шоҳида комбинатнинг Лидия Казанцева, Дилбар Қулматова, Вера Солдатова каби машҳур тўқувчилари довруғини эшитганда ҳали мактаб ўқувчиси эди. «Мен ҳам тўқувчи бўламан», деган ният фикрини чулғаб юрарди.

Орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Шоҳидани комбинатда очилган тўқимачи-назоратчилар тайёрлаш курсига қабул қилишди. Машғулотларни комбинатнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лидия Казанцева, Буолма Жўраева, СССР Олий Советининг депутати Дилбар Қулматова, Евгения Губина, Вера Солдатова каби машҳур тўқимачилари олиб борардилар.

Курсни тугатгач, Шоҳида пардозлаш фабрикасидаги назоратчилар цехида — ойисининг ёнида ишлай бошлади. Секин-аста унинг меҳнатга иштиёқи комбинат маъмуриятининг, устозлари ва ҳамкасбларининг эътиборини тортди. Тез орада сурати фабрика Ҳурмат тахтасидан жой олди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас уни бригада бошлиғи этиб тайинлашди. Энди унинг ўзи цехга келаётган ёшларнинг мураббийларидан бири бўлиб қолди. Комбинатда ҳар куни ишлаб чиқарилаётган 600—650 минг метрдан ортиқ газламанинг тўртдан бир қисми ана шу бригада қизлари назоратидан ўтади...

Цехда елиб-югуриб, газламаларнинг сифатини текшириб юрган Шоҳиданинг ҳаракатларини зимдан кузатаман. У дастгоҳнинг мурватини бураши билан тайёр материаллар оқиб кела бошлайди. Бир метр брак маҳсулот ҳам унинг ўткир нигоҳларидан четда қолмайди.

— Ғолибликни қўлдан бермай келаётганингизнинг боиси нимада, Шоҳида?

— Бизда ҳар бир минут ҳисобли, — дея жавоб беради Шоҳида Яҳёева бу саволимга пайдар-пай оқиб келаётган материаллардан кўз узмай. — Биласизми, бизга цехлардан минутига 10 минг метрдан ортиқ газлама оқиб келади. Назорат бироз бўшаштирилса, улар тўпланиб қолади, харидорларга етказиш кечикади, план оқсайди. Ҳозир комбинат тўқимачилари бир ойда 30 миллион метрга яқин газлама ишлаб чиқармоқдалар. Бригадамиз аъзоларидан Улбўсин Бойтерекова, Галя Майнусова, Наима Ҳошимова, Шоҳида Санжинакова, Мақсуда Зокирова, Лобархон Алиевалар алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилишяпти...

Шоҳида бошлиқ бригада қизларининг янги йил режалари билан қизиқдим.

— Барча турдаги газламаларимизни сифат белгиси билан чиқаришга эришиш — олдимизга қўйилган асосий вазифа,— деб қатъий жавоб берди у.— Комбинатимиз ҳозир тўла таъмир қилинмоқда. Тез орада янги пардозлаш фабрикаси ишга тушади. Цехларимизга шовқин чиқармайдиган янги дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Яратилаётган имкониятлар биз назоратчиларнинг ҳам план-мажбуриятларимизни тўла ва ортиғи билан бажаришга даъват этади.

Дастгоҳлар бир дақиқа нафас ростлаш учун тўхтайди. Иш коржомаларини ечиб, чиройли кийинган олган қизлар гурас-гурас бўлиб фабрика дарвозасидан чиқишади. Уларнинг бир қисми комбинат ҳузуридаги ҳунар-таълим билим юртининг биноси томон йўл олади. Бу қизлар орасида ҳали мен билан ўз ишлари ҳақида ҳаяжон билан суҳбатлашган, дугоналари орасида бир қучоқ олов бўлиб юрган Шоҳида Яҳёева ҳам бор.

Илмий-техника тараққиёти даврimizнинг омилкор кучи бўлиб қолди. Давр шиддати билан баравар одимлаш учун эса ўқиб-ўрганиш лозим. Ҳар бир янги кун, янги йил ўз ҳақрамонларини яратади. Устозларнинг меҳри эса уларга парвоз бағишлайди. Бугун барча ҳамкасблари дилида меҳнатга иштиёқ уйғотиб юрган бу қизлар эртага ўз устозлари анъаналарининг давомчилари бўлиб элга танилса, ажаб эмас.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

Мавлуда Мирзаева беш йил муқаддам ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Нон ишлаб чиқариш бирлашмасига йўлланма олган эди. Мавлуда мазкур корхонада моҳир мутахассис сифатида обрў-эътибор орттирди. Суратда: М. Мирзаева ўзи пиширган нонларни кўздан кечирмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Кузги дарахт

Бутоқ-япроғида куз тафти,
Шовуллаб турибди бир дарахт.
Хазонлар танасин ўрабди,
Ловуллаб турибди бир дарахт.

Бўронлар буколмай шохларин,
Бағрида сайратди қумрини.
Эшитган йўқ унинг
«оҳ»ларин —
Оҳ тортмай ўтказди умрини.

Ҳали ҳам кетган йўқ мадори,
Ҳали соз, созларга ўхшайди.
Баҳордан ёш эди баҳори,
Кузи ҳам ёзларга ўхшайди.

Тун бўйи, умр бўйи ўчириб,
Ёзиб, топай мен улкан бахтни,
Ўтказай умримга кўчириб
Ловуллаб турган шу дарахтни.

ЭЪТИҚОД

Ёшлик, эй сиз, гуркираб келаётган метин саф!
«Умидимиз» деб сизни кўзлар кузатаётир.
Боболар-ку, дунёни қўлдан келганча безаб,
Ортиғи-ками билан сизга узатаётир.
Қалбингиз шиддат, ўтга уларникидан бойроқ —
Юксакда порлаши шарт улар тоширган байроқ!

Боболар-ку, соғ чиқди замонларнинг чоҳидан,
Фақат шодмон кунларга ошёндир эртаклар.
Ҳақиқат деб жон бериб, қон тўкдилар гоҳида,
Отабеклар ўтаркан Кумушларни етаклаб.
Гарчанд савод ҳам чала, бу саф ғариб, хор эди,—
Унда «эрк» деб жар солган Ҳамзалар ҳам бор эди.

Ҳануз кўринар — ўзин ҳарб майдонига уриб,
Жанна д'Арк ўз асрини шуҳрат билан қоряпти.
Адолат деб лаб тишлаб, қайноқ қонларин сўриб
Олов билан олишиб Д.Арк ўтиб боряпти.
Сиз-чи, гоҳо бедардлар қаторида йўқмассиз,
Гоҳ беғамлар кўзига қадалгучи ўқмассиз.

Жондан тўйган эдими сўйилганда Турсуной,
Бу дунёдан бир лаҳза сулув соч эшиб ўтди.
Нимани гаров қўйиб Ҳамза қадди бўлди ёй
Бетавфиқлар отган тош кўксини тешиб ўтди.
Сиз-чи, навниҳол ёшда гоҳ боряпсиз тўлишиб,
Сокин алдов, лоқайдлик, мансаб билан келишиб.

Йўқ, ҳамма ҳам бир эмас, мингларча мард, пок
юрак!

Аммо бугуннинг иши — кескин ҳар қалбга кирмоқ —
Разил битта бўлса ҳам алафдай ўрмоқ керак,
Лоқайд битта бўлса ҳам бир хас каби супурмоқ!
Йўқса, капалакмижоз ишқ, дод бўлиб яшайсиз,
Йўқса, она тарихга иснод бўлиб яшайсиз.

Тонгги, янги офтоб ювмоқда бор ғуборни
Қароқларим, мақсадга учар экансиз тикка,
Сизнинг ҳам гаров қўйган «нимадир»ингиз борми
Фидо бўлар ҳолатда суйиб яшамоқликка?!
Ростми, эътиқод — тирик, сизнинг билан яшарми?
Яшар эса — гумон йўқ, гуллатарсиз Башарни!
Ёшлик, эй сиз, гуркираб келаётган метин саф!

Кутиш ҳақида

Онажон, ўзингда сўнгги бор куч топ,
Ёлғизим, хотира дафтарингни ёп,
Қайдан келиб, қайга кетди бу офтоб?
Бир бор яшайдиган умр бўлди соб —
Кутмагин.

Қандоқ бевақт сўлди гулларинг, ўтдинг,
Кўнгилда соғинчнинг куллари, ўтдинг,
Оҳ, соғинчнинг узун йўллари, ўтдинг,
Уруш ёқасида қўлларинг, ўтдинг —
Кутмагин.

Заққумлар ютарсан, кимнинг айби бу?
Тоабад тутарсан, кимнинг айби бу?
Ғам билан йитарсан, кимнинг айби бу?
Нишонсиз кетарсан, кимнинг айби бу —
Кутмагин.

Билмам, кимдан ўтган бу оғир гуноҳ,
Ўттиз ўтдан ўтиб мен ураман оҳ,
Мен-ку, нолишим йўқ: сен азобда, тоқ,
Икки ўттиз бешни яшадинг қандоқ —
Кутмагин.

Ҳайҳот, беҳудага титрамас япроқ,
Бир зарб урилмасдан садо бермас тоғ.
Бу титроқ дунёга бош кўтариб боқ,
Бор қора ишларни оқ қилгин-у, оқ —
Кутмагин.

Арзирди. Кўп кутдинг, кутма, энди бас,
Ғанимлар кўзида қаддинг кўтар даст,
Сўнг бор тирикликнинг шавқи қилсин маст
Бор узун умр ўтди, қолди сўнг нафас,
Кутмагин.

Иқрорлик

Биламан, йўқ, сенга шак келтирмам, йўқ,
Бу кутмас замонда сен қанча кутдинг.
Неча бор кўксимни кўзлаганда ўқ,
Мени четга суриб, ўзингни тутдинг.

Биламан, пойимга йиқилди само
Кўнглингга синганим лаҳзадан бошлаб.
Бугун-чи, қалтираб турибман аммо
Самодай покиза юракни ғашлаб.

Наҳот, сор бургутни шубҳалар енгди?
Нечун қарашингда азоб сурати?

Нечун гоҳи-гоҳи кўзингда энди
Мен уқиб етмаган тўфон туради?

Аминман, шу юрак бермаса фириб,
Кўксимга тамғасин босмаса армон, —
Ўтарман шу ишққа посбон туриб,
Унга фидо бўлиб ўтарман!

Яшаб ўтарканмиз бу олам аро,
Ортимиздан севги отмас тоши-нард.
Севгилим, кўнглингни қилмагин қаро
Мен сенинг ишқингга қўндирмасман гард

Бургут

Менинг юрагимда бир ўт ёнади,
Ёғмоққа уринган булут ёнади.
Йўқ, йўқ, зеҳн солсам, ўзга нарса йўқ
Учмоқ дардидаги бургут ёнади.

Кўнглимни гоҳ айтиб, айтолмайман гоҳ
Қанот бермаганда қувонч билан оҳ.
Юрагим ёнидан ўтган йўловчи
Бургут шиддатидан бўлгуси огоҳ.

* * *

Таъқиқласам, айтар сўзинг айтмаганингда,
«Кет» десам, сен кетиб, ортга қайтмаганингда,
Жиндеккина қўрқар эсанг обрў, шаънингдан,
Итоат сен билан қолиб,
мен кетар эдим.

Кўриб қолсам бир ожизга учраганимни,
Лаҳза-лаҳза чўкканингни, кичрайганингни —
Пучлигини кўриб қолсам мағзинг, маънингни
Кўрмайин, деб кўзларимни
беркитар эдим.

Унда ашким ёмғир янглиғ сероб бўларди,
«Бахт» деб баридан тутганим сароб бўларди,
Кўшкли тахтим нурай-нурай хароб бўларди,
Икки қўлим битта тепа,
тоқ ўтар эдим.
Таъқиқласам, айтар сўзинг айтмаганингда...

Абдукарим НАБИХЎЖАЕВ

Кўлсаш

ҲИКОЯ

ЁПИРАЙ, менга ўзи нима бўляпти? Ёлғиз қолдим дегунча рўпарамда севгилимнинг ўша пайваста қош-кўзлари, мен учун умрбод қадрдон бўлиб қолган вафодоримнинг азиз сиймоси пайдо бўлади-да, мени ярим йилдан бери ота-онам, энг яқин сирдош дўстларим эплолмаган ишни ҳал этишга, кўндиришга ундайди.

Унинг панд-насиҳатларини, куйиниб сўзлашларини тинглаб, маъзини чақишдан кўра, бир умр қалбимга жо бўлиб қолган қўнғироқдек овозини жон қулоғим билан эшитишга муштоқман. Кейинги кунларда сўзларининг маъносига эътибор қилмай қўйдим, фақат жарангдор товушини, баҳор гулларидай уфуриб турувчи нафасини ҳис этиб турсам, бас. «Шунинг ўзи бир олам бахт!», дейман ўзимга.

Мана, кечаги «учрашув» тафсилоти: ҳар кунгидек ёримдан ёдгорлик бўлиб қолган зурриёт Гулноз ва Гулшодни ишдан қайтишда боғчадан олиб қайтдим. Айтмоқчи, бола тарбияси илмига зид бўлса ҳам, Гулбаҳор икковимиз фарзандларимизни «тақсимлаб» олгандик. Катта қизимиз Гулнозни менга, Гулшодни эса унга ўхшатишганидан ўзаро шундай қилганмиз. Шунинг учунми, ё бошқа сабабданми, болалар ўртасида бирор гап-сўз чиққудай бўлса, ҳар қайсимиз «ўз» фарзандимизнинг гапини тўғри дердик. Баъзан турмуш, оила хусусида жиддий баҳслашиб қолганимизда, Гулбаҳор:

— Рустам ака, бу ишимиз яхши эмас. Ота-она учун ҳамма фарзанд баравар бўлиши керак,— дерди.

— Ҳеч қиси йўқ, ахир аёл киши эркак билан тенг ҳуқуққа эга. Боланинг бири — сеники, бири — меники,— дея ҳазилга йўярдим.

Келиб-келиб менга бино қўйган фарзандимиз оналик меҳрини биринчи бўлиб қўмсади. Ахир, у бутун воқеадан бехабар эди-да. Машъум воқеа унинг мурғак қалбини тилка-пора қилишидан чўчиб, «онанг узоқ юртга ўқишга кетди», деб айтгандик. Ўзимиз тўқиган бу ёлғонни рост қилиб кўрсатиш мақсадида ҳар икки ҳафтада Гулбаҳорнинг номидан «хат» ёзиб турдик. Аммо вақт ўтган сари ҳийламиз иш бермай борар, асабимизни эговлар эди. Қани энди «хат»ларни ҳаяжонимни босиб, равон ўқиёлсам? Соғинчли саломини овозимни титратиб ўқийманау, нафасим хиппа бўғилади. Халқумимга муштдек нарса келиб, кўзимдан шашқатор ёш оқади. Ҳеч нимага тушунолмаган Гулноз «йиғлоқ дада» деб масхара қилади. Гулшод эса онасиникига ўхшаш кўзларини пирпиратиб тураверади. Нима ҳам қилсин шўрлик, «дада», «опа», «ош»дан бошқа сўзни ҳали билмайди. Яхши ҳамки, кўкракдан ажралган экан, бўлмаса...

Шунда ҳам она сутимни оғзимдан келтириб юборди. Она исини, унинг меҳрибон сийнасини тўсатдан йўқотиб қўйганига чидай олмасдан чирқираб йиғлайди. Ҳориб-чарчаганидан сўнг бир иш чиқмаслигига ақли етгандай, тонг палласида уйқуга кетади.

Шунда мунис онагинам етимчаларни бағриларига оладилар-да, бўғиқ овоз билан:

— Тақдирга тан бермай илож йўқ, болам,— деб мени юпатмоқчи бўладилар,— ҳа деб куйинаверма. Бунақада, худо кўрсатмасин, ўзинг бир нима бўлиб қолсанг, болаларингнинг ҳоли нима кечади? Эркак кишисан, ўзингни қўлга ол. Бардам бўл. Шу икки дилбандингга гард юқтирмай, уларни зориқтирмай ўстирсанг, ёстиқдошинг руҳини шод қилган бўласан, Энди ётиб ухлайқол.

Бу қовжираган кўзларга уйқу келармиди? Хаёл тизгини етаклаб кетади. Ҳар куни кўз олдимга келтираверіб, ёд бўлиб кетган тафсилотлар ичра кезаман. Айниқса, ўша машъум кун...

Қўйинг, яхшиси ўша мудҳиш воқеани эсламаганим маъқул.

Тиш оғриғи нималигини кўпчилик яхши билади. Кўрган одам сизни касал деб ўйламайди. Лаб-лунжингиз жойида, ҳатто шишмаган ҳам. Аммо гуруҳдек тишингиз оғриса борми, азобига чидаёлмай кечаси билан ухламасдан чиқасиз. Устига-устак, ҳеч ким назар-писанд қилмайди, иссиғинг йўқ, деб врачлар справка ҳам бермайди. Дил дарди эса бундан минг чандон изтиробли. Одамлар ҳамдардлик билдиради, кўнгилингни кўтаради, тафтингни босади. Аммо ёлғиз қолдингми, дардингни, қайғуларингни оламга сиғдиролмайсан. Мен ҳам ана шу дил оғриғига учраганларданман...

Кечаги «учрашув» тафсилотини сўзлаб бермоқчиман. Ҳа, иккала қизимни боғчадан олиб чиқиб келаётган эдим. Гулноз кўзларимга маъюс тикилиб, бошини эгди:

— Дадажон, бир нарса сўрасам, ростини айтасизми?

— Бўлмасам-чи, шакар қизим.

— Опам ростданам ўқишга кетганми?

Эвоҳ, бу саволга жавоб берган дан кўра... Унга аччиқ ҳақиқатни айтсам, нозик қалбини яралаб қўймасмиканман? Айтмасам...

— Кеча-чи, дада, боғча опамнинг олдиларига опам келдила.

— Нималар деяпсан ўзинг?

— Рост, рост, хайрлашиб кетаётганларида кўриб қолдим. Жон дада, боғча опамдан сўраб кўринг, адресларини айтиб берадилар,— дея илтижо қилди Гулноз.

— Опангни мен ҳам кўрдим,— дедим ўзимни қўлга олиб,— яқинда келиб қолади.

— Ур-ре, опам келармишлар, Гулшод, опам!..

Гулшод эса гап нима ҳақида бораётганини тушунмай, унга қўшилиб: «Улле, опам телади», деб Гулнозга жўр бўларди.

Уч-тўрт кундан кейин Гулноз опасини кўрганини яна айтди. Қучоқлашиб кўришганини, опаси йиғлаганини, юзларидан қаттиқ-қаттиқ ўпганини, кейин яқинда ўқишини битириб келишини айтганини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

Нима гап ўзи? Гўдакнинг кўнглини овлаётган ким бўлди экан? Нега бунақа қиляптийкин? Бу жумбоқлар бошимни қотирарди. Бир куни одатдагидек болаларни олгани келсам, хушрўйгина, қадди басти келишган тарбиячи қиз Ҳулкар Гулнозни кийинтириб ташқарига чиқарди-да, имлаб мени қолишга ишора қилди. Кейин ийманибгина сўз бошлади:

— Агар мумкин бўлса, вақтингиз... бемалол бўлса... Сиз билан икки оғиз гаплашмоқчи эдим. Қизингиз масаласида,— кейинги икки сўзга алоҳида маъно бериб айтди у.

Энди ўзини ўнглаб, ҳаяжонини ичга ютган эди. Ташаббусни қўлга олганига қатъий ишонч ҳосил қилдими, ҳайтовур, асл мақсадини айтиб қўя қолди:

— Ярим соатлардан кейин ўзингиз қайтиб келсангиз...

Рози бўлдим. Миям ари уясидек ғовлаб кетган эди. Қизимнинг гапига қараганда, «опам» деб юрган кимса Ҳулкарнинг дугонаси бўлиши керак. Наҳотки, мени ўшанга рўпара қилса? Йўқ, йўқ, бўлмаган гап. Сира ҳам мумкин эмас. Ахир, сўнгги бор видолашувда муздек пешонасидан, қонсиз лабларидан бўса олиб: «Сени умрбод қалб тўрида сақлайман. Чин муҳаббатимиз, фарзандларимиз ҳурмати ҳаққи, умрбод сенга содиқ қоламан», деб қасамёд қилмаганмидим? Қабрдаги мармар тошга ўйиб ёздирган:

Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда
Мен ҳаёт эканман — ҳаётсан сен
ҳам!—

деган сўзлар шунчаки шайтон йиғисимиди?!

Ана шу хаёллар оғушида боғчага қайтиб борганимни сезмай қолибман, Ҳулкар кўп куттирмай чиқа қолди. Мартнинг майин шабадасида ҳар биримиз ўз хаёлимизга ғарқ бўлиб, чурқ этмай борардик. Мана, автобус ҳам келди. Ҳулкар нима қилишини билмай довдираб қолди:

— Синглим, бемалол бўлса, бир оз пиёда юрсак,— деб таклиф қилдим уни хижолатдан қутқариш умидида.

— Жоним билан, Рустам ака,— дея яна ўзини қўлга олди Ҳулкар.

Ишдан, соғлиқдан ҳол-аҳвол сўрашиб, аста кетиб борардик. Бола тарбиясининг нозиклиги, бу соҳа ҳамма санъатлар ичида энг қийини ва мураккаб эканлиги ҳақида, мен ишлаётган коллективнинг меҳнати юксак тақдирланиб, халқаро кўргазма олтин медалига сазовор бўлгани хусусида гаплашдик. Лекин у ҳам, мен ҳам мақсадга ўтишга ийманардик. Назаримда, бу масалани узил-кесил ҳал қилиб қўйгандек эдим. У бўлса, қалб торимни берухсат чертишга ботинолмасди. Лекин, барибир, Ҳулкарнинг мақсадини билишим керак.

— Боя бир нима демоқчийдингиз шекилли?

— Ҳа...— дея ўзини соддаликка олди у.— Бу қиз нега менга меҳрибончилик қиляпти, деб ўйламанг,— деб гап бошлади Ҳулкар.— Мен сиздан ҳам кўпроқ қизларингизни ўйлаяпман. Гулшод онангизни, яъни бувисини туққан онам деб ўйлайди. Аммо Гулнозингиз бундай эмас. Икки йил ўтиб кетган бўлсаям, кўзлари опасининг йўлига нигорон. Ҳамон кутади. Ўзингизга ҳам айтгандир, бир дугонамни кўриб қолиб, ўзини унинг қучоғига отди. Инсон юраги тош эмас-ку, ахир. Ўз онасидай кўриб, қучоғига интилса, кўкрагидан итаришга қандай қўли боради? Бунинг устига, дугонам етимлик оҳини кўп тортган. Ота-онаси ёлғизгина қизини бувисига қолдириб, Ватан хизматига отланган. Иккови ҳам врач эди. Отаси Сталинград остонасидаги жангда ҳалок бўлган. Онаси нақ Ғалаба куни Прагада фашистлар ўқидан ер тишлаган. Кўп ўтмай бувиси ҳам оламдан ўтган. Болалар уйида тарбияланиб, ўрта маълумот олди. Кейин ота-онаси изидан бориб, медицина институтини битирди. Икки йилдан бери Юнусободдаги

Расмни Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

касалхонада ишлайди. Сирдарёга пахта теримига чиққанда танишиб, опа-сингил тутинганмиз.

...Хуллас, тарбиячи Ҳулкарнинг ана шу дугонасини қизим тасодифан учратиб қолиб, ҳақиқий опам деб юрган экан. Ҳулкар гап орасида агар мен рози бўлсам, болаларим туфайли ўртага тушиб, дугонасини кўндиришга ҳаракат қилишини айтди.

Сира бунақа бўлишини кутмагандим. Ҳулкарнинг таклифига бирор тайинли жавоб беролмадим...

Гулбаҳор билан бирга ўтган кунларни, бахтиёр дамларни эслаб алламаҳалда кўзим илинибди: узоқ жудоликдан сўнг учрашиб қолган эмишмиз. У Гулшодни бағрига босганича, Гулнозни йўқлайди. Шошиламан, дийдорига тўймай қоламан, деб хавотирланаман. Қаердандир Гулнозни топиб етаклаб югураман. Учрашувимиз тугаб қолмасайди деб бўзлайман. Йўқ, тушга ҳам ўхшамайди, худди ўнгимдагидек суҳбатлашамиз. Қувончимнинг чеки йўқ. Шу дамда бирдан ўрнидан қўзғалади. Яна бир оз ўтиришини илтижо этаман, у бўлса, аста-секин мендан узоқлашади. Унинг сўнгги сўзлари юрагимни ўртайди: «Рустам ака, гап шу. Болаларни ортиқча ўкситманг, етар, Гулбаҳорни Ҳулкар кўндиради. Мени десангиз, розилик беринг». Шундай дейдию, кўздан ғойиб бўлади.

Уйғониб кетдим. Юрагим ғаш, ўпкам тўлиб кетган. Оёқ учида болалар хонасига ўтдим. Олам ташвишларидан холи қизалоқлар пишиллаб ухлашарди. Ёнма-ён қўйилган каровотчалар тепасида уларга тикиламан. Гулшод безоваланиб кўрпачасини очиб ташлади. Лабларини чўччайтириб ким биландир ўйинчоқ талашди. Уни тинчитиб, Гулнозга суқланаман. Ана, чеҳраси ёришиб кетгандек бўлди. Юзларида табассум. Ким билади, топиб олган опасини кўраяптими ҳозир. Майли, оромингни бузма, қизим, чеҳрангдаги бахтиёрлик нашидаси, лабларингдаги табассум сира-сира аримасин!

Кунлар бир-бирини қувиб ўтиб кетди. Гулноз тушмагур синглисини ҳам «опа»си билан таништирибди. Энди онам ҳам бу гапдан хабар топдилар. Гулнозга яна бир тарафдор қўшилди. Ҳар куни ҳоли-жонимга қўйишмайди. Бу орада онам касалхонага бориб Гулбаҳорни суриштириб келибдилар.

— Бахтинг бор экан, ўғлим,— деб қолдилар бир куни ишга кетаётганимда,— иккинчи бор учиб келган бахт қушингни маҳкам тут. Май байрамида тўй қиламиз.

Қанақаси бўлди? Ҳали қатъий бир фикрга келмаган бўлсам, Гулбаҳорнинг ўзи-чи? У нима деркин? Бир неча марта учрашган бўлсак ҳам, бу ҳақда сўз очмаган эдик-ку?! Эҳ, бошим қотди-да... Марҳума умрдошим хотираси шу билан тамомми?

Шу андишаларни айтган эдим, онаизорим астойдил кўз ёши қилиб ранжидилар.

— Мен-ку миннат қилмайман, болам, тирик эканман, фарзандларингга қўлим — косов, сочим — супурги. Лекин танангга яхшилаб ўйла! Болаларинг онадек азиз зотнинг меҳр булоғига ташна, бу ташналикни қондирмасанг, ҳамма ҳаракатларинг уч пул. Иннайкейин, ўзим ҳам каловлаб қолдим. Болалар билан бўлиб, сенга яхши қарай олмаяпман. Ичэтингни еб, озиқ-тўзиб кетяпсан. Ҳали ёшсан... Ҳадеб куяверишдан нима фойда, болам?!.

Гапнинг сирасини айтганда, онам ҳақ эканлигини сезиб турибман. Фарзандларим чиндан ҳам она меҳрига муҳтож. Гулбаҳорни кўргандан бери қачон уйга олиб келамиз, деб хархаша қилишгани-қилишган. Лекин асл Баҳорим нима деркин? Ғунчаси очилмай хазон бўлган муҳаббатимга алвидо дейманми?!.

«СЕВАМАН ИНСОНЛАРНИ...»

Нозим ҲИКМАТ туғилган кунга 80 йил тўлди

Нозим Ҳикмат... У ҳақда ўйласангиз, ўша заҳоти бу улуғ коммунист шоирнинг дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган дўстлари айтган фикрлар хаёлингизда янгидан жаранглай бошлайди.

«Унинг шеърияти тошқин дарё каби қудратлидир; бу дарёнинг пўлат оқими довулларга бетма-бет боради. Қамоққа ҳукм этилган йиллар фақат шунга олиб келдики, Нозим Ҳикматнинг шеърий сўзи бениҳоя улуғ мазмунларга кўчди. Унинг овози бутун жаҳоннинг овози бўлиб қолди. Тинчлик учун олиб борилаётган курашнинг шу ҳал қилувчи дақиқаларида менинг шеърларим унинг шеърлари билан бир сафда турганидан ғурурдаман», дейди Пабло Неруда.

«Бир севги афсонаси»даги Миҳинбону ролини зўр орзиқиш билан тайёрладим. Менимча, бу образ жаҳон адабиётида яратилган буюк аёллар образлари орасида энг кучлисидир. Жульетта, Франческа да Римини, Жанна д'Арк — буларнинг барчаси ҳаётини бошқаларга фидо қилган, лекин ҳеч бири гўзаллигини фидо қилган эмас», дейди Майя Плисецкая.

«Табиатда, шунингдек, жамиятда ҳам ранглар алоҳида, идишга қуйиб тайёр қилиб қўйилган ҳолда эмас, аксинча, шундай бир хилма-хил узвийликда, шундай бир омухта тарзида учрайдики, баъзан уларнинг асл тусини кўришнинг ўзи амри маҳол бўлади, буни кўра олиш учун эса Сизнинг Фарҳодингизга ўхшаган бўлиш керак.— Сиз — Фарҳодсиз», дейди Александр Фадеев.

«Мен инсон муҳаббатининг олий зуҳурини — Инсоннинг Ватанга ва ўз халқига бўлган муҳаббатини тасвирламоқчи бўлдим», дейди Нозим Ҳикматнинг ўзи...

«Фарҳод билан Ширин» ёхуд бир севги афсонаси» драмаси шаънига айтилган бу сўзлар шоирнинг бутун ижодига хос бўлган бош хусусиятлардан бирини очади.

Ҳа, Нозим Ҳикмат жаҳон халқларининг энг севимли шоирларидан. Унинг асарлари дунёнинг қарийб ҳамма тилларида босилмоқда. Жумладан, шоирнинг танланган асарлари рус тилида ва мамлакатимизнинг бошқа қардош тилларида қайта-қайта нашр қилинган.

Нозим Ҳикмат асарлари, ўзбек тилида ҳам бир неча марта китоб бўлиб чиқди. «Бир севги афсонаси», «Туркия ҳикояси» каби драмалари ўзбек саҳнасида муваффақиятли тарзда ўйналган.

Санъаткор шоир кўплаб ажойиб достонлар, насрий асарлар, драмалар ёзди. Унинг «Мамлакатимдан инсон манзаралари» шеърий эпопеяси Пабло Нерударнинг «Оламшумул қўшиқ» эпопеяси сингари асримиз шеъриятининг юксак муваффақиятларидан ҳисобланади. Бу иккала асар ўз бадиий тафаккурининг ҳайрон қоларлик қуввати, мислсиз тасвир кучи, лирик ва эпик шеъриятнинг табиий равишда уйғунлашиб кетгани, реализм ва бошқа жуда кўп фазилатлари билан узоқ вақт шеърий маҳорат мактаби бўлиб хизмат эта олади. Бу эпопеяларнинг коммунист шоирлар томонидан яратилгани биз учун айниқса завқли, фахрлидир.

Нозим Ҳикмат — Ленин мавзуини

ҳам теран ишлаган шоир. Унинг улуғ доҳийимизга бағишланган шеърлари самимий муҳаббатдан нурланиб туради. Нозим Ҳикмат одамларни энг инсоний фазилатлари учун севади ва эъзозлайди:

Мен инсонлар ўртасида яшайман,
севаман инсонларни
Ҳаракатни севаман,
Тафаккурни севаман,
Курашимни севаман.
Сен курашим ичида бир инсонсан,
севгилим,
сени севаман.

Нозим Ҳикмат турк шеъриятида инқилоб ясади. Турк революцион шеъриятига у асос солди, турк бадиий тафаккурининг, турк тилининг то ҳануз очилмай келаётган имкониятлари унинг ижодида рўёбга чиқди. Зеро, Нозим Ҳикмат марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган, бутун ҳаёти ва ижодини шу эзгу таълимот рўёби учун бағишлаган курашчи, санъаткор эди.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, ХХ аср жаҳон шеъриятини коммунист шоир ва санъаткорларнинг бутун бир авлодини майдонга чиқарди. СССР халқлари ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари адабиётлари ва санъатларининг муносиб намояндалари, Чилида Пабло Неруда, Францияда Пабло Пикассо, Луи Арагон, Испанияда Рафаэль Альберти, Кубада Николас Гильен... Она халқининг Ҳақиқат, Озодлик, Тинчлик учун кураши байроқдорлари бўлган бундай улуғ адиблар ва санъаткорлар ижодкорнинг янги типи сифатида ҳам эътиборга лойиқдирлар. Улар халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилдилар. Тинчлик жарчиси сифатида зўр обрў қозонган Нозим Ҳикмат уларнинг бири эди.

Она халқининг озодлик кураши тимсолига айланган учун Туркия маъмурлари Нозим Ҳикматдан қўрқиб қолдилар, шунинг учун уни қамадилар, эрксевар шоир ўн етти йил панжара ортида — қамоқхонада ўтирди. У шеърларидан бирида шундай деган эди:

Севгилингиз коммунистдир,
Ўн етти йилдан бери маҳбусдир.
Етар Бурса қалъасида.
Етар, аммо занжирларин синдириб
ётар,
Эришиб бўлмас бир мартабага
эришиб ётар,
Етар Бурса қалъасида.

Нозим Ҳикматни озод қилиш учун бутун тараққийпарвар инсоният оёққа қалқди. Совет шоирлари, жумладан, ўзбек шоирлари Нозим Ҳикматга атаб оташин шеърлар, достонлар яратдилар. Пировардида, халқаро жамоатчилик талаби билан Туркия ҳукумати коммунист шоирни қамоқдан чиқаришга мажбур бўлди. Бу 1950 йил эди. Ўша йили шоир Халқаро Тинчлик мукофоти лауреатлигига муносиб кўрилди. Нозим Ҳикмат 1951 йилдан то умрининг охиригача иккинчи ватани — СССРда яшаб ижод қилди.

Шунчаки таъриф-тавсиф билан ҳеч бир шоирнинг сиймосини гавдалантириб бўлмайди. Шоирнинг ёрқин сиймоси ижодида ёрқин намоён бўлади. Бу борада таржимонлар жуда олижаноб вазифани ўтайдилар. Турк халқининг миллий қаҳрамони, Тинчлик учун курашнинг машҳур намояндаси, улуғ шоир сифатида шуҳрат қозонган Нозим Ҳикматнинг дўстлари — ўзбек шоирлари бу борада эзгу ишлар қилдилар. Биз Нозим Ҳикмат асарларини Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода Туроб Тўла каби ажойиб шоирлар таржимасида ўқиш имкониятига эгамиз. Бугунги кунда бир гуруҳ навқирон шоирлар Нозим Ҳикмат асарларини алоҳида эҳтиром билан таржима қилмоқдалар. Бинобарин, Нозим Ҳикматнинг шеърий сиймоси бизнинг кўз ўнгимизда борган сари равшан тортиб, мукаммаллашиб бормоқда.

Нозим Ҳикматнинг 80 йиллик юбилейи тинчлик масаласи жаҳон кун тартибига ҳар қачонгидан ҳам кескин бир тарзда қўйилган вақтда ўтмоқда. Биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида Совет Иттифоқи киритган таклифни Америка Қўшма Штатлари қўллаб-қувватламаётгани, аксинча, у ўзининг ядро аслаҳахонасини зудлик билан кўпайтиришга уринаётгани ҳаммани ташвишлантирмоқда. Лекин, Л. И. Брежнев «Правда» мухбири саволига жавобида айтганидек, кимки, ўзини ўзи ўлдиришга аҳд қилган бўлса, у ядро урушида ғолиб чиқиш умидида шундай урушни бошлаши мумкин. Бу ҳаёт ҳақиқатини совет адабиёти ва санъати намояндалари, жаҳон тараққийпарвар маданият арбоблари зўр ғоявий-бадиий куч билан тасвирламоқдалар, ўз истеъдодларини тинчлик иши тўла-тўкис ғалаба қозониши учун сафарбар қилмоқдалар. Шу жумладан, барҳаёт Нозим Ҳикмат шеърияти ҳам давримизнинг энг эзгу мақсадлари, тинчлик иши рўёби йўлида хизмат қилишда давом этмоқда. Жаҳон халқларининг иродаси қатъий: бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлади. Демак, инсониятнинг улуғ орзу-умидларини тараннум этган, ҳаёт тантанаси учун курашган, курашаётган шеърият, жумладан, Нозим Ҳикмат поэзияси ҳам мангу яшайверади, ҳар бир янги авлод руҳида янгидан яшариб-яшнайверади.

М. ҚЎШМОҚОВ

Мардлик – мангулик

ЭЗГУЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАБ

— Фақат ўзини эмас, кўпни ўйлайдиган азаматлар жуда кўп. Улар эл иши учун елиб-югурадилар,— деди колхоз раиси Воҳид Мўминов.— Усмонжон мана шундай ҳожатбарор кишилардан. Ўзи бошқа хўжаликда истиқомат қилади. Колхозимиздаги ўрта мактабда салкам йигирма йил ўқитувчилик қилди. Улуғ Ватан урушида эришилган ғалабанинг 30 йиллиги арафасида колхозимизда Шон-шуҳрат уйи ташкил қилишга киришдик. Бу ишни тарихчи Усмонжон Анбаров ўз зиммасига олди. Керакли маблағ ажратилди. Усмонжон ишга шундай берилиб кетдики, ўзи ҳам тинчимади, бизни ҳам тинчитмади. Қишлоқларимиз тарихини яхши билади. Ҳозир у ўзи яшайдиган «Пахтакор» колхозидаги 38-ўрта мактабнинг директори.

...Мана, Усмонжон билан «Октябрь» колхозидаги Шон-шуҳрат уйи залларининг стендлари, экспонатларини кузатмоқдамиз. «Ҳамюртларимиз қандай хизмат қилмоқдалар?», деган стенд эътиборимизни ўзига жалб этди. Бу ерга қўйилган «На страже Родины» газетаси ҳамда Н-қисм «Жанговар варақалари»нинг айрим сонларида «Октябрь» колхози ёшларининг ҳарбий хизматга доир ҳаётидан лавҳалар кўзга ташланади. Жанговар варақалардан биридаги мақолада шундай сатрлар ёзилган: «У жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, биринчи класс мутахассиси. Сержант Зокиров бўлинмаси жанговар тайёргарликда ва ҳарбий техникадан маҳорат билан фойдаланишда бошқаларга намуна бўлмоқда. Ватан олдидаги юксак бурчини чуқур ҳис этиш, умумманфаат учун жонкуярлик Зокир Шукуровнинг ажойиб фазилатидир. Унинг бу хислатлари бошқалар учун ибрат».

— Зокиржоннинг ҳарбий хизматни тамомлаб келганига ҳам икки йил бўлиб қолди,— деди Усмонжон.— Комсомол тўйини ўтказдик. У ҳозир Тошкент Политехника институтининг Наманган филиалида ўқияпти. Мактабимизнинг қизил изтопарлари хизмат бурчини ўтаётган ҳамюрт акалари билан мунтазам хат ёзишиб турадилар. Отпускага келганларида улар билан тантанали учрашувлар ўтказиш анъана тусини олган... Ҳа, дарвоқе, «Халқимизнинг буюк жасорати» деган мана бу бўлинмамизда бир муҳим факт бор. Манави хатларни кўринг-а!— Усмонжон Анбаров бурчакдаги қутичани очди.— Булар — учтепалик беш ака-уканинг Улуғ Ватан урушн йилларида ота-онасига ёзган мактублари. Улуғой ая уларнинг ҳар бирини кўзига суртиб, шу қутичага жойлаб қўяверган. Бахтни қаранг-ки, беш ўғилнинг ҳаммаси ғалабадан сўнг эсон-омон юртига қайтдилар.

Усмонжон билан «Пахтакор» колхозининг Учтепа қишлоғидамиз. Пештоқида «Бу ерда Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси яшайди», деган лавҳа осиғлиқ дарвоза олдида бизни қорамағиздан келган серсавлат отахон очиқ чеҳра билан қарши олди.

— Беш оғайни ботирларнинг энг каттаси Абдулаҳад ака Шералиев шу киши бўладилар,— деди Усмонжон. Суҳбатимиз ҳовлидаги супада давом этди.

— Марҳум падаримиз Шерали Умаралиев ўктам чавандоз бўлганлар,— деди ота ўтмиш хотираларини эсларкан.— Бизлар ҳам йигитлигимизда чавандозликни машқ қилдик. Ана шу ҳавас туфайли саркарда Миркомил Миршароповнинг отлиқ дивизиясида 1930 йилдан 1938 йилгача хизмат қилганман. Саккиз йил ҳарбийда чиниққаним жангларда қўл келди. Душманнинг роса таъзирини бердик. Фронтга жўнаётганда укаларим Машраб, Низомиддин, Абдуқаҳҳор, Исмоилжон бўй чўзиб қолгандилар. Улар ҳам кетма-кет фронтга жўнадилар.

Абдулаҳад Шералиев 82-отлиқ дивизияда, сўнг 5-Дон-казак корпусининг 47-полкида хизмат қилди. Астрахань, Ростов шаҳарларини, Руминия, Венгрияни озод қилишда қатнашди. Жанг майдонларидаги жасорати учун иккита Қизил Юлдуз ордени, Иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени ва медаллар билан тақдирланди.

— Қуролдош биродарларингиз билан ҳам кўришиб турсаларингиз керак?

— Ўт-олов ичида бир тан-бир жон бўлиб, душманга қирон солган қуролдош дўстларни унутиб бўлмайди,— деди отахон.— Жомбойлик Тоштемир Қурбонов билан 30-йилларда Миршаропов дивизиясида бирга хизмат қилганмиз. У урушда Собир Раҳимовнинг хўжалик ишлари бўйича адъютанти эди. Фронтда бир неча марта бир-биримизга дуч келдик. Ҳозир ҳам борди-келдимиз бор. У киши ҳозирги пайтда Жомбой районидаги Жданов номли колхозда яшайди. Икки йил аввал меҳмон бўлиб бордим. Жомбой ва Самарқанддаги корхоналар, мактабларда учрашувлар ўтказдик. Фронт хотираларидан, бугунги бахтиёр турмуш йўлида курашган ва қурбон бўлганлар ҳаётидан сўзлаб бердик...

Норин район маркази Ҳаққулободда район партия комитетининг биринчи секретари Камолхон Мамадалиев билан суҳбатимиз ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини эъзозлаш, қурбон бўлганлар номини улуғлаш хусусида борди.

— Уларни ҳар қанча шарафласак арзийди,— деди Мамадалиев.— Районимизда ўнта Шон-шуҳрат уйи, қирқта Шон-шуҳрат хоналари ишлаб турибди. Улуғ Ватан уруши ветерани, кекса коммунист Мавлонхон Ҳожиматов етакчилик қилаётган район Уруш ветеранлари Советига бир минг бир юз қирқ олти ветеран уюшган. Бизда 18-Армия сафида жанг қилган ва шахсан ўрток Л. И. Брежневнинг қўлидан партия билетини олган Турғунбой Матмусаевдек Кичик ер қаҳрамонлари, Абдулаҳад Шералиевга ўхшаган Улуғ Ватан урушининг ажойиб командирлари бор. Биз район ижроия комитети билан биргаликда қишлоқ посёлкаларидаги кўчаларни уларнинг номи билан аташга қарор қилдик. Масалан, «Октябрь» колхозидаги асосий кўчалардан бирига Абдулаҳад Тўйчибоев номи берилди. «Победа» колхозида эса Турғунбой Матмусаев кўчаси, «Пахтакор» колхозида Абдулаҳад Шералиев кўчаси мавжуд...

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг хотирасини абадийлаштириш ва уруш ветеранларига ғамхўрлик масаласида Наманган область партия комитети эзгу ишларни амалга оширмоқда. Наманган районидаги «Ленинград» колхози аъзолари ҳамда 3-пахта тозалаш заводи ишчилари Наманган шаҳрининг Дўстлик проспектида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасига бағишлаб Ёдгорлик-архитектура ансамблини қуриш ташаббусини кўтардилар. Москвалик машҳур ҳайкалтарошлар О. Иконников, А. Чуйков, таниқли архитекторлардан Собир Одилов ва П. Рожнинлар ҳамкорликда мазкур ансамбль лойиҳасини тайёрладилар. Ҳозир 16 метрли шоҳсупа устида 22 метр баландликда бронзадан қўш ҳайкал қад кўтармоқда. Бир қўлида автомат, иккинчи қўлида Қизил Байроқ тутган озодлик солдати ва ўнг қўлида гул ушлаган ўзбек қизининг қудратли сиймолари Буюк Ғалаба туфайли эришилган бугунги фаровон турмушимиз тимсоли бўлиб қолади. Наманганда бундай ёдгорликнинг ўрнатилиши бежиз эмас. Улуғ Ватан уруши жангларида қарийб 80 минг наманганлик ҳамюртларимиз қатнашган. Улардан 24 минг киши аёвсиз жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Беш киши — Набижон Мингбоев, Абдусаттор Раҳимов, Мамашариф Фаёзов, Акрам Зокиров, Солижон Адашев уруш-даги мислсиз жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар. Уларнинг хотираси мангулик тимсоли бўлиб қолади.

Қаҳрамонлар хотираси — абадийлик тимсоли. Уруш ветеранларини эъзозлаш — инсоний бурчимиздир.

Шомурод СИДДИҚОВ

Ака-ука Абдулаҳат, Машраб, Абдуқаҳҳор ва Исмоилжон Шералиевлар Улуғ Ватан урушида қаҳрамонлик кўрсатиб қайтганлар.

Ёш чўпонлар, сурув ва довюрак Бўрибосар,
(Паркент район, «Коммунизм» совхози)

А. АБАЛЯН фотоси

Берунний районидаги Будённий номли совхознинг илғор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Пардагул Рўзиева ҳамкасблари даврасида.
А. ТУРАЕВ фотоси

ОЧИҚ МУЗЕЙ МУАММОЛАРИ

Ватанимиз тарихини ўрганиш муқаддас туйғудир. Партия ва ҳукуматимизнинг муҳим сиёсий-тарбиявий ишларидан бири шу туйғуни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Тарихий ва маданий ёдгорликлар, музейлар, меъморлик обидалари, табаррук масканларнинг қайтадан таъмир этилаётгани ва сақланаётгани, қолаверса, тарихни чуқурроқ ўрганиш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар бунинг ёрқин далилидир. Айниқса, кейинги вақтларда халқлар тарихини ўрганиш ва тарғибот этишнинг янги соҳаларидан бири бўлмиш очиқ музейлар яратишга алоҳида эътибор берилаётир.

Очиқ музейнинг моҳияти, хусусиятлари нимадан иборат?

Этнография — тарих фанининг ихтисослашган тармоғи. Бу фан халқнинг келиб чиқишини, моддий ва маънавий маданият ривожланиши тарихини, ўзига хос этнографик хусусиятларини, бошқа халқлар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини, ўзига хос турмуш тараққиётини ўрганади.

«Этнография» сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, «Этнос» халқ, «графейн» ёзиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, этнография халқни таърифловчи, турмуш ва маданиятини ўрганувчи фандир. Мазкур фан тармоғининг атамасига асосан очиқ музейлар этнопарк деб юритилади. XIX асрда этнографиянинг фан сифатида расмийлашиши кўпгина мамлакатларда махсус этнография музейлари шаклланишига олиб келди. Россия Фанлар академиясининг Антропология ва этнография музейлари каби бошқа музейлар ҳам этнографик билимларни тарғибот қилувчи ҳамда шу йўналишда тадқиқотлар олиб борувчи мустақил илмий марказларга айлана борди. Россия Антропология ва этнография академик музейининг этнографик коллекциялари дастлаб Петр I даврида йиғила бошланган ва улар биринчи марта 1714 йилда Петербургда намойиш этилган эди. Ҳозир ушбу музей Ленинградда тарихий Кунсткамера биносида жойлашган бўлиб, жаҳондаги кўпгина халқлар турмуши ва маданиятига оид бой этнография, антропология ва археология коллекцияларидан ташкил топган. Музейда 146 мингга яқин этнографик, қарийб юз мингта антропологик ҳамда 380 мингта археологик экспонатлар сақланмоқда. 1900 йилдан бошлаб «Антропология ва этнография музей тўплами» деб номланган махсус тўплам ҳозиргача йилда бир марта нашр этилмоқда. Мазкур музей рус ва умуман совет этнографияси фанини ташкил этишда ғоят катта илмий заминдир.

Давримизнинг тараққиёт кўлами, ҳаёт тақозоси Иттифоқимизнинг кўпгина республикаларида ҳам этнопарклар бунёд этиш зарурлигини кўрсатди. Тарту (Эстония ССР), Таллин, Киев, Львов ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган этнопарклар совет этнография фанини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Этнографик музейлар ҳақида гап борар экан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1975 йил февраль ойида «Очиқ меъморий ва этнографик зоналарни ташкил этиш» ҳақида қабул қилган қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда Совет ҳокимияти йилларида республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, фантехника ютуқларидан баҳраманд бўлаётган аҳолининг турмуш тарзида улкан ўзгаришлар юз бериб, қурилиш кўлами авж олаётганлиги ва шу туфайли ёш авлодга ўтмиш аждодларнинг яшаш тарзини яққол кўрсатиб турувчи ашёвий далиллар сақлаб қолиниши лозимлиги уқдирилди.

Мазкур қарорда область ва шаҳар партия комитетларига, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига, шу ишга ~~алоқадор министрлик ва идоралар~~ билан ҳамкорликда меъморий ҳамда этнографик зоналарни ташкил эта бошлаш хусусида чоралар кўриш юзасидан кўрсатмалар берилди. Шунингдек, республика Давлат қурилиш комитетига, Маданият министрлигига, Рассомлар ва Архитекторлар союзларига, Ўзбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятига, тарихий-ўлкашунослик музейларига аниқ вазифалар юклатилди.

Қарорда республикамиз пойтахти Тошкентда этнографик зона ташкил этиш ҳақида алоҳида сўз юритилган. Мана, қарор қабул қилинганига ҳам олти йилдан ошди. Бироқ шунга қарамай мутасадди ташкилотлар эндигина хонадонларни ўрганиб, хомаки лойиҳа тайёрлашибди, холос. Бу сусткашлик, аввало, мутасадди ташкилотларнинг, қолаверса, мутахассисларнинг, ҳатто кенг жамоатчиликнинг диққатини жалб этиши шубҳасиз. Халқимиз ўтмиш ҳаётини очиқ музей сифатида абадийлаштириш ва партия кўрсатмаларининг амалга оширилишига жонбозлик қилувчи ҳар ким «Ишни нимадан бошлаш керак?», деган саволга тўғри жавоб топмоғи зарур. Республикамиз учун янгилик бўлган бу типдаги музейларни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш топширилган Ўзбекистон Маданият министрлиги бу соҳада фаоллик кўрсатиши керак.

Бизнингча, дастлаб ишни моддий маданиятдан — аҳолининг уй-жойларини тарихий жараёни билан кўрсатишдан бошлаш зарур. Шундай қилинса, халқ турмушида, оила тартиби ва кишилар онгида юз берган буюк ўзгаришлар ўз аксини тўла ва ёрқин топади. Бу шарафли, масъулиятли ишни тезлаштиришимиз учун ва бу борада жойларга илмий методик кўргазмалар бериш учун Маданият министрлиги ёки республика Тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти ҳузурида тарихчи-этнограф, археолог, санъатшунос ва архитекторлардан иборат илмий-методик совет тузилиши зарур.

Этнопарк қошида ~~илмий тадқиқот~~ статусига эга бўлган муассаса очилиши мақсадга мувофиқдир. Уни республикадаги барча этнографларнинг марказига айлантириш, уларнинг иштирокида кўзланган мақсадни амалга ошириш ва яхши натижаларга эришиш мумкин. Чунки улар халқ турмуши ва маданиятининг турли қирраларини ўрганадилар. Шу тариқа бўлажак этнопарк келажакда республикамиздаги олий ўқув юртларининг тарих ва шарқшунослик, театр ва рассомлик факультетлари учун илмий-ўқув базасига айланиши, ўлкашунослик практикасини ўтказувчи марказлардан бирига айланиши мумкин. Бундан ташқари киночилар ўтмишнинг турли даврларини суратга туширмоқчи бўлганларида шу ердаги этнографик материаллардан ва «тайёр жонли» экспозициялардан, декорациялардан фойдалана оладилар.

Очиқ музей ўзбек халқининг, Совет Ўзбекистонининг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ортиб бораётганлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиши лозим. Шундай экан, ушбу муҳим қурилиш ишларини тезликда бошлаб юбориш вақти келди. Зотан, бундай иншоотларнинг қурилиши республикамиз маданий ҳаётида жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, бунинг учун республикамизда барча имкониятлар мавжуд.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари кандидати, ЎзССР ФА тарих институтининг катта илмий ходими

ЯНГИ НАВОИЙНОМА

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори

Барот Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон» шеърий романи Алишер Навоий ҳаётининг Самарқанд даврини тасвирлашга бағишланган. Бу мавзу навоийшунослик фанида анча чуқур ўрганилган бўлса ҳам, лекин бадиий адабиётда ўз шоирини, ўз носирини кутар эди. Илмий адабиётларда, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Воҳид Абдуллаевнинг «Навоий Самарқандда» номли ва бошқа асарларида бу мавзу маълум даражада ёритилган. Кейинги йилларда эса бу масалани янада тўлароқ ёритишга ёрдам берувчи янги манбалар топилди. Бу жиҳатдан Афғонистон Тарих жамияти Қўлёзмалар фондидан «Томут — таворих» асарининг кашф этилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Роман муаллифи Навоий замондошлари асарларини, айниқса Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», «Вақфия», «Саййид Ҳасан Ардашерга мактуб» каби асарларини атрофлича, деталма-детал мутолаа қилган, ундаги тарихий факт ва шоир қарашларини ўз шеърий роман қатларига сингдирган.

Романдаги бош ҳақиқат, муаллифнинг бу асарни яратишдан кузатган асосий мақсади, ижодий концепцияси улуғ шоир ва мутафаккир, донишманд олим ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётида, ижодининг, ижтимоий-сиёсий ва маданий қарашларининг шаклланишида Мовароуннаҳрнинг, қадимий маданият марказларидан бири бўлмиш Самарқанднинг ролини, аҳамиятини бадиий бўёқларда тасвирлаб кўрсатишдир. Навоийнинг ўзи ва Хондамирнинг таъкидлашича, бўлажак шоир Ҳирот тахтининг эгаси Султон Абу Саид билан келиша олмай, бориўғи мусодара қилиниб, Хуросондан кетишга мажбур бўлар экан, ўзининг асосий қароргоҳи қилиб Самарқандни бекорга танламаган. Бу ерда у машҳур олимлар қўлида фанларнинг турли соҳалари бўйича пухта билим олган. У ўзининг машҳур Саййид Ҳасан Ардашерга шеърий мактубини ҳам худди шу ердан ёзган. Бу мактуб шуни кўрсатадики, Навоий Самарқандда эканида чиндан ҳам етук шоир даражасига кўтарилган эди. Б. Бойқобилов романида Навоийнинг Самарқандда шоир сифатида бениҳоя эъзозланганини тўғри кўрсатган.

Романнинг биринчи қисмида Б. Бойқобилов Навоийни кўпроқ олимлар, шоирлар, санъаткорлар, мадраса талабалари орасида, улар билан мулоқотда тасвирласа, иккинчи қисмида биз Навоийни, мадрасадаги ўқишини муваффақиятли битириб, давлат хизматига ўтган ҳолда кўрамиз. Бунда шоир «Томут-таворих» муаллифининг фикрига суянади. Чунки Навоийнинг Самарқандда «чиғатой амири» деган мансабга эга бўлиб, Султон Аҳмад Мирзо саройида хизматда бўлгани ҳақида бизга шу муаллиф хабар берган, холос.

Шоир тасвирида Навоий мамлакат ва давлат ишларини ҳалол ва тўғри, адолатли ва инсофли равишда олиб боради. Бунда у мамлакатдаги прогрессив кучларга суянади, илм аҳлларини, косиб ва деҳқонларни қўллаб-қувватлайди. Лекин у шеър ёзишни ҳам унутмайди. У — шоирларнинг сардори ва қиблагоҳи. Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фазилатлари унинг асирларни озод қилиб юборишида, Қутбиддин Хавофий арзига шошмай, ўзини босиб жавоб қилишида, Ургутдан келган жабрдийда деҳқонга ёрдам кўрсатиб, номард ва золим Муҳаммад Ансор исмли заминдорни зулматдан қўл тортишга чақиришида яна яққол кўзга ташланади. Шу тариқа асарда Навоий характери кўпроқ ранг-баранг эпизодлар орқали очила боради. Баъзи эпизодларни алоҳида шеърий ҳикоя сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Барот Бойқобилов бу ўринларда уста новеллист сифатида кўзга ташланади.

Романдаги бош конфликт Навоий билан Султон Абу Саид ўртасидаги конфликтдир. Унинг зулми туфайли Навоий Хуросонни ташлаб кетган. Абу Саид мамлакат тахтида ўлтирар экан, Навоийнинг идеаллари амалга ошмайди. Абу Саид тирик экан, Навоийнинг она юртида халқ азоб-уқубатда. Мамлакат харобазорликка юз тутган. Навоийга яқин кишилар қувғинда. Навоий узоқдан бўлса ҳам Абу Саидга қарши кураш олиб бораётган Ҳусайн Бойқарони ҳар йўл билан қўллаб-қувватлаб туради. Навоий чин кўнгилдан Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлишини истайди. Навоий: «У — шоир, шоирдан ёмонлик чиқмаслиги керак», деб ҳисоблайди. Ҳусайн Бойқаро — Абу Саидга нисбатан инсофли, маърифатли одам. Абу Саидни ўз аскарлари ўлдирадилар. Рақибининг ўлимидан биринчи бўлиб хабар топган Ҳусайн Бойқаро Навоий номи билан Ҳиротга кўшин тортади...

Навоий Самарқандда бахтиёр, юқори мансабга ҳам эга. «Хамса»дек буюк асарини ҳам у шу Самарқандда хаёлига келтириб, ёза бошлаган... Султон Аҳмад Мирзо номига Ҳусайн Бойқаро мактуб («Маншур») йўллаб, Навоийни Ҳиротга қайтаришни илтимос қилади. Навоий ҳам хурсанд. Ҳиротдан Самарқандга жўнаши қандай андуҳли бўлган бўлса, бу ердан у ёққа қайтиши шунча тантанали ва шодликларга тўла.

Романда сиёсий курашлар актив қаламга олинган ҳолда социал зиддиятлар тасвирига ҳам кенг ўрин берилган. Шоир Абу Саид фаолиятини характерлаш муносабати билан Хуросондаги халқ турмушини, амалдорларнинг, шоҳнинг шафқатсизлигини реалистик услубда гавдалантиради.

Романда прогрессив кучлар билан реакцион кучлар ўртасидаги кураш ҳам ўзининг реал аксини топган. Навоий Самарқандга келиб кўп дўстлар орттиради. Бироқ бу ерда унинг душманлари ҳам бор. Бу — сарой амалдорлари Шакур Мирзо ва унинг ҳамтовоқларидир. Улар Навоийнинг ёрқин шеърий талантини, халқ орасида обрўси ошиб бораётганини кўра олмайдилар ва уни ҳукмдорга ёмон кўрсатиш, йўқ қилиш пайига тушадилар. Лекин бунинг уддасидан чиқа олмагач, улар Навоийнинг энг қадрдон дўсти шоир Мирзобекни шаробга заҳар қўшиб бериб ўлдирадилар. Феодал ҳаётнинг энг мараз кўринишларидан бири бўлган мазкур воқеа романда жонли ифодаланган.

Хира шам қошида Навоий мунгли.
Мирзобек ҳажрида фарёдаш кўнгли.
Юзлари сўлғиндир қайғу-аламдан.
Кўзлари толиққан ҳасрату ғамдан.
Дўстини топшириб қаро тупроққа.
Дардини сўйлайди тилсиз чироққа.

Мирзобекнинг бевақт вафоти муносабати билан Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида: «Ҳайф ва юз ҳайф во дариғ ва юз минг дариғким, ҳаёт чашмасидан сероб бўлмади ва умри нахли мевасидин сар емади», деб ёзган бўлса, роман муаллифи шоир номидан:

Ҳайф, юз ҳайфким, анинг бахти
қулмади.
Ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади.
Умр чинорига тортилди арра,
Иқбол мевасидин топмади баҳра,—

дейди. Бунда биз авторнинг тарихий фактларга ҳурмат билан қараганини, ўз асарини, буюк шоир образини тарихий жиҳатдан ҳаққоний қилиб олганини яққол кўрамиз. Бу — унинг катта ютуғи.

Роман реалистик метод асосида, реалистик услубда ёзилган. албатта. Буни биз шоирнинг умумий давр тасвирида ҳам, турли ижтимоий гуруҳлар вакилларининг конкрет образлари мисолида ҳам аниқ кўрамиз. Ҳусайн Бойқаро, Абу Саид Мирзо, Султон Аҳмадлар образини кўздан кечирадиган бўлсак, улар типик феодал ҳукмдорлар, лекин ҳар бири ўз индивидуал қиёфасига, феъл-атворига, инсоний характерига эга. Улар умуман тарихда қандай бўлсалар, романда ҳам асос эътибори билан шундай тасвирланганлар.

Романда реалистик услуб билан романтик услуб бир-бирини тўлдириб кучайтириб боради. Иккинчи услуб қатор ижобий қаҳрамонлар образини романтиклаштиришда, классик поэзиямиздаги сингари поэтик метафора ва муболағаларнинг ёрқинлигига интилишда, табиат фасллари ва ҳодисаларини, шеърий мусобақаларни, қаҳрамонларнинг баъзи ички кечинмаларини поэтиклаштириш, шартли тасвир усулларини қўллаш ва ҳоказоларда кўзга ташланади. Зотан, ҳақиқий шеъриятни бусиз тасаввур этиш қийин ҳам. Навоий Улуғбек расадхонасини айланиб, томоша қилиб юрар экан, расадхонадан:

«Зижи Кўрагоний» бешигидурмен.
Фалакнинг заминий эшигидурмен.
Улуғбек нигоҳи тушган ситора
Нажот излагандек бокди дилпора...—

деган нидо келади... Тасвирда бу хил шартлилик Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқаларнинг достонларида ҳам учраб туради.

Навоийнинг нуроний устози Лутфий, меҳрибон отахон Саййид Ҳасан Ардашер, олим ва гўзал инсон Фазлулло Абу Лайс, буюк олим Улуғбек, фавқулодда шеърий истеъдод эгаси Мирзобек, бастакор Жамшид Садоий, инсонпарвар Амир Арғанғий, шоир Шайхим Сухайлий ва бошқа ўнлаб шахсларнинг образлари ҳам шу йўсинда — романтик услубда тасвирланган.

Романда Навоий шахсияти, унинг юксак инсоний фазилатлари, зеҳнининг беқиёс ўткирлиги, тафаккурининг мислсизлиги ҳам кўпроқ кўтаринки руҳ, романтик пафос билан ифодаланган. Масалан, Самарқанд мадрасаларида таълим олаётган Навоийнинг аруз вазнига оид мураккаб ва ранг-баранг қонун-қоидаларни ўз ноёб ақли билан жуда тез ўзлаштирганини шоир қуйидаги бир байтда гўзал баён қила олган:

Шуур осмонида мезонул-авзон
Камалак рангида бўлур намоён...

Шу ўринда, юксак талант билан ёзилган бу асарнинг бизга камчилик бўлиб туюлган айрим томонларига ҳам диққатни тортмоқчимиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Бобирнома»да Алишер Навоийнинг ҳаёт тарзи ва характери масаласига тўхталиб, бу ҳақда кўп қимматли маълумотлар беради ва жумладан: «Алишербекнинг мижози нозук билан машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас эканлур. Бу сифат анга жибиллий эканлур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз эканлур», дейди.

Навоийнинг «нозук мижоз»лиги, ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги унинг характерининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, замондошларининг диққатини ўзига кўп тортган. Б. Бойқобилов ўз романида Навоий образининг бу томонига ҳам диққат қилганда, образ яна ҳам мукаммал очилган бўлур эди.

Иккинчи бир муҳим масала, бу, севги масаласидир. Ахир, Навоий айни йигит маҳали Самарқандда бўлган. У бирор қизни севган, оила қуриш ҳақида ҳам ўйлаган бўлиши мумкин. Романда эса ёш Навоий ҳаётининг бу томони ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ. Бу шоир образининг тўлалигига маълум даражада путур етказган.

Биз Б. Бойқобиловнинг: «Навоий ўз «Хамса»сини Самарқандда ёза бошлаган», деган фикрига қўшилган ҳолда, «У «Бадоеъул-бидоя» девонини Самарқандда тузган», деган фикрига қўшила олмаймиз. Чунки навоийшунос олимлардан Ҳоди Зариф, Ҳамид Сулаймонов ва бошқаларнинг таъкидлашларича, бу девонини Навоий Самарқандда эмас, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро илтимосига кўра 1470 йилдан кейин тузган. Буни Навоийнинг ўзи ҳам девон «Дебочаси»да айтиб ўтган.

Энди Навоийнинг «Рок-рок» куйи билан қўшиқ қилиб айтилувчи:

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин
чокроқ.
Кипригим шабнам тўкилган
сабзадин намнокроқ.—

деган матлаъ билан бошланган ғазали масаласи. Ушбу байт ва унга Навоийнинг муносабати ҳақида ривоятлар кўп. Хабар беришларича, Навоий бу байтни Соиб деган шоирнинг шеъридан олган. Шарқ шеъриятида тазмин санъати бўлиб, бу санъатнинг маъноси шуки, шоирга бошқа бир шоирнинг бирон мисраи ёки байти ёқиб қолса, уни айнан — кўчирма сифатида олиб, ўз шеърига қўшиши мумкин. Навоий ҳам бу байтни Соибдан ёки бошқа бирон шоирдан олган бўлса, бунинг ҳеч айби йўқ. Бироқ тарихий-реалистик романда шу байт билан боғлиқ бутун бир ривоятни гўё юз берган тарихий бир ҳодиса сифатида бериши унча тўғри эмас.

Булар ҳаммаси — жузъий камчиликлар. Умуман олганда, Барот Бойқобилов «Шукуҳли карвон» асари билан адабиётимизни ҳеч шубҳасиз бойитди. Уни ўзбек шеърий романчилигининг муваффақияти, десак, янглишмаган бўламиз. Бу — Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун ва И. Султоновнинг «Алишер Навоий» пьесасидан кейин улуғ шоир ҳақида ёзилган учинчи салмоқли асар, том маънода янги навоийномадир. Хуллас, «Шукуҳли карвон» муаллифнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳақидаги «Кун ва тун» шеърий қиссаси билан биргаликда бугунги ўзбек эпик шеъриятида ўз муносиб ўрнини эгаллайди, деган умиддамиз.

Сулаймон ЛОЙИҚ

Афғонистон Демократик Жумҳуриятининг миллий суруди (Гимни)

Ёрқин порла, ёрқинроқ,
Эй озодлик қуёши!
Эй муқаддас офтоб —
Бахту шодлик қуёши!
Беомон тўфонларда
Зафар йўлини топдик,
Зулмат аро ўт бўлиб
Шарар йўлини топдик.
Қаҳрамонлик,
ҳурликнинг
Анвар йўлини топдик.
Инқилобий Ватан бу —
Ишчи мардонлар юрти,
Шерюраклар ўлкаси —
Ғолиб деҳқонлар юрти.
Энди яшагай тамом
Давру давронлар юрти.
Бизлар аҳлу жаҳонга
Бахтли замон истаймиз!
Қўли қадоқ инсонга
Нон ила шон истаймиз!
Тинчлик бўлсин дунёда,
Омон, омон истаймиз!

Тонг қўшиғи

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига

Тонг.
Тонг...
Тонг!
Зулмат,
Зулмат қоронғусин ёритгувчи тонг!
Ватанпараст кўнгилларга солгувчи ғайрат,
Ланжу бемор туйғулардан аритгувчи тонг!
Тонг,
Тонг,
Тонг!

Тунд кечалар кўрпасида қотганича тонг,
Беғамликда мо нанди йўқ, эй уйқучи тонг!
Эй, осмоннинг зулмат янглиғ қора косасин
Сутга чайиб,
оқартириб,
ёритгувчи тонг!
Эй, озодлик туйғуларин ёйиб оламга
Юракларга шиддат ўтин солгувчи шоввоз,
Ўрнингдан тур!
Этакларинг йиғиштиргил тез!

Зулмотга чулғанмишдир этакларинг, йиғ,
Ях босибди совуқ, маргбор этакларингни!
Олис мозий лавҳалари тушади ёдга,
Этагингда олис мозий кўлкаси ўйнар,
Бас, йиғиб ол этакларинг, шоирга ён бер,
Ҳассос қалбли шоирга, кел, кўрсатгил жамол,
Кута-кута юрак-дили увалди ҳолсиз,
Тарс ёрилай деди сиғмай ёруғ дунёга.
Эй, жаҳонни уйқусидан уйғотгувчи тонг.
Тонг.
Тонг,
Тонг!
Сен қўзғалсанг,
Чекилгуси зулмат чериги,
Гум бўлғуси
Ёруғликнинг душманлари ҳэм.
Инсон қалбин пораловчи девлар, иблислар,
Чора топмай маҳв бўлади ўз-ўзидан, ҳа!
Одам қонин кушандаси — йиртқич дарранда
Қочиб қолар бурчакларга,
Қўзғалсанг агар!

Сен қўзғалсанг,
Нобуд бўлғай аҳли истибдод!
Фарёд этгай Ватанимнинг хоинлари ҳам!
Тирикликнинг душманлари,
Ҳайратда ҳанг-манг,
Шиддатингга дош беролмай
Бўлурлар ҳалок!
Эй, дунёнинг кўзларини очиб қўйгувчи,
Эй эзгу ўй, орзуларни дилдан суйгувчи,
Тонг,
Тонг,
Тонг!
Сен қўзғалсанг,
Ёритурсан осмонимизни,
Бошимиздан кетажакдир
Қора булутлар!
Нур киражак Бомиённинг ғорларига ҳам.
Мудроқ осор-атиқалар кетар ёришиб!
Эй, Ватанни мусибатдан қилувчи халос,
Интиқ бўлиб кутдим сени, ташналигим рост,
Дийдорингни кўрай,
Меҳринг дийдам устида,
Эй, қурашлар сурурини дилларга солган,
Ҳамла айлаб, зафарларни забтига олган
Тонг,
Тонг,
Тонг!
Оқшом гарчи қоронғудир.
Эмас даҳшатли,
Оқшом гарчи хатарнокдир,
Эмас ваҳшатли.
Олис йўлдан келгувчилар
Адашиб қолмас,
Қурби келмас бу оқшомнинг адаштирмоққа,
Йўллар олис,
Эгри-бугри,
Хўп тўфонлидир.
Кимки енгиб,
Етиб борса —
Ўша шонлидир.
Эй, тоғларнинг бошларини ўраган нурга,
Эй, осмонни кўмган «Офтоб» деган сурурга
Тонг,
Тонг,
Тонг!
Ана, офтоб гулларига бир назар ташла!
Улар осмон қучоғини ёрита бошлар!
Аста-аста очилмоқда гуллар турфа хил.
Мен олисдан барчасини кўриб турибман
Ана, гўзал гул очилар тонг шафағида,
Эзгу орзу, зафарият чечагидир у,
Занжирларни парчаловчи Октябрь гули!
Офтоб гули,
Офтоб гули,
Офтоб гули бу!
Ана, аста очилмоқда,
Очилмоқда гул.
Димоғимга урилмоқда муаттар бўйлар!
Кўз олдимда гул таҳ-батаҳ,
Япроқма-япроқ,
Зўр ранг-баранг шаклларин намойиш қилар.
Эй, ранг-баранг гуллар олиб келгувчи моҳир,
Эй, Октябрь нафасини уфурган соҳир,
Тонг,
Тонг,
Тонг!

Муҳаммад АЛИ таржимаси

Асадулло ҲАБИБ

Семурғ

Олис эрур унинг манзили,
Сабр билан учмоқда баланд.
Қардош эллар кутмоқда ҳали,
Улар қалби — қалбимга пайванд.

Чўққиларга тўш уриб ўтар,
Ортда қолар зумрад тоғ, дарё.
Водийларга кўксини тутар,
Лек қалбидан дуд чиқар гўё.

Мен Семурғнинг пар қанотида,
Неча кунким, қувнаб учаман.
Қўлда созим, жунбуш отида
Сўз қўрғонин гўё кечаман.

Туйғуларга эрк бериб, тағин —
Замин куйин бошлайман ҳарчанд.
Излагайман Бахтнинг эшигин,
Тоғ — занжиру мен-чи,
занжирбанд.

Бу кимсасиз дард тўла йўллар,
Ошёнлардан ошар парвозим.
Ҳали олдда олис манзиллар —
Унда қалбим, янгроқ овозим!

Юрагимда юртим фарёди —
Бу — Озодлик қўшиғи демак.
Афсонада айтилган каби
Мен — занжирбанд семурғман
бешак!

Эй, она!

Эй она, кел, кўзларим дарчасидан
Боққил бир карра.
Сафар қилсанг ўликлар шаҳарчасига,
Мен сенга зор-а.
Сени кутар у ерда шу жигарпоранг
Бўлиб интизор!
Жовидлардай бунда мен қалбим очай ланг,
Эй, Онаизор.
Наздингда бу кўчалар бефайз ва нурсиз,
Турасан хомуш.
Ҳа, тупроққа қорилди умидлар... эссиз,
Эслайсан нохуш.
Кўҳна дарахт илдизидан гўёки шу дам
Чиқар оҳ-нола.
Бу — менинг фиғонларим, тинглагил, онам,
Мисли шалола.
Эй она, кел, кўзларим дарчасидан
Боққил бир карра.
Зардобли кўнгилларнинг боқ кўчасига,
Мен эсам — эарра,
Сен — ёруғлик,
Зулмат билан тур юзма-юз,
Майли, қилгин жанг.
Девонавор кўрсанг гар мени шубҳасиз
Бўлма ҳангу-манг.
Эшитяпман, кимдир тинчим бузар шу пайт,
Туйнугим қоқар.
Балки, ҳаёт чироғини у ёқарми, айт,
Кутгум интизор!
Майли, олдда фонус тутсин,
Ёқсин у чироқ.
Мен ҳам умидвор.
Зулмат кўксин этсин у чок.
Нур билан, бироқ
Қолмас гард, ғубор!
Ахир ўзинг ёрқин нур, нур қопласин элимни.
Тутай кўксимни.
Она, менинг қабримда хомуш бўлма ҳеч,
Менга меҳринг соч!
Мастоналик бахш этиб ўзинг эрта-кеч
Офтоб кўксинг оч.
Мен ўғлингман, онажон,
Шаҳидлар ҳаққи,
Унутма мени.
Қабримдан бир эшик оч, мен кўрай токи
Тонгларинг сенинг!

Афғон тилидан **Ашурали АҲМЕДОВ** таржималари

Нодир саҳифалар

КУЛ ТИГИН ВА БИЛГА ҚИССАСИ

Ҳар бир халқ ҳаётида адабиётнинг пайдо бўлиши унинг тарихий ва маънавий тараққиёт босқичини кўрсатувчи буюк ҳодисадир. Дунёдаги жуда кўп халқларнинг қадимги адабиёт намуналари сингари туркий халқлар дастлабки адабиёт намуналарининг ҳам ўз тақдири бор: эрамиздан аввалги IV асрлардан бошлаб тошларга ёзилган ва эрамизнинг VII—VIII асрларида юқори поғонага кўтарилган бу адабиёт намуналари минг йилдан ортиқроқ вақт унутилиб ётди ва XVIII асрдагина айрим тасодифлар туфайли фанга маълум бўлди. Шундан буён бу қадимий асарлар туркий халқлар маданий меросининг муҳим бир қисмига айланди ва катта аҳамиятга эгалиги сабабли ҳануз иттифоқимиз ҳамда чет эл олимларининг диққатини жалб этиб келмоқда.

Қадимги адабиёт намуналари ўзининг бошланғич даврида турли характердалиги, жанр хусусиятлари, яъни тарихийлик ва бадиийликнинг ибтидоий ҳолатда бўлганлиги, персонажларнинг индивидуал характеристикага эга эмаслиги, қаҳрамонлар ташқи кўринишининг муфассал тасвирланмаслиги, табиат тасвирининг йўқлиги билан ҳозирги адабиётдан фарқ қилади. Аммо бу хусусиятлар қадимги туркий адабиётнинг ўта ибтидоийлигини кўрсатмайди. Ҳали у кезларда бадиий асар сюжети қурилиши «механизми» етарли шаклланмаганлигидан ҳамда индивидуал услуб шаклланмаганлигидан далолатдир, холос.

Биз ҳозир туркий халқлар адабиётининг нодир намуналари деб юритаётган ёдномалар асосан қабрларга ўрнатилган битик тошлар бўлиб, улар марҳумларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида қўйилган. Уларда асосан ўша шахснинг ҳарбий-сиёсий фаолияти ҳикоя қилинади. Битикларда вафот этган шахс образи марказий планда туради, бошқа шахсларнинг фаолияти эса ана шу марказий образга боғланади. Кул тигин ёдномасида шаҳзода Кул тигин туркий халқларнинг юксак қобилиятли лашкарбошиси сифатида тасвирланса, Тўнюқуқ ёдномасида Тўнюқуқ уч хонликнинг доно маслаҳатчиси сифатида намоён бўлади. Билга, Моюн, Кул чур ёдномаларида ҳам марказий планда ана шу шахсларнинг ўзи туради.

Урхун ёдномаларининг барчасида ҳам, гарчи улар юқори синф вакилларига бағишланган бўлса-да, ҳукмрон табақаларнинг манфаати эмас, балки халқ тинчлиги, фаровонлиги, ўзаро низо ва адоватларга барҳам бериш, иттифоқ бўлиб яшаш улуғланади, ўзаро уруш-жанжаллар қаттиқ қораланади. Бинобарин, Кул тигин ёдномасида Йўллиғ тигин табғачларига қарши Кул тигин ва Билга олиб борган жанг умумхалқ кураши сифатида тасвирланади. Билганинг «Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим, иним Кул тигин билан икки шад билан ўла-йита ҳалок бўла ёзиб ғалаба қозондим, шу хилда қозониб бирлашган халқни ўт-сув қилмадим», деган сўзларидан ҳам халқ манфаати, уни бирлаштиришга интилиш учун курашиш ҳоқоннинг асосий мақсади бўлганлигини кўриш мумкин.

Кул тигин ҳақиқий ватанпарвар, халқ қаҳрамони сифатида гавдаланади. Ёзувчи Кул тигиннинг жангдаги жасоратларини ҳикоя қилар экан, китобхон кўз ўнгида Алпомиш, Рустам, Гўрўғлиларнинг қаҳрамонликлари намоён бўлади. Халқ бахт-саодати учун, Ватан мустақиллиги, уни душмандан ҳимоя қилиш учун кураш, худди достонлардаги сингари ёдномаларнинг ҳам асосий ғоясидир.

Қадимги туркий адабиётнинг ҳозирги адабиётдан фарқ қилувчи ўзига хос бир хусусияти бор. Бу— адабий этикет қоидасидир. Ёдномалардаги адабий этикет қоидасини аниқлаш орқали ўша давр адабий системасидаги қонуниятларни билиб олиш мумкин. Ёдномадаги адабий этикет хусусиятлари шундан иборатки, маълум бир эпизод ўша ёдноманинг ўзида такрорланади ёки биридан иккинчисига кўчирилади. Натижада бир даврда яратилган ёдномалардаги ҳикоя қилиш техникаси умумий қонуниятларга бўйсунади ва шу туфайли стереотиплик келиб чиқади. Бу ҳол бадиий фикрлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли кўпчилик халқларнинг бошланғич адабиётида ана шундай хусусиятлар кузатилади. Кул тигин, Билга ва Тўнюқуқ ёдномаларининг сюжет қурилиши агар бир-бирига қиёсланса, улар ўртасида ўхшашлик кўзга ташланади. Айниқса, Кул тигин ва Билга ёдномалари бир-бирига жуда яқин. Шундан кўринадики, адабий жараён эволюцияси энди шаклланишга юз тутиб, стереотип формулаларнинг келиб чиқиши механик равишда эмас, балки адабий қонуният туфайли пайдо бўлади.

Афсуски, араблар истилосидан сўнг Ўрта Осиё халқлари ўзларининг ёзув маданияти, адабий ёдгорликларидан бебаҳра қолдилар. Лекин араблар қадами етмаган жойларда — Сибирда яшовчи туркий халқлар орасида бу ёзув (яъни енисей ёзувлари) XIII асргача қўлланаверди. Гарчи Шарқда араб ёзуви ва маданияти устун келган бўлса ҳам, Урхун-Енисей ёзувлари маълум бўлган кўринади. Шарқнинг машҳур филологларидан бири Ибн Арабшоҳ (1389 — 1456) ўзининг «Ажойибу—л—мақдур фи навойиби таймур» («Темур фалокатларида қисматнинг қизиқликлари») номли асарида туркий руник ёзувларининг шарқда «дулбаржин» деб аталганлиги борасида маълумот беради: «...туркларнинг «дулбаржин» деб аталадиган ёзуви бор. Кўрдим, ҳарфи қирқ битта. Кўплигининг сабаби шундаки, улар товушларнинг қалин ва ингичкаларини, шунингдек, айиргичларни ҳарф деб ҳисоблайдилар, натижада қўшимчалар ва қўшимча ҳарфлар пайдо бўлади». Аммо ибн Арабшоҳ китобида урхун алифбоси келтирилмаган. Шундай бўлса-да, олим туркий руник ёзувларининг хусусиятларини тўғри белгилаган. Демак, ёзуви маълум бўлгач, уни ўқий оладиган кишилар ҳам бўлганлиги ва бу давр адабиётидан хабардорлиги эҳтимолдан холи эмас. Балки Шарқда мавжуд бўлган айрим қаҳрамонлик достонларининг пайдо бўлишига ана шу ёдномалардаги Кул тигин, Тўнюқуқ, Билгаларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари сабаб бўлгандир. Чунки баъзи бир эпизодларда (қаҳрамонларнинг жангдаги жасорати, от тасвири ва ҳоказо) муштараклик мавжуд.

Адабий этикет қоидасига мувофиқ айрим парчалар бир ёдномадан иккинчисига кўчирилганда воқеалар ўртасида узилиш бўлиб қолмайди, аксинча, кўчирилган парчадаги воқеалар билан текстнинг кейинги қисмидаги воқеалар узвий боғланиб келаверади, бу ёзувчидан катта маҳорат талаб этади. Кул тигин йирик битигининг 1—23 сатрлари Билга ҳоқон битигининг 2—24 сатрлари билан айнан ўхшаш. Асли Билга ёдномасига Кул тигин ёдномасидан кўчирилган, чунки Кул тигин ёдномаси 732 йилда, Билга ёдномаси 734 йилда ёзилган.

Воқеаларнинг ва қаҳрамонлар характеристикасининг бир-бирига ўхшашлиги, персонажлар нутқининг таъсирчанлиги хусусиятлари шу даврда яратилган кўпчилик ёдномаларга тааллуқли. Бундай ўхшаш формулалар, асосан, барча ёдномаларда ҳам жанг эпизодлари учун характерлидир.

Ёдномаларнинг сюжет ва композицион қурилишига қараганда, адабий жараён И. В. Стеблева таъкидлаб ўтганидек, VII—VIII асрлардан олдинги даврларга нисбатан бирмунча тараққий қилган кўринади. Қаҳрамонлик, ватанпарварлик, халқчиллик ғояси бу давр адабиётининг бош мавзуси бўлган. Ёдномалардаги қаҳрамонлик ғоясининг акс этиши маълум тарихий факт ва ҳодисаларга таянса-да, айрим ўринларда қаҳрамонларни идеаллаштириш мақсадида мифлардан, рамзлардан ҳам фойдаланилганки, бу ёзувчининг маҳоратини кўрсатувчи яна бир фактдир. Шунингдек, тасвирларда эмбрионал ҳолатдаги реалистик элементлар ҳам мавжуд. Тўнюқуқ ёдномасидаги «найза бўйи қорни ёриб», «бизнинг душманимиз йиртқич қушдай эди, биз ўлимтикдай эдик» каби деталлар муаллифнинг бевосита жонли кузатишлари асосида бунёдга келган.

Ҳозирги вақтда туркий халқлар ёзма адабиётининг илк даври борасида сўз кетса, «Қутадғу билиг», «Девону луғатит турк» асарлари ҳақидагина фикр юритилади. Москвалик таниқли турколог И. В. Стеблеванинг «Туркий халқлар адабиёти қачондан бошланади?» номли мақоласида билдирилган мулоҳазаларга қўшилган ҳолда, биз ҳам туркий халқлар ёзма адабиёти фақат VII—VIII асрлардан эмас (чунки кўриб ўтганимиздек, бу даврда ёзма адабиёт анча мукаммал кўринишга эгадир), балки унинг дастлабки намуналарини эрамиздан олдинги асрлардан ахтармоқ керак, деган фикрдамиз. Тўғри, бу қисқа текстни бадиий асар деб қараш ҳозирда бирмунча ғайри-табиий туюлиши мумкин. Лекин адабий жараён ҳар қандай халқда ҳам бирданига шаклланган эмас. Бу ҳаммага аён. Эрамиздан аввалги II—III асрларга мансуб деб қаралаётган Сирдарё бўйидан топилган ёдноманинг топишмоқ эканлиги мулоҳазаларимиз тасдиғидир. VIII асрдаги йирик ҳажмдаги эпик асарларнинг яратилишига ана

СССР халқ архитектори
Собир ОДИЛОВ

шундай қисқа ҳажмдаги текстлар манба бўлган бўлса, ажаб эмас.

Енисей ёдномалари ҳам деярли қисқа-қисқа текстлардан иборат. Эҳтимол, уларнинг айримлари йирик текстларнинг парчаси бўлиши мумкин. Бари бир бу текстлар Сибирда яшовчи туркий халқларнинг бошланғич ёзма адабиёти намуналари тўғрисида маълум тасаввур бера олади. Таниқли турколог олим С. Е. Малов Енисей ёдномаларини «Эрамиз V асрининг қабрдаги поэзияси» деб бежиз айтмаган эди.

Ёзма адабиёт мавжуд экан, у маълум бир жанрга мансуб бўлади. Мазкур ёзма манбаларни ҳам жанр нуқтаи назаридан белгилашда ҳанузгача икки хил фикр ҳукм суриб келмоқда. Айрим туркологлар ёдномаларни шеърий асар нуқтаи назаридан баҳоласалар, айримлари прозага мансуб деб қарайдилар. Ҳар ҳолда буларнинг муайян бирор жанрга мансублигини ҳозирча ниҳоясига етказилмаган, балки кейинги тадқиқотлар бу ҳақда маълум хулоса чиқаришга имкон берар. Яна аниқланиши керак бўлган масалалардан бири—бу даврда туркий ёзма адабиётига бошқа халқлар ёзма адабиёти таъсир этганми ёки йўқми? Таъсир этган бўлса, қайси хусусиятларида кўринади?

Урхун ёдномаларининг кейинги даврдаги ёзма адабиётдан фарқ қиладиган томони шундаки, уларга фольклорнинг таъсири кучли бўлиб, бу айниқса бадиий тасвир воситаларида (эпитет, ўхшатиш, параллелизм ва ҳоказо) аниқ кўринади. Воқеалар баёни ҳам эртакка хос бадиий услубда гавдалантирилади, тарихий воқеалар айрим ўринларда шартли усулда баён қилинади.

Ҳозирги пайтда Сибирь территориясидан руник ёзувлар кўплаб топилмоқда ва ўрганилмоқда. 1976 йилгача бўлган маълумотларга қараганда, қўлга киритилган руний текстларнинг жами 240 дан ошган ва улар Абакан (Хакасия АССР), Қизил (Тува АССР) музейларида, Москвадаги этнография музейида, тарих музейида сақланмоқда. Кейинги топилганлари, шунингдек, аввалги топилган текстларнинг ҳаммаси ҳам ҳар томонлама, айниқса, адабиётшунослик нуқтаи назаридан чуқур ўрганилгани йўқ. Мазкур ёдномалар адабиётимизнинг дастлабки тараққиётини ўрганишда қимматли манба бўлиши шубҳасиздир.

Насимхон РАҲМОНОВ,
ЎзФА Қўлёзмалар институтининг
бўлим мудири

САНЪАТ МУХЛИСЛАРИГА АРМУҒОН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари қўлёзмаларига ишланган тасвир — миниатюралар альбомини санъат мухлислари диққатига ҳавола этди[1]. Альбом муаллифи — атоқли адабиётшунос, филология фанлари доктори марҳум Ҳамид Сулаймоновдир. Альбомдаги миниатюралар марҳум олимнинг Совет Иттифоқи ва хорижий давлатлар кутубхоналарида сақланаётган қадимий нодир қўлёзмалар устида олиб борган унумли изланишлари жараёнида тўпланган.

Маълумки, машҳур хаттот, чизмачи, рассом ва муқовасозларнинг ижодий ҳамкорлиги маҳсули бўлмиш қадимий қўлёзмалар бу санъат дурдоналари яратувчиларининг маҳорат чўққиларини эгаллаганликларини кўрсатади. Қўлёзма шамс, зарварақ, ҳошия нақши, унвон, лавҳа каби ўзаро мутаносиб безаклари билан асарнинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади ва, шу билан бирга, ўқувчига бадиий-эстетик завқ бағишлайди. Ана шунинг учун ҳам халқимизнинг ўтмишда яшаб ижод этган адиб ва олимлари, тарихнавис ва шоирларининг бизгача етиб келган ноёб қўлёзмаларига ишланган бадиий зийнатлар, айниқса, миниатюралар билан танишиш маданият тарихини ўрганиш соҳасида жуда катта аҳамиятга эга.

Нафис тасвирлар қадимда, асосан, бадиий ва тарихий асарлар қўлёзмаларини зийнатлашга хизмат қилган. Асарнинг етакчи ғоя ва бадиий образлари ранглар воситасида ифодаланган. Шу сабабли миниатюра санъати тараққиётига Шарқ халқларининг атоқли мутафаккир шоирлари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк алломаларнинг илғор инсонпарварлик ғоялари ижобий таъсир этган ва бу санъат тараққиётининг асосий йўналишини, эстетик асосини аниқлаб берган.

Миниатюра — жажжи тасвир санъати X—XIX асрлар давомида Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли маданий марказларда баъзан юксак даражада ривожланган, баъзан эса, таназзулга юз тутган. Жумладан, миниатюрачилик тарихида бу санъатнинг XIII—XIV асрларда Бағдодда, XIV—XVI асрларда Табриз ва Ўрта Осиёда, XV асрда Ҳиротда, XVI—XVII асрларда Ҳиндистонда айниқса ривож топганлиги, кўплаб қўлёзма асарларга гўзал расмлар чизилганлиги маълум. (Аммо бу қўлёзмаларнинг баъзилари вақт ўтиши билан изсиз йўқолиб кетган. Шу сабабли халқимизнинг маданий мероси бўлмиш бундай обидаларни қидириб топиш, ўрганиш, нашр этиш Ўрта Осиё халқлари маданияти ва тасвирий санъатининг номаълум саҳифаларини очишга имкон яратади).

Кейинги йилларда республикамизнинг санъатшунос олимлари Ўрта Осиё миниатюра санъатини ўрганиш борасида муҳим ишларни амалга оширдилар. Бу соҳада атоқли санъатшунос олима Г. А. Пугаченкованинг кўплаб мақолаларини, айниқса унинг ленинградлик олима О. И. Галеркина билан ҳамкорликда Москвада 1979 йили чоп эттирган «Ўрта Осиё миниатюралари» номли китобини эслатиб ўтиш жоиздир.

Ўрта Осиёнинг XV аср миниатюра санъатига оид маълумотлар Н. Норқулов ва И. Низомиддиновларнинг «Миниатюра тарихидан лавҳалар» ҳамда О. Усмоновнинг Ҳиротда Алишер Навоий тарбиясида етишиб чиққан буюк рассом — миниатюра санъатининг ёрқин юлдузи Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари ижодига бағишланган китобида ҳам келтирилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган ёзма ёдгорликлар орасида юздан ортиқ қўлёзма китоб нафис тасвирлар билан зийнатланган. Улар яқин кунларгача турли мутахассислар томонидан айрим илмий мақолаларда ёки альбом ва каталогларда қисман ёритилар эди, холос. Ниҳоят, 1980 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Э. И. Исмоилова ва Е. А. Поляковалар тартиб берган махсус альбомни чоп этиб, институт қўлёзма фондидаги 102 та миниатюра билан кенг жамоатчиликни таништирди. «Шарқ миниатюраси» номи билан нашр этилган бу альбом ҳам Ўрта Осиёда тасвирий санъат тарихини ўрганишда муҳим манба хизматини ўтайди.

Ўтган йили май ойида ўрта аср Шарқининг генинал рассоми Камолиддин Беҳзод туғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан Тошкентда Москва, Ленинград ва Душанба олимлари иштирокида ўтказилган илмий конференция ҳам Шарқ миниатюра санъатини ўрганишда алоҳида бир босқич бўлиб қолди.

«Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар»га келганда эса, шуни қайд қилиш керакки, бу нашр профессор Ҳамид Сулаймоновнинг миниатюра санъатига оид обидаларни тўплаш ва оммалаштириш соҳасида олиб борган хайрли ишларининг давомидир. Маълумки, марҳум олим томонидан тартиб берилган «Бобирнома расмлари» (1969) ва «Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар» (1970) номли альбомлар кенг жамоатчилик томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинган эди. «Бобирнома расмлари» альбоми қисқа вақт ичида тўрт марта нашр этилди. Ўтган йили чоп этилган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» эса Совет Иттифоқи, Англия ва Франция қўлёзма фондларида мавжуд бўлган Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларидан танлаб олинган 32 миниатюрани ўз ичига олади. Расмларнинг энг қадимийси XV асрга, Алишер Навоийнинг ҳаётлик чоғига оид бўлса, энг сўнгиси XIX асрга тегишлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур қўлёзмадаги расмлар Ҳирот миниатюра мактабининг шоҳ асарларидан ҳисобланади. Қўлёзма бир вақтлар Ҳиндистонда Бобирийлар саройи кутубхонасининг фахри бўлган. Ҳозирда эса хорижда — Бодлеан кутубхонасида сақланади. Ушбу қўлёзмадан олиниб, альбомга киритилган расмларнинг биринчиси Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонига ишланган бўлиб, «Моний Дилором расмини Баҳромга кўрсатмоқда» деб номланган. Санъатшунослар таҳминича, бу расм Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансубдир. Ҳақиқатан ҳам расмдаги кўп фигурали мураккаб композиция, одамлар тасвирининг икки планда жойлаштирилиши, ҳар бир шахс характерининг очилиши, чизгилар нозиклиги ва ранглар уйғунлиги, уни моҳир санъаткор устод Беҳзод мўйқаламига мансублигини кўрсатади.

«Алишер Навоий буюк шоирлар орасида» деб номланган расм Ҳирот миниатюра мактабининг яна бир атоқли вакили, Беҳзоднинг истеъдодли шогирди Қосим Али томонидан яратилгандир. Бу рамзий расмдаги икки шахс — Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий тасвирларини ҳақиқатга яқин деб тахмин қилиш мумкин. Чунки расм чизилган вақтда, яъни 1485 йили ҳар икки адиб ҳаёт бўлган ва рассом Қосим Али уларнинг сиймосини

[1] Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар (альбом). Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, Тошкент, 1981 йил.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Еқуб АҲМЕДОВ.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Ойна синди

ҲИКОЯ

Қўшнилар бир кўча бўлиб тўйга боришди. Эшик олдида бир тўп одам уларни тавозе билан кутиб олди. Тонготар ҳам остона ҳатлаб ичкари кирди қўшнилари даврасида. Тўй қизиган пайт экан. Тонготарлар ҳовлининг йўлакка туташ жойида тикка турибди қолишди. Улар боргунча келин ҳам келибди, «Тўйлар муборак» ҳам айтилибди. Навбат тантанали кириш нутқига етган экан. Қирқ ёшлардаги салобатли бир йигит кўтаринки руҳда сўзларди. Кўриниши ҳам, овози ҳам Тонготарга таниш туюлди. Ҳа, таниди. Телестудия режиссёрларидан. Бир-икки бор телевизорда кўрган. Телесуҳбатни бошқариб борган эди. Лекин тўйда ўзини экрандагидан эркин тутар экан. Нутқни ҳам қийиб ташлади. Келин-куёв бир ёқда қолиб, уларнинг ота-оналарини, яқин қариндошларини кўпроқ мақтади. Куёвнинг отасини «қори акамлар» деб тилга олди. Бу иборани эшитибоқ Турғун Тонготарнинг қулоғига шивирлади:

— Тўй эгасининг оти мана энди эсимга келди: Собир қори!

— Қорилик қиладими?— сўради Тонготар Турғундан аста.

— Кейин айтиб бераман.

Нотиқ сўзининг охирида тўйга келган санъатчиларни, ҳурматли меҳмонларни алоҳида тилга олди.

Бир маҳал нотиқ Тонготарларни кўриб қолди. Микрофон симини елкасига ташлаганича уларнинг олдига келди, булардан бир неча кишини тўй аҳлига таништирди (Тонготарни ҳам орқаворотдан танир экан), ўтиришга таклиф этди ва тўйни очиқ деб эълон қилди. Қарсак янгради. Шампан пўкаклари отилди.

Бир пиёладан чой ичилгандан кейин Тонготар атрофга разм сола бошлади. Улар ўтирган жойдан теварак барала кўринарди. Афтидан, бу жой хос меҳмонларга аталган ўринлардан: келин-куёв столига яқин ва дастурхон нозу неъматларга тўла. Таъриф қилганларича бор экан, ярим танобча келадиган ҳовли анвойи гулзор. Столлар гулзораро йўлкаларга қўйилган. Дарахтларда, махсус ишланган дорларда қафаслар осиғлиқ. Уларда канарейка, тўти, майна, бедана, каклик сингари турли-туман қушлар сайрашади. Тўрт тараф олди айвонли иморат. Айвон деворлари, шифтлари, устунларига турли-туман ҳайвонлар, ўсимликлар, паррандаю дарранда-ларнинг сурати солиб ташланган. Хуллас, бўёқ тегмаган жой йўқ. Тўй баҳона бундай манзарани кўрганидан Тонготар мамнун бўлди.

Бир жуфт ашуладан кейин бир табрик нутқи, ундан кейин бир жуфт лапари билан ўйин, сўнгра яна табрик нутқи... Шу тарзда тўй давом этиб турибди. Тўйбоши — режиссёр йигит у ёқ-бу ёққа ўтганида уларга мулозимат қилиб қўяди.

— Олишиб ўтиринглар! Бемалол — запаси кўп! Собир қоракамла ўғил бола оталарданми...

— Нима учун тўй эгасини «қори» дейишади?— Турғундан аста сўради Тонготар.

Турғун хандон отиб кулди:

— Э, қўшни, соддасиз, жудаям содда одамсиз. Тўй эгаси ҳечам қоримас. Уни ҳурматлаб «қори» дейишади. Эсимни танибманки, дўкондор. Бирор марта синмаган, яъни растрат қилмаган эмиш.

— Шунақа денг! Катта магазинда директор бўлсалар керак?

— Бе, катта магазинда ишлаб эсини ебдими? Ахир, катта магазинда қатор-қатор кассалар бўлади. Қорака колхоз бозоридаги дўконча-да ёлғиз ўзи туради. Тимнинг биқинидаги супургидан тортиб қовун қоқигача бўладиган дўконча бору, ана ўшанда ишлайди Қорака.

— Ҳали, эшик олдида кўрганимиз бурнининг таккинасида пашшадек мўйлови бор кишими?

— Баракалла, танир экансиз-ку.

— Ундан бир-икки марта супурги олганман.

Турғун кетма-кет ичани таъсир қилди шекилли, тўй эгасини ўзича мақташга тушди.

— Собир қоракамла — яхши одамла. Ҳамманинг ҳожатини чиқазалла. Супурги сотиб, гигинага хизмат қиладилар. Маккаи сано керак бўлиб қолсаям бораверинг олдиларига... Қовун қоқиям бўлади...

Энди яхлит тўй бўлакчаларга бўлинган эди. Ҳар давра ўзича суҳбатлашар, кимдир ёнидагиларга ўз гапини маъқуллар, кўпчилик ашулаю рақсга, табрик сўзларга парво қилмасди. Шуни сезди чоғи, тўйбоши овозини бир парда кўтариб хитоб қилди:

— Диққат! Диққат! Ҳозир сингламиз Камалакхон ўз талабларига биноан «Тановор» ўйинига тушмоқчилар. Марҳамат, Камалакхон!

Ҳамма жим қолди. Куёв-келин қаршисида ўтирган ёшгина, кўҳликкина қиз ўртага чиқди. Машшоқлар «Тановор»ни бошлашди. Ширакайф ўспиринлардан бири тўйбошига гап отди:

— Опамиз келин томонми, куёв томонми?

Бир чеккаси бу савол ўринли эди. Чунки тўйбоши ҳар сафар: «Келин томондан фалончи», «Куёв томондан писмадончи» деб таъкидлаб ўтаётган эди. Лекин у саволга жавоб бериш ўрнига:

— Диққат билан томоша қилганлар муродига етсин!— деб қўяқолди.

«Тановор»нинг мунис таронаси таралди. Камалак шундай юракдан берилиб ўйнадики, бўлакчаларга бўлиниб кетган давралар яна яхлит бир тўйга айланди. Эшик олдида турганлар ҳам ҳовлига киришди. Куёв Қўйсун ҳам раққосадан кўз узолмасди, шу пайтгача у на ашула, на рақсга эътибор берган эди. Қўйсундаги бундай ўзгаришни кўриб, Тонготар ҳам қизга алоҳида разм солди. Ия, бу қизни қаердадир кўрган?.. Ҳа, Қўйсунни аввал шу қизга — Камалакка уйлантиришмоқчи бўлишганди, улар ҳатто ЗАГСдан ҳам ўтишганди, лекин тўй қолдирилганди. Қўйсун ўз айтганини қилиб, **севгани Чечакка уйланибди-да.**

Воқеа мана бундай юз берганди. Бундан уч ойча аввал — якшанба оқшомида Тонготарни маҳалла идорасига чақириб қолишди. Чиқди. Маҳалла раисининг кабинетида ўн чоғли одам ўтирарди. Ҳамма азага келгандек хомуш эди.

— Келинг,— деди Тонготарга маҳалла раиси Меливой ака.

Тонготар ўтирганларга кўз югуртирди: маҳалла фаоллари ҳамда Собир ака, унинг ўғли Қўйсун... Тонготарга нотаниш яна бир неча киши, улар орасида чиройликкина бир қиз ҳам ер сузиб ўтирибди. Қизиқ: булар маҳалла фаоллари орасида нима қилиб ўтиришибди?

— Марҳамат, бу ёққа ўтиринг,— деди Меливой ака.

— Тинчликми?— деб сўради Тонготар жойидан жилмай.

— Зарур гап бор,— деди Меливой ака жиддийлашиб.— Ҳозир бир оиланинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлади. Сизни маслаҳатга чақирдик. Қани, ўтиринг.

— Узр. Ҳамкасбларим келишмоқчи эди.

— Меним вақтим жуда зиқ. Ҳали тўйга борадиган одамман.... Юристсиз, қонун-қоидани биласиз,

Асомиддин УРИНБОЕВ,
ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти сектор мудири, тарих фанлари кандидати

Абдумажид МАДРАИМОВ,
санъатшунослик кандидати

ис эттиришда ўз ҳаётий кузатишларига асосланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Алишер Навоийнинг тасвири кўпгина миниатюраларга Маҳмуд Музаҳҳиб чизган портрет орқали маълум. Бу рассом асосан XVI аср ўрталарида Навоий вафотидан анча кейин ижод қилган. Шунга биноан мутахассислар нуқтаи назаридан шоир тасвирини аввал Беҳзод яратган, лекин бизгача етиб келмаган, Маҳмуд Музаҳҳиб эса ўша тасвирдан нусха олган бўлса керак, деб тахмин қиладилар. Истамбулда жойлашган музейида сақланаётган муракқаъда ҳам Навоийнинг яна бир расми бор. Унда рассомнинг номи ҳам қайд қилинган: «ал-ҳақир Али». Унда Алишер Навоий қорасоқол, одди тик ҳолда тасвирланган. Абдураҳмон Жомийнинг расми ҳам ўз навбатида Беҳзод томонидан ишланган, лекин бизгача етиб келмаган. Бизда эса Жомий тасвири XVII асрда Ҳиндистонда Давлат Хоназод томонидан кўчирилган нусха бўйича маълум. Демак, альбомдан жой олган «Навоий буюк шоирлар оласида» номли расм Жомий ва Навоийнинг ҳозирда мавжуд суратларини солиштириб, қайси бири ҳақиқатга якин эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳирот миниатюра мактабига тааллуқли расмлардан учинчиси «Тожу бахтни гадолиққа алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида» деб номланган расмдир. Ҳиротнинг ажойиб меъморчилик обидаларини эслатувчи мажмуинкор қаср пешайвонида ўтирган шоҳ — Искандар рўпарасида ялангдурр киймли, соч-соқоли ўсган, ўйлида суяк ушлаган гадо. Искандар гадодан савол сўраяпти. Саволнинг жавоби эса «Садди Искандарий» достонидан маълум:

Деди: «Гўрлардин қилурда гузар,
Неча бу сўнгакларга солдим назар.
Жамиримга лекин ниҳон қолди бу,
Ким шаҳнинг қаюдур, гадонинг қаю?
Бу ўлганда бирдур бу икки матоъ,
Жирикликда невчун қилурлар низоъ?

Ушбу сатрлар мазмуни ва унга жамоҳанг тасвир шуни кўрсатадики, рассомлар Алишер Навоий асарларини ўз мўйқаламлари билан зийнатлар эканлар, шоирнинг ижтимоий қарашларини яққол намойиш этишга ҳаракат қилганлар.

Устод Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар кейинчалик Бухоро, Табриз ва Деҳли шаҳарларида миниатюра санъати тараққиётига таъсир этган.

Булардан ташқари альбомда Алишер Навоий достонларига Ўрта Осиёда XVI асрнинг биринчи ярмида ишланган тўртта расм ҳам эълон қилинган. Бу тасвирлар ҳозирги кунда Англиядаги Шарқшуносларнинг қироллик кутубхонасида сақланади. Бу расмларда устод Камолиддин Беҳзод ижодий анъаналари устунлик қилади. Табиат манзараси талқини Ҳирот миниатюраларига нисбатан соддароқ. Одамлар тасвирида, кийимларида Беҳзод таъсири мавжуд. Лекин расмлар тарихида, ранглар уйғунлигида Ўрта Осиё миниатюраларининг ўзига хос жозибаси ёркин акс этган.

Умуман, «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар»нинг нашри асрлар давомида яратилган ноёб санъат дурдоналарига қайта ҳаёт бағишлайди ва мўъжаз тасвир — миниатюра санъати тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшади.

Ёшлар тақдирига бефарқ қараш яхшимас. Қани, ўтинг бу ёққа.

Тонготар ноилож кўрсатилган жойга ўтирди.

— Бунақа можароли мажлисни бошқаришни жиним ёқтирмайди,— деб сўз бошлади Меливой ака.— Кулсагу йиғламасак. Лекин юртчилик. Баъзан шунақа мажлисларниям бошқаришга тўғри келади. Қани, ким биринчи бўлиб гапиради?

Меливой ака ҳаммага кўз югуртириб чиқди. У кимга қараса, Тонготар ҳам ўша кишининг ҳолатини кузатиб турди.

— Қани, гапиринглар!— деди ҳамма жим ўтиргач Меливой ака.

— Бўлмаса, мен гапира қолай,— деди юзини ажин босган эллик ёшлардаги аёл. Тонготар уни маҳаллада кўп учратарди.— Гапим қисқа: ўғлим кўнгил қўйганига уйлансин, мен — рози.

Бу гапни эшитиб, Собир ака бақириб юборди:

— Эсингни едингми, хотин! Ахир ўғлингнинг топгани бир болали аёлку, эл-юрт нима дейди.

Демак, бу аёл — Собир аканинг хотини. У эрига бўш келмади:

— Гапирса, уч-тўрт кун гапирар, кейин эсидан ҳам чиқиб кетар. Муҳаббат эса кунда керак.

— Тўғри, ҳозирги кунда ёшларга: «Севмасанг ҳам бирга туравер», дейишга ҳаққимиз йўқ»,— деди қатъий қилиб Меливой ака.— Буни замон кўтармайди, қонун ҳам йўл бермайди бунга... Лекин нега энди ўғлингиз — Қўйсун Камалак билан турмуш қуришга рози бўлди; уларни унаштирдик, маълум оши берилди, ЗАГСдан ўтишди, тўй арафасида айниб ўтиргани нимаси ахир?— Шу гаплари асносида у Собир акага бир кўзини қисиб қўйгандай бўлди.

— Тўйдан кейин айниса, ана унда кеч бўларди,— деди Қўйсуннинг онаси Робия опа яна бўш келмай.

— Ҳозир ҳам кеч, ғишт қолипдан кўчган. ЗАГСдан ўтиб қўйилган,— ахдида қаттиқ турарди Собир ака.

Меливой ака ер сузиб ўтирган қизга — Камалакка дабдурустдан савол берди:

— Хўш, сиз нима дейсиз?

Камалак аввалига ўзини йўқотиб қўйди. Кейин:

— Мен нима ҳам дердим,— деди у бироз сукутдан сўнг ерга қараб.— Дадам биладилар.

— Мана шундай итоатгўйлигинг, ҳурмат қилишинг яхши-ку, лекин...— деди Камалакнинг дадаси — ёши олтмишлардан ошган нуроний киши — Бойзоқ ота. Унинг гап оҳангида қойишдан кўра таажжубланиш кучлироқ эди.— Лекин аввал бошда ихтиёрни менга ташламасанг бўларкан. Аммо асосий айб — менда.— Бойзоқ ота маҳалла фаолларига қаради.— Иниларим, тўйнинг қолдирилишига мен ҳам тарафдорман. Лекин сабабини сўраганларга нима деб жавоб қиламан?

— Мен тўйга айтиб қўйган дугоналаримга нима дейман?— деди Камалак кўзига ёш олиб.

Тонготарнинг хаёлидан шу пайт: «Қиз бояқиш бир-икки кўрибоқ йигитга кўнгил қўйиб қўйган экан-да», деган фикр ўтди.

— Қайси юзим билан одамларга қарайман, адажон,— Камалак кўз ёшларини кафти билан юзидан сидириб ташлади.— Одамлар нима дейди. Ахир, тўйни ҳам ўзингиз бошласангиз, ўзингиз қолдирсангиз? Айбим нима ўзи?

Собир ака ўғлига гап қотди:

— Қара, шундай бокира қизга уйланмай, қаёқдаги бировларнинг сарқитини уйимга бошлаб келмоқчисан, а, ҳа, ношукур банда.

Меливой ака гапни илиб кетди:

— Собир қори, мана юрист укамиз ҳам тасдиқласалар керак, булар ЗАГСдан ўтган кундан бошлаб қонунан эр-хотин ҳисобланадилар.

— Дада, сизга неча марта айтдим-ку, Камалак чиндан ҳам гўзал, лекин менинг кўнгил қўйганим бор, деб.

— Бирга яшагандан кейин, ўғлим, бу билан ҳам феъл-атворларинг мослашиб кетади. Мана, ойинг билан мендан қиёс ол.

— Бизни бу ёққа қўйиб туринг,— деди Робия опа.— Ёшларнинг бахтига зомин бўлмайлик.

— Мен шу ёшларнинг бахтини ўйлайман-да, тушунсанг-чи?

— Дада, мен барибир Камалакка уйланмайман,— деди Қўйсун қатъий ва кескин оҳангда.

— Хўш, айтинг-чи, Камалакка уйланмас экансиз, нега энди у билан ЗАГСдан ўтасиз?— деди маҳалла хотин-қизлари кенгашининг раиси, кофта-юбка кийган қирқ ёшлардаги аёл, у боядан бери жим ўтирар эди.— Фақат рост гапиринг, ука.

Қўйсун жим. Бошқалар ҳам.

— Саволимга жавоб беринг. Балки Камалакдан айб топиб қолгандирсиз?

— Йўқ,— деди Қўйсун,— ҳеч ҳам.

— ЗАГСдан илгари Камалакни кўрганмидингиз?

— Ҳа, кўп кўрган,— ўғли ўрнига жавоб берди Собир ака.— ЗАГС куни совға ҳам олиб берган.— Собир ака ўғлини қойиб кетди.— Ҳой баттол, ахир ўзинг Камалакни кўриб, тўйга розилик берган эдинг-ку?

— Розимас, мажбур бўлдим-ку, дада! Мажбур қилдингиз-ку!— Қўйсун бақириб ўрнидан туриб кетди.

Ҳамма ялт этиб Собир акага қаради. У бўлса, ўзини қўйишга жой тополмай, типирчилаб қолди:

— Ё тавба!!— деди Собир ака кўзлари чақчайиб,— Эшитдингизми, бирodарлар, пушти камаримдан бўлган фарзандим айбини гарданимга ағдармоқчи! Ҳозирги ёшларга тушуниб бўлмай қолди. Қани, қайси ота ўз фарзандининг бахтини ўйламайди.

— Сиз фақат ўзингизни ўйлайсиз, дада.

— Ёлғон гапирма!!— Собир ака кулдонни ўғлига ўқталди.

— Собирқори ака, сиз каттасиз, бир гапдан қолинг.— Меливой ака кулдонни унинг қўлидан олиб, столга қўйди. У ота-бола ўртасида гап қочганидан чўчиб кетган эди.— Қўйсун, отага қаттиқ гапиришинг яхшимас.

— Ҳаммасини ўзингиз бошлаб қўйиб, яна насиҳат қиласиз-а,— Қўйсун Меливой акага нафрат билан қаради. Ҳамма таажжубда эди. Меливой ака Қўйсуннинг гапини эшитмагандек сўз қотди:

— Боласи тушмагур, менга ҳам

лой чапламоқчи шекилли. Ҳа, майли, ёш-да ҳали.

— Чинданам ёш эканман. Ёшлик қилмаганимда, сиз билан дадамнинг сўзига кириб, шу кунга учрамасдим.

— Ҳой бола, ўйлаб гапир,— таҳдид билан сўз қотди Меливой ака.— Бетга чопар бўлсанг, маҳалладан ҳайдаб юбораман.

— Менимас, сизни ҳайдаб юбориш керак!

Меливой хандон отиб кулди.

— Гапиринг, ўғлим,— дея сўзга аралашди Бойзоқ ота.— Мен сизга

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

ёмонликни ҳеч раво кўрмайман. Давойим ҳам йўқ. Тўй бўлсин деб туриб олмайман ҳам.

— Хўп...

Меливой ака Қўйсуннинг гапини шарт бўлди:

— Бу ёғи энди эзмачиликка ўтди. Энди мен кетдим.

Меливой ака кета бошлаган эди, Бойзоқ ота отилиб бориб, унинг йўлини тўсди:

— Қани, шу ердан чиқиб кўр-чи! Ҳассам сингунча савалайман.

— Сизга нима бўлди, отахон? Ҳассангиз ҳали ўзингизга керак бўлади.

— Билсанг, сен туфайли ҳассамни йўқотдим. Кўр эканман, сенинг сўзингга учиб, суриштирмай-нетмай синамаган жойга қиз бермоқчи бўлган эдим. Йўқолган ҳасса синса синибди-да!

— Оғирроқ бўлинг, отахон!

Меливой ака кетмоқчи бўлди. Бойзоқ ота унга ҳассасини ўқталди:

— Ўтир деяпман сенга! Чапақай жаҳлим бир чиқмасин. Қани, ўтир!

Меливой ака мажбуран жойига қайтди. Бойзоқ ота жойига ўтираётиб, Қўйсунга сўз қотди:

— Ёлғон қўшмай гапиринг, ўғлим.

Қўйсун бир нуқтага тикилганича сўзлай бошлади...

Қўйсун — оилада ёлғиз фарзанд. Собир ака билан Робия опанинг аввалги болалари турмаган. Шунинг учун ҳам Қўйсунга шунақа от қўйишган. Қўйсундан кейин фарзанд кўришмади. Робия опа бутун оналик меҳрини фақат шунга бағишлади. Собир ака шу ўғлини деб мол-мулк йиғди, ошна-оғайни орттирди. Мендан кейин ўғлимга душманлик қилиб юрмасин, деб, биров уни ноўрин сўкса ҳам индамади. Робия опа эса шу ўғлини деб эрининг барча қилмишларини кечириб келарди.

Эр-хотиннинг орзу-ҳаваслари фақат Қўйсун орқали ушалиши мумкин эди. Улар аслида шу орзу-ҳавасни кўрайлик деб яшаб келдилар. Қўйсуннинг бўйи чўзилган сайин Собир ака ўзига меросхўр улғаяётганидан севинса, Робия опа келин тушириш, невара кўриш айёми яқинлашаётганидан қувонар эди. Қўйсун ўнинчини битириб келган кундан бошлаб, оилада уни уйлантириш тўғрисида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тараддуд қизиб кетди. (Робия опа бўлажак келинига атаб йиғиб келаётган бир неча сидирға бош-оёқ кийим бу ҳисобга кирмайди, албатта). Энди гап кимни келин қилиш хусусида борарди. Собир ака ўз ҳамкасбларининг қизларини тилга олса, Робия опа тўй-ҳашамларда, кўча-кўйда кўриб қолган дуркун қизларни ўғлига раво кўраверарди. Содда она-да, қиз бола дуркун бўлса, тани-жони соғ бўлади, фарзанд кўриши, тарбиялаши осон кўчади, деб ўйларди.

Қўйсун ота-онасидан кўра кўпроқ тоғаларининг таъсирида ўсиб, вояга етди. Тоғаларининг меҳригиёси бормиди, бўш вақтини ҳамиша уларникида ўтказарди. Қўйсуннинг тоғаларига берилишини Собир ака ҳам, Робия опа ҳам зимдан олқишлашарди, шундай бўлиши фойдали эканлигини пайқашарди.

Қўйсун мактабда ҳам, институтда ҳам яхши ўқиди. Барибир унда оила муҳитининг таъсири бор эди. Қўйсун ҳам асосан ота касбини тутди. У Политехника институти кимё факультетининг озиқ-овқат савдосини ташкил этиш бўлимига ўқишга кирди. Тез орада билимларни яхши ўзлаштириш, ташкилотчилиги (у факультет касаба союз комитетининг аъзоси эди) билан кўзга ташланиб қолди. Иккинчи курсни битиргач, уни қабул имтиҳонларида навбатчилик қилувчи студентлар сафига қўшиб қўйишди. Қўйсун Чечак билан худди ўша навбатчилик қилиб юрганида танишди. Чечак ҳам шу бўлимга ўқишга кириш учун имтиҳон топширарди.

Сўнгги — математикадан оғзаки имтиҳон топшириш куни эди. Аудитория эшиги олдида Қўйсун навбатчилик қиларди. Ичкари кириш навбати Чечакка етган. Шу сабабли у ҳаяжондан узун ва қуюқ киприкларини тез-тез пирпиратарди, ранги бир оз ўчинқираган эди. Қизнинг ўқишга кириш-кирмаслигини шу имтиҳондан қандай баҳо олиши ҳал қиларди. Бундан аввалги уч имтиҳондан ўн тўрт бал тўплаган: иккита беш, битта тўрт. Ўқишга кириш учун камида ўн саккиз балл бўлиши шарт.

— Пифагор теоремаси қандай эди?— деб сўради қиз Қўйсундан.

— Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг квадрати катетлар квадратининг йиғиндисига тенг.

— Раҳмат,— деди Чечак ўз саволидан ўзи уялиб.— Чўчиб турганда киши шундай оддий теоремани ҳам эсидан чиқариб қўяркан.

— Нега чўчийсиз,— Қўйсун Чечакка далда берди сиполик билан,— ҳеч чўчиманг. Чўчимасангиз «беш» оласиз.

— Раҳмат!— деди қиз чеҳраси ёришиб.

— Исмингиз нима?

— Чечак,— деди қиз гўё имтиҳон топшираётгандек.

— Меники — Қўйсун.

— Қўйсун? Нима, ойингизнинг бошқа болалари йўқми?

— Ҳа, ёлғиз ўғилман. Буни қаердан биласиз?

— Холамларнинг ёлғиз ўғиллари бор. Исми — Қўйсун.

Суҳбат бўлинди, ичкаридан бир абитуриент қувониб чиқди.

— Киринг,— Қўйсун Чечакни аудиторияга таклиф қилди.— Муваффақият тилайман.

— Чиққунимча кетмай туринг,— деди Чечак аудиторияга кираётиб Қўйсунга ёлборгансимон.

— Хўп,— деди Қўйсун.

...Чечак ичкаридан қувониб чиқди. «Беш» олибди. Қўйсун билан шу қувончни ўртоқлашишдан, яъни «Дўстлик» кафесида мороженое ейишдан улар ўртасида самимий муносабат бошланди. Қўйсун Чечакни севиб қолди. Улар то ўқиш бошлангунча ҳам, ундан кейин ҳам кунига, кунора учрашиб туришди.

Пахта терими бошланди. Студентлар ҳашарга йўл олишди. Лекин Чечак пахта теримига бормади. Қўйсун бундан ҳайрон эди.

Аслида воқеа мана бундай эди: Чечак ўнинчини битириши биланоқ ота-онасининг изми билан турмушга чиққан, кейин муросалари келишмай, ажрашиб кетган эди. Ёш боласи борлиги сабабли пахтадан қолган эди. Шундай сабаб Қўйсуннинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. У Чечакни шу йил ўнинчини битирган қизлардан деб биларди. Чечак кўринишидан нозик, қадди-қомати, юриш-туриши, кийиниши билан энди ўн еттига тўлган, балоғат остонасига қадам қўяётган қиз болани эслатарди.

Октябрь байрами арафасида студентлар пахтадан қайтишди. Яна ўқишлар бошланди. Ўқишнинг биринчи куниёқ Қўйсун Чечакни истаб топди. Салом-аликдан кейин биринчи саволи шу бўлди:

— Нега пахтага бормадингиз?

Чечак ерга қараб жим қолди.

— Сабабини билсам бўладими?

— Ҳа, бўлади,— Чечак Қўйсунга тик боқди. Бу унинг Қўйсунга биринчи марта тик қараши эди. Кейин ғурур билан шундай деди.— Ўғлим бор. Байрамда бир ёшга тўлди.

Қўйсуннинг устидан бир челак совуқ сув қуюб юборилгандек бўлди. Эти жунжикиб кетди. Кўз олди қоронғилашди. То ўзига келиб олгунча Чечак кўчага чиқиб кетган эди. Қўйсун унинг изидан кетди, Чечакка етиб олди. Улар Шайхонтоҳурдан Анҳор бўйигача чурқ этмай келишди. Чечак сой бўйидаги скамейка устидаги сап-сариқ хазонни сидириб ташлаб ўтирди. Қўйсун унинг ёнидан жой олди. Анчагача икковидан ҳам садо чиқмади, кейин Чечак Қўйсунга юрагини ёрди.

Шу куни улар ўринларидан туришганда қуёш аллақачон ётоғига ёнбошлаган эди. Аудиторияларда қолиб кетган портфелларини эртаси куни курсдошларидан олишди...

Шу тариқа вақт ўтган сайин Қўйсун Чечакка қаттиқроқ боғланиб борарди. Муҳаббат йигитнинг измини қўлидан олиб қўйган эди. Чечак ҳам Қўйсунга мойил эди, лекин уни Қўйсунни севади, деб бўлмасди. Сутдан оғзи куйган, қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейишганидек Чечак жудаям эҳтиёткор бўлиб қолган эди. Қўйсунни хаёлан тез-тез ажралишиб кетган эрига таққослаб кўрар, гоҳ унисидан, гоҳ бунисидан фазилат ёки нуқсон топар эди. Ўғли эсига тушиб қолгудек бўлса, ўзини мажбурлаб бўлса-да, Қўйсундан кўпроқ нуқсон топишга ҳаракат қиларди. Шундай пайтларда Қўйсуннинг келишган қадди-қомати айрим шуҳратпараст спортчиларни эслатар, табиий жингалак сочини олифталикка йўяр, йирик мустаҳкам тишлари сўйлоқ бўлиб кўринар, ўзини тутиб, дона-дона қилиб сўзлашини такаббурликдан деб билар эди. Орадан бир оз ўтгач, қанчалар қийналиб топган бу «нуқсонлари» фазилат бўлиб кўрина бошларди, кейин эса Қўйсуннинг кўкрагига бош қўйганини ўзи хам билмай қоларди. Чечак эрини ҳам мутлақо унутиб юборолмасди, Қўйсунга ҳам бутунлай кўнглини беролмасди. Чунки ўртада бола бор. Хуллас, Чечак икки ўт ўртасида қийналарди.

Қиш ўтиб, кўклам келди. Бултур кузда Чечак сап-сариқ хазонни сидириб ташлаб ўтирган скамейка устига ям-яшил япроқларнинг кўланкаси туша бошлади. Ҳаммада, барча ерда уйғониш, яшариш. Бундай пайт Қўйсунларнинг ҳовлиси чинакамига жаннатга айланади. Гуллар ҳар ёнга атир уфуради, садарайҳонлар мушк-анбар таратади, қафасдаги қушлар бири олиб, бири қўйиб сайрагани сайраган. Лекин Қўйсунга тинчлик йўқ. Ҳар куни кечқурун битта «пластинка»ни қайта-қайта эшитишга мажбур: Собир ака билан Робия опа кечки овқатни еб бўлибоқ, ўғилларини ўртага оладилар, тўй ҳақида сўз қотадилар.

Апрелнинг ўн бешлари эди. Одати бўйича овқатдан кейинги чой устида Собир ака тўйдан яна гап очди.

— Ўғлим, сенга қолса орзу-ҳавас кўрмай, дунёдан кўзим очиқ кетадиганга ўхшайди,— деди у йиғламсираган бўлиб.— Кутиш ҳам шунчалик бўлар-да. Мана, учинчи курсни ҳам битираёздинг. Шунча йилдан бери бизга келин бўларли қизни ўзинг тополмадингми, тополмадинг. Мана энди бу ёғини ўзимизга қўйиб бер. Ўзимиз топамиз. Ҳамкасбларимда ҳам моҳипора қизлар кўп.

— Улардан тузукроқ одамлар ҳам қадамимга кўз тикиб ўтиришибди,— деди Робия опа ғурур билан.

— Мен ҳозир уйланмайман!— Қўйсун одатдаги гапини такрорлади.— Аввал ўқишим битсин.

— Баттоллик қилма!— Робия опа ўғлини жеркиб, ош сузилган лаганни олиб, айвондан тушди.— Уй юмушларига энди қариб қолдим. Ёки онангни ажалидан беш кун бурун гўрга тиқмоқчимисан?

Робия опа вайсай-вайсай ўчоқбоши томон кетди.

— Ўғлим, онангни ҳам ўйла,— деди Собир ака мулойим бўлиб.— Энди раъйингга қараб ўтириш йўқ. Май ойи ичи тўй қиламиз. Гап тамом.

Қўйсун дабдурустдан:

— Ундай бўлса ўзимнинг ёқтирганим бор,— деб юборди.

Собир ака бир ирғиб тушди:

— Ростданми?.. Шунча вақтдан бери айтсанг бўлмасмиди! Бизни қийнаб нима қилардинг! Ўзинг билан ўқийдими?

— Йўқ, биринчи курсни битиряпти.

— Яхши. Ёшгина экан. Ёш ниҳол қаёққа эгсанг, шу ёққа эгилади.

— Ёш эмас. Ёши йигирмада, мен билан тенг. Ўқишга кечикиброқ кирган.

— Ҳа, майли, сенга маъқул бўлса бўлгани. Ўзинг топганингга уйлантираман, деб сўз берган эдим. Сўзим устидан чиқаман.

— Бари бир, топганим сизларга маъқул бўлмайди.

— Нега?

— Негаки...— Қўйсун дудмал сўзлади.— Битта боласи бор.

Собир ака пешанасига бир урди-да, ўғлига юзланди:

— Ҳали яширинча уйланганман дегин?! Юзимга қандай оёқ қўйдинг, бадбахт! Шу умидда сени ўстирганмидим, ярамас?! Бир мартамас, беш марта тўй-ҳашам қилиб уйлантириб қўйишга қурбим етишини биласан-ку, ахир? Сенга таълим берган мендек отага минг лаънат!

— Унга уйланмаганман, дада... У эридан ажралган.

— Эвоҳ!.. Ҳали топганим бир болали жувон хотин, дегин!.. Йўқ!..

— Топганим ўзимга ёқади. Уйлансам, фақат ўшанга уйланаман.

— Бадбахт!!— Собир ака хонтахтага бир мушт туширди.— Қайси юзинг билан отангга шундай деяпсан, ахир!— Ўчоқбоши томондан хотини келаётганини кўриб жим қолди. Кейин ўғлига пичирлади.— Гапингни ойинг эшита кўрмасин. Ўзи зўрға юрибди, қон босими яна ошиб кетади.

Шу куни ота-ўғил ярим кечагача ухлашолмади.

Эртаси куни Собир ака маҳалла идорасига чиқди. Ўғли билан бўлган синоатни Меливой акага айтдида, туни билан ўйлаб чиққан режасини унга билдирди. Гўё Собир ака бу ишга лоқайд қарайдию, ҳамма нарса Меливой аканинг изми билан қилинади.

Ўша куни кечқурун Меливой ака Қўйсунни маҳалла комитетига чақиртирди-да, аввалига ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Сўнгра гапни Собир акани учратиб қолганидан бошладию, Қўйсунга роса насиҳат қилди. Йигит унинг гапига кўнмади. Меливой ака: «Маҳалламдан ҳайдаб юбораман», деган дағдағага ҳам ўтди. Лекин Қўйсун сўзида қаттиқ туриб олди. Меливой охири миясига келган фикрни айтди:

— Сени аввал номига бўлса ҳам моҳипора бир қизга уйлантирамиз,— деди Меливой ака.

— Чечакдан бошқасига уйланмайман!— Қўйсун ўз сўзида қатъий туриб олди.

— Мен далолат қилаётган қиз сенинг топганингдан ўн чандон чиройли,— дея гапни улаб кетди Меливой ака. Кейин Қўйсунга кулимсираб қаради:— Фақат номигагина уйланасан.

— Хўш, ундан кейин?— луқма ташлади Қўйсун.

— Шошмагин-да, ўғлим,— деди Меливой ака Қўйсунни эркалагансимон.— Аввалambor, ота-онангнинг орзу-ҳаваси ушалади. Қолаверса, «Ибрат» маҳалласининг шаънига доғ тушмайди.

— Қўйинглар, каллани оғритманглар,— Қўйсун ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди.

— Ўтир!— буюрди Меливой ака.— Гапни охиригача эшит!.. Кейин эса орадан икки-уч ой ўтгач, хоҳласанг биз уйлантирган хотинингни қўясану, севганинг билан то-

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ

АТЛАС

Диловар товланур гулгун диёримда бу хонатлас,
Ҳамиша мавжи, нақши эътиборимда аён атлас.

Нечук кашф этди, ё афсун ила нақш этдими, билмам,
Жаҳонни мафтун этмиш тўқиб аҳли Марғилон атлас.

Меҳр жўш урди дилда қайта-қайта ёр қийганда,
Гўзалликда ягона гулузорим кийган он атлас.

Баайни Кайхун — Сайҳун равондур ёрим эгнида,
Яна соҳилларини пахтазор этмиш баён атлас.

Нетай, атлас тури кундан-кун ортар, нақши дил тортар,
Нигорим кийса не рангин, ярашгай бегумон, атлас.

Кел, эй, дилбар, кийиб кўргил тамоми хилидан бир-бир,
Ки меҳнат сўнгидан роҳат келтирмиш жонажон атлас.

Севимли гулсанамлар эгнида товланса ҳар бора,
Ҳузур борини гўё шунда этмишдир ниҳон атлас.

Қалдирғоч

Сайроқликдан тилин тийган қалдирғоч,
Хонатласдан кўйлак кийган қалдирғоч.

Диллар жўшқин, ўйлар — ёркин, беозор,
Шу ватанга меҳр қўйган қалдирғоч.

Қай ҳовлига учиб келса ҳар баҳор,
«Соғиниб-соғиниб келди», деган қалдирғоч.

Уй тўрида кошонасин асраймиз,
Шу сабабли меҳри ийган қалдирғоч.

Ўз уйини бикир ҳолида кўргач,
Миннатдорлик изҳор этган қалдирғоч.

Қанотингга пахтадан зийнат берай,
«Оқ олтин» юртига келган, қалдирғоч!

Умр бўйи ўлкамизда ором ол,
Ҳузур қўшиғини ўрган, қалдирғоч!



Ажаб инсон

Ажаб инсонки, оламни безаб, ўзи бўлур шайдо.
Шу оламга бисотини тузаб, ўзи бўлур шайдо.

Ватан тупроғини кафтига олиб кимё айлар,
Яна таркибида сарват ясаб, ўзи бўлур шайдо.

Дилида орзу қайнар фаровонлик йўлин излаб,
Муқаддас мулкида илдам кезиб, ўзи бўлур шайдо.

На ҳосил этса илгида, элига армуғон айлар,
Ишини элга манзур этказиб, ўзи бўлур шайдо.

Келибдур ушбу оламга, ки мангу қолмоғин ўйлар,
Ватандошига эзгу етказиб, ўзи бўлур шайдо.

Илм-фан равнақи бирла бўлур аллома тобора:
Билим инжуси баҳрида сузиб, ўзи бўлур шайдо.

Бутун умрида туйғу чиқса эзгулар мақомига,
Ҳузурини жаҳонга кўргузиб, ўзи бўлур шайдо.

Ғулом ИСМОИЛОВ

Офтобий варақалар

Инқилобчи Саидризо Ализода хотирасига

Кумушталъат каптарлар
Чарх ургандай шаҳарда.
Оташсўз варақалар
Қанот қоқди саҳарда.
Дарёжўш умид билан
Тепаётган дилларда
Ва илк бор эрк қўшиғин
Куйлаётган тилларда
Жилоланиб янграйди
«Шўро», «Ленин»,
«Инқилоб».
Гўёки шу сўзлардан
Ҳузур-ла ичяпти
Сафлар муаттар гулоб.
Оловқим йўллару,
Дарахту деворларда,
Милтиқ тутган қўллару

Баҳорий шиорларда
Кўтармоқда аланга
Саидризо Ализода
Битган хитобномалар.
Булут ҳайдаб эсаркан
Инқилобий шаббода,
Нур бўлиб кўнгилларга
Кирар офтобномалар.
«Бирлашинг яғиргардан —
Сийнаси садпоралар.
Жангга киринг эрк учун
Мискину бечоралар!»
«Қўзғол, кўтаргил исён,
Эй, ранжбар, ғариб инсон!
Текинхўр зулукларга
Қул бўлганинг етар, бас.
Кишанларни парчала,
Сен ҳам эркин ол нафас».
Бойлар мазлум танига
Епишган нақ фалокат.
Шу нопоклар касрига
Элда очлик, ҳалокат».

«Гарки таъмир кўрмаса —
Вайронадир иморат.
Эгри қўлни урмасак —
Юртда қўзийди ғорат.
Қўшилинг инқилобга,
Сафимиз серҳарорат.
Зулм дунёсин қулатмай,
Битмас асло асорат!».
Нур бўлиб юракларга —
Солиб буюк жасорат,
Оташсўз варақалар
Қанот қоқар шаҳарда,
Ализода юрагидай
Ғазалжўш дарёмисол
Самарқандий саҳарда.

Самарқанд

пишасан. Кейингисига хоҳласанг тўй қиласан, йўқса... ихтиёр ўзингда. Ҳеч ким ҳеч нима демайди.

— Калта ўйламанг, Меливой ака,— деди кейин кириб келган Собир ака атайин ўзини Қўйсунга ҳамдард кўрсатиш учун.— Кимам шу шартимизга кўнарди?

— Шартимизни айтармидик, айтмаймиз! Диёнатли, соддагина узоқ танишимнинг Камалак деган ўн саккиз яшар қизи бор. Ўзим ўртага тушаман, ўзим совчи бўлиб бораман. Мен ўртага тушгач, йўқ деёлмайди. Собир қори, келин томоннинг тўй харажатини ҳам ўзингга юклайман, шунда иш осон кўчади.

— Олиб берган хотинингиз аҳрашмайман деб туриб олса-чи?— деди Қўйсун соддалик билан.

— Ҳозирги пайтда ҳеч ким бировни севмаган кишиси билан яшашга мажбур қилолмайди. У замонлар ўтиб кетган. Ҳозир — эркин муҳаббат замони. Хуллас, мана мен гурибман. Ҳаммаси хамиридан қил суғургандек силлиққина, тинчгина битади.

— Йўқ, Чечак бунга рози бўлмайди.

— Сен унга айтма.

— Ундан яширолмайман, истамайман ҳам... Мен уни севаман.

Меливой ака гап оҳангини ўзгартирди, бақириш ўрнига мулойимлик билан сўзлай бошлади:

— Ўғлим, ҳар ҳолда мен сендан бир-иккита кўйлакни ортиқ йиртганман. Хотин зотининг чуқурроқ аҳрата оламан, феъл-атворниям яхшироқ биламан. Аёллар эркаклик ғурури зўр йигитларни кўпроқ ёқтиришади. Эркаклик ғурури заиф кимсаларни эса хотинчалиш экан, деб менсимайдилар. Буни билиб қўй, ўғлим. Эркаклик ғурурингни қанчалик қадрласанг, севганинг ҳам сени шунчалик зиёда ҳурмат қилади...

Аввал бошда Қўйсун: «Севги-муҳаббатимиз яна бир марта синовдан ўтар экан», деган хаёлга бориб, Меливой аканинг маслаҳатига юргандек бўлди, Меливой ака ўртага тушгани учун тезда унаштирилди, зудлик билан ЗАГСдан ҳам ўтишди. Ўша куни Қўйсун Камалак билан учрашди: чиройли қизу, лекин барибир Чечак эмас-да, кўнгилга буйруқ этиб бўлмайди.

Тўй куни яқинлашган сайин Қўйсуннинг юраги орқага тортиб кетаверди. Камалакнинг тақдирига зомин бўлишни истамасди, ҳозир ҳаракат қилиб қолиш керак, тўйдан кейин кеч бўлади. «Тўй қолдирилиши керак!»— Қўйсун узил-кесил шу қарорга келди. Унинг бу азму қарори уларнинг оиласию маҳалла фаолларини мажлисга олиб борди. Мажлисда Меливой аканинг ҳам, Собир «қори ака»нинг ҳам чинакам башараси очиб ташланди.

— Хумпар! Иркит! Сенинг бир оғиз сўзингга учиб гулдек қизимни синамаган жойга бермоқчи бўлгандим,— деди Камалакнинг отаси Бойзоқ амаки. Сўнгра қизига юзланиб сўзида давом этди.— Кечир мени, қизим, бу маҳлуқни маҳалланинг отаси деб ўйлагандим-да. Билсам, маҳалланинг тозиси экан.

— Мени ҳам кечир, Камалак,— деди Қўйсун чуқур нафас олиб.— Сенинг олдингда асосан мен айбдорман. Адашдим, тентак эканман, Чечакни ўйлабману, сени эса... Мени кечир.

Кабинетда ўтирганлар яна бир-икки оғиздан сўз қотишди:

— Инсофинг борми ўзи, Меливой, битта тўн учун шундай номаъқулчилик қилибсан-а?!. Битта тўн учун-а?!.

— Тўн учунмас, маҳалла шаънини ўйладим, «Ибрат» маҳалласига доғ тушмасин, дедим,— Меливой ака ҳамон баланд келишга интиларди.

Қўйсун қўлини қўксига қўйиб Бойзоқ отага деди:

— Мени кечиринг, ота, сизга кўп ташвиш келтирдим.— Кейин Камалакка акаларча меҳрибонлик билан қаради:— Сиз ҳам ўз бахтингизни топинг. Чечак билан бўладиган тўйимизга албатта келасиз, бирга бориб таклиф қиламиз, сиз билан аканингил бўламиз.

Уғлининг юракдан айтаётган сўзларидан таъсирланиб Робия опанинг кўзларида ёш ҳалқаланди...

Хуллас калом, Қўйсун севгани — Чечакка уйланди, тўйлари ҳам рисоладаги тўйлардан бўлганини юқорида айтиб ўтдик, ҳеч ким у-бу деб ғийбат қилгани ҳам йўқ. Ўрта ичида ~~маҳалла раиси — эскилик сарқитларидан~~ ҳали қутула олмаган Меливой аканинг юзи шувит бўлиб қолди.

Бу воқеа одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетдию, лекин доғи Бойзоқ ота билан Камалакнинг кўнглида қолди. Кўнгил шишаси бир марта синади-да.

Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ

ОТА МЕҲРИ

ҲИКОЯ

ШОНИЁЗ боя олган ўнта билетини ҳалигача ўтказолмади. Эрталаб уйидан чиққанда, икки-учта билетини қимматроқ сотиб, озроқ пулни Баҳодирдан яшириб қолмоқчи эди. Онаси касалхонада ётибди. Шу пулга олма-анор олиб бормоқчи эди. У аланглаб, харидор излади.

Кассахонага иккита йигит кириб, кассага ўтишди.

— Акалар, барибир кассадан билет ололмайсизлар,— деди Шониёз уларнинг ёнига бориб.— Қолмаган. Агар ҳозирги сеансга керак бўлса, мана, менда бор.

— Қанчадан сотяпсан?

— Икки сўмдан тўрт сўм бўлади.— Шониёз чаққонлик билан иккита билетни ажратиб, уларнинг қўлига тутди.

— Шошма, шошма,— деди улардан бири,— хоҳласанг, биз бир сўмдан икки сўм берамиз.

— Йўқ, бўлмайди,— деди Шониёз руҳи тушиб. Сўнгра ўгирилиб, бошқа харидор излади. Шунда ўзига ёмон тикилиб турган Баҳодирни кўрди.

Баҳодир доим шунақа. Ўзи билет сотмайди. Эшикнинг оғзида дружиначиларни пойлайди. Билетлар ҳам унда туради. Билетларни сотиб бўлгач, бир жойга йиғилишади, фойдани бўлишади. Бу ишларга Баҳодир бошчилик қилади. Унинг танишлари кўп, қўрқмайди. Ҳар сеансдан олдин кассирдан бир талай қилиб, билетларни кўтариб чиқадиган ҳам ўша. Фойдани бўлишаётганда Баҳодир бир қисмини кассир учун ажратади.

Шониёзнинг бу гуруҳга қўшилиши қизиқ бўлган. Отаси институтлардан бирида домла, студент қизлардан биттасини севиб қолган, энди онаси билан ажрашмоқчи, лекин эр-хотин уч-тўрт ойдан бери тортишиб юрган кунлар эди. Ўшанда отаси доим уйга ўкрайиб кириб келарди, онаси нима қиларини билмай қоларди. Баъзан онаси ҳиқиллаб йиғларди, отаси бўғиқ овозда бақирарди. «...Тушунсанг-чи, сен ҳам одамсан, мен ҳам одамман, ахир, одамларга ўхшаб яшашга ҳаққимиз борми, йўқми? Мен уни севаман, биласанми? Севаман! Усиз менга ҳаёт — ҳаёт эмас. Сен билан шунча вақт турмуш қурдик, энди яхшиликча ажрашайлик. Ахир, тушунадиган хотинсан-ку. Сен билан ортиқ яшай олмаслигимни яхши биласан-ку, нега мени қийнайсан? Севги менинг ҳаётимга анча кеч кириб келди, нега энди ўзи келган нарсадан юз ўгиришим керак?», дерди. Онаси эса баттар ўкириб йиғлар, отаси жаҳл устида чиқиб кетар, ҳафталаб уйга келмай қўяр, ҳар келганида яна жанжал бўлар эди.

«Менга қара,— дерди отаси,— уйни сенга қолдираман, алимент тўлайман, фақат мени ортиқ қийнама...» Одатдагидай, онаси яна йиғларди, отаси чиқиб кетарди. Бериги хонада кўзлари мўлтиллаб, ҳамма гапни эшитиб ўтирган Шониёз ва иккита синглиси нима қилишларини билмай, қараб тураверишарди.

Кейин отаси бутунлай келмай қўйди. Худди ўша пайтлари Шониёз кинотеатрдагилар билан танишди. Баҳодир берган билетларни қиммат баҳода сота бошлади. Бунинг нимаси ёмон? Ахир пул керак-ку. Онасига ёрдам берса яхшимасми? Ахир, оилада кимдир пул топиши керак. Шониёз эса бор-йўғи тўққизинчи синф ўқувчиси. Якшанба кунлари ишласа нима қилибди?

Якшанбаларнинг бирида Шониёз кассахонага отасининг ёшгина бир қизни етаклаб кирганини кўриб, қотиб қолди. Қиз гўзал ва жуда ёш эди. Отаси назокат билан қизни қўлтиқлаб олганича касса тарафга борарди. Шониёз шунақаям хафа бўлиб кетдики, отасини шунақаям ёмон кўриб кетдики! Онасига айтган «ўша кечикиб топган севгиси» шу экан-да! Шониёз отасига гезланди:

— Сизга билет керакми? Овора бўлманг, кассадан тополмайсиз, мана олинг,— Шониёз ёнидан иккита билет чиқариб, отасига тутди.

— Шониёз!— дея олди отаси нима қилаётганини тушунмаган ҳолда билетга қўл узатаркан.

— Шошманг, аввал пулини тўланг,— деди Шониёз қатъий, ҳатто дўқ билан. Кўзлари ўтдек ёниб, отасига қадаларди. Шониёз ичидан келаётган хуружни босиш учун атайлаб, қаттиқроқ гапирар эди. Қани энди, ҳозир отаси «ўғлим» дея бошини силаса, бир оғиз ширин сўз айтса!

Йўқ, ҳозир олдида бошқа одам турарди. Бу аввалги отаси эмас. Бутунлай бошқа одам. «Ўғлим», дея олмайди.

— Оласизми, йўқми? Бошқаларга ҳам сотишим керак,— деди Шониёз. Сўзлари дўқ билан айтилаётганига, нега ҳозир ҳўнграб йиғлаб юбориш ўрнига нуқул бақираётганига ўзи ҳам ҳайрон эди.

— С... сен... сен билет сотяпсанми?.. Нега?— деб сўради отаси дудуқланиб. Юзи оқариб кетган, кўзлари ҳайратли эди.

— Ишингиз бўлмасин,— деди Шониёз,— оласизми, йўқми?

— Қанчадан сотяпсиз?— деб сўради ёнидаги аёл эрининг хаёлидан кечаётган фикрларни англамай.

— Беш сўмдан иккитасини ўн сўмга сотаётгандим, сизлар ўн сўмдан йигирма сўм берасизлар. Хўпми?

— Иккита билетга-я! Ўйлаб - гапиряпсизми?— Қиз уддабуронлик билан савдолашмоқчи эди, Шониёз уни тўхтатди.

— Сизга ҳеч ким гапираётгани йўқ, жим туринг!— қайтадан отасига кўз тикди.— Оласизми, йўқми? Ёки пулингиз ширинми?

Отаси ҳамон бир нарса дейишга ожиз, карахт ҳолда бир даста ўн сўмликни чиқарганди, Шониёз орасидан иккитасини олдию, билетни тутқазиб, бошқа харидор излашга тушди. Қайтиб отаси ва ўгай онасига қарамади. Аммо улар яна анча вақт туришганини, хотини эрига алланималар деганини қалби билан сезиб турарди. Ниҳоят, улар чиқиб кетишди. Шониёз деворга беҳол суянди. Вужуди бутунлай бўшашиб, йиғлагиси келарди. Аммо куч билан ўзини тутди. Ўшанда отасини ҳам, ўша аёлни ҳам жуда ёмон кўрганди. Ҳалигача ҳеч кимни ҳеч қачон бунчалик ёмон кўрмаган.

— Шониёз, қанча билетинг қолди?

Баҳодирнинг овозини эшитиб, ҳушига келди у. «Ҳали бор», дедию, кассага ўн-ўн икки ёшли қизчани етаклаб кираётган кишининг орқасидан эргашди.

— Ака, сизга ҳозирги сеансга билет керакми? Кассадан тополмайсиз, овора бўлиб юрманг. Мана, иккита билетим қолди, олинг, икки сўмдан бераман...

У киши ўгирилиб қаради. Шониёзнинг гаплари оғзида қолди. Қизининг қўлидан ушлаб турган одам — Шониёзнинг синф раҳбари эди.

— Шониё-оз!— деди ўқитувчиси ҳайрат билан.— Сенмисан?

Шониёз кўзларини катта-катта очиб, ўқитувчисига тикилганча турарди.

— Билет сотяпсанми?— деб сўради ўқитувчиси, унинг қўлидаги даста билетга тикилиб,— яхши касб танлабсан, омон бўл, ўғлим.

Шониёз индамади. Ерга қаради. Қани энди иложи бўлсаю, қочиб чиқиб кетса! Кейин қочаверса, қочаверса, қочаверса. Ҳеч ким йўқ жойларгача, ҳеч кимни учратмайдиган жойларгача қочиб кетаверса! Кейин ҳеч қачон синф раҳбарини кўрмаса! Ҳеч қачон! У қочмоқчи бўлар, аммо ерга михлангандек қотиб турарди. Ўқитувчисининг саволларига жавоб беролмас, жавоб бермоқчи ҳам эмас эди. Нима ҳам дерди?

— Икки сўм дедингми?— Синф раҳбари чўнтагидан пул чиқариб, Шониёзга тутди. Кейин қўлидан иккита билет олди-да, чиқиб кетди. Шониёз анча вақтдан сўнггина бўлиб ўтган воқеани идрок этиб, даҳшатга тушди.

Шониёзга бугун бир нима бўлди. Қўлидаги билетларга қаради, синф раҳбари тутқизган тўрт сўм ҳам турибди. Энди ким деган одам бўлди? Нега шу ишга аралашиб қолди? Наҳотки, бу шармандаликдан воз кечиш мумкин эмас? Бари бир эртага шарманда бўлади. Ўқитувчиси ҳеч бўлмаганда синф болаларига айтади. Гап эшитиб, синфда қандай чидаб тура олади? Айниқса, Вазиранинг гапини эшитишни сира-сира истамасди. Вазира у билан бир синфда ўқийди. Жуда яхши, мулойим қиз. Шониёз уни... яхши кўради. Қиз у ҳақда яхши фикрда бўлишини истайди. Жуда-жуда истайди. Вазира туфайли ҳатто кейинги пайтларда яхши ўқувчилар қаторидан ўрин олди. Билади, Вазира ҳам уни... яхши кўради. Аммо энди... энди нима бўлади? Вазира ундан юз ўгирадими? Шундай яхши қиз-а? Йўқ, Шониёз бунга йўл қўя олмайди, қўймайди! Нима бўлса бўлсин, лекин сира ҳам қизнинг ўзи ҳақидаги фикри ўзгаришини истамайди. Истамайди! Ҳозир ишларининг барини йиғиштирадию, кетади. Кейин ҳеч қачон билет сотмайди. Ҳеч қачон!

Бу тўғрида у илгарилари ҳам ўйлаган, аммо бир қарорга келолмаган эди. Мана энди фикри қатъий. Шашт билан ҳамма чўнтакларидаги билетга тушган пулларни тўплай бошлади. Ҳозир Баҳодирнинг қўлига топширадию, шу билан тамом. Керак бўлса, синф раҳбарига ҳам, Вазирага ҳам бўлган гапни, бошқа бу иш билан шуғулланмаслигини айтади. Шониёз Баҳодирга қаради. У бир дўсти билан гаплашиб турарди. Қўлидаги пулга қаради. Шундан ўч сўмгинасини олиш керак. Уч сўмгинасини! Онасига олма олиб бориш учун. Шониёз кўзлари ола-кула бўлиб, пулдан уч сўмни ажратиб олди. Пул тутган қўли титраётганини сезди, кейин бутун вужуди қалтиради, аммо, негадир, қўли иродасига бўйсунмаяпти. Пулни шериклари кўриб қолмаслиги учун ғижимлади. Бирдан Шониёз ҳолсизланиб қолди. Нега ўзини қийнаяпти? Уч сўмга шунчалар зорми? Яхшиси, ҳамма пулни топширадию, чиқади-кетади. У дадиллашиб, қўлини кўтарди. Баҳодир томон бир-икки қадам ташлади, аммо у дўсти билан суҳбатлашиб, четга чиқиб кетиб қолди. Бу, менга ҳалақит берманглар, зарур иш билан бандман, дегани эди. Шониёз яна кутиб туриб қолди. Ҳамма пулни беради, бироқ меҳнат қилди-ку! Мана, йигирма сўмлик билет сотди. Нега ўз ҳақини олмаслиги керак экан? Агар ҳамма пулни ҳозир тутқазадиган бўлса, Баҳодир бир тийин бермайди. Яхшиси, шу уч сўмни яшириб қолдирса-чи?

Шониёз уч сўмликни бадтар ғижимлади. Шерикларига қараб, чўнтагига соламан деб ўйлаганди, пул ерга тушиб кетди. Шониёз терга ботди. Фикрлари алғов-далғов бўлиб, мияси ғувиллай бошлади.

Пулни олиш учун эгилди, шимининг почаси кўтарилиб, пайпоғи кўринди. Шониёз пулни пайпоғига тиқдию, тезлик билан ўрнидан турди. Шериклари эътибор бермаганини билиб, бирдан руҳи енгиллашгандек бўлди. Аммо яна кўнглини норозилик кемира бошлади. Нега бунчалар пасткашликка боряпти? Нега уч сўм пул деб бунчалар қийналяпти? Нима учун бу тўдага аралашиб юрибди? Вазирага нима дейди?

Дўсти билан гаплашиб бўлди, шекилли, Баҳодир қайтиб келди. Унинг башарасига қараб туриб, яна Шониёзнинг ғазаби қўзий бошлади. Шунга қарам бўлиб юрибди-я! Шундан қўрқиб юрибди-я! Наҳотки, шулардан биратўла юз ўгириб кетолмайди? Бўлди! Етарли!

Шониёз шашт билан борди-да, пулни Баҳодирнинг қўлига отиб, йўлга кетаверди. Баҳодир буни кутмагани учун қўлини чўзмаганди, пуллар ерга сочилиб кетди.

Шониёз орқасига қарамасди, тобора жаҳл билан илдам кетиб борарди. Аввалига орқасидан шитоб билан келаётган қадам товушларини, кейин ёнгинасидан Баҳодирнинг: «Шониёз! Қаёққа? Тўхта!», деган таҳдидли товушини эшитди. Шониёз: «Қоч! Ишларингиз бўлмасин! Кетаман!», деганча, қўлини орқасига қаттиқ силкиди. Шунда ўзи билмаган ва хоҳламаган ҳолда Баҳодирнинг оғзи-бурни аралаш уриб юборди.

— Аҳмоқ,— дея Баҳодир Шониёзнинг билагидан ушлаб тўхтатдию, ўзини қайтариб урди.

Шониёз йиқилди, аммо ўрнидан қайтиб турди-да, «ўзларинг аҳмоқсизлар», деб яна кетаётганди, орқасига тушган тепкидан юз тубан йиқилди. Ўгирилиб, тепасида безбетларча тиржайиб турган Баҳодирни кўрди. «Аблаҳ экансан», деди секин, аммо нафрат билан, бурнидан келаётган қонни қўли билан артиб. Кейин бамайлихотир туриб гўё ёнида ҳеч ким йўқдай, Баҳодирга заррача эътибор бермай, йўлида давом этди.

Сал ўтмай, энди қайта билет сотмаслигини ўйлаб, кўнгли ёришди. Оғриқ ҳозиргина калтак еганини эслатиб турса-да, таъби равшан тортиб борар эди.

Шониёз бозорга яқинлашганда, руҳи яна оғирлашди. Эгилиб, пайпоғи ичидаги уч сўмликни олди. Боя ҳеч қайсиси сезмай қолди, лекин энди қўлидаги уч сўм уни яна қийнай бошлади. Ахир, бу — ўғирлик пулга онасига нарса олиб борадими? Йўл бўйи шу савол қийнади. Аммо онасига ҳўл мева жуда керак эди. Шониёз ҳардамхаёл бўлиб, тўхтаб қолди.

Жиззах

Фан фаразлари

ЕРДА МАРС «СОВҒА»СИ БОРМИ?

Эҳтимол, геологлар бу саволга ижобий жавоб берарлар ва ҳеч иккиланмай Марснинг жинс бўлакларини кўрсатарлар. Ҳозир гап геологлар йиғган жинслар орасида сақланаётган—шерготтита ва нахлита деб аталувчи иккита ноёб материаллар жинси ҳақида бораётир. Бу жинслар улкан астроидларнинг (Марс билан Юпитер оралиғидаги кичик планеталар) Марс планетасига урилиши натижасида фазо кенглигига улоқтириб юборилган Марс юзасининг парчалари деган тахмин бор.

«Осмон элчилари»нинг Ердаги жинслардан фарқ қилувчи хусусияти шундаки, улар нисбатан яқинда қотган. Қарийб ҳамма метеоритларнинг кристаллашиш ёши 4,5—4,6 миллиард йил ҳисобланади. Шерготтита ва нахлита эса бундан мустасно. Шерготтита (вужуд группаси бўйича берилган ном) метеорити ҳаммаси бўлиб 620 миллион йил муқаддам кристаллашган. Унинг ёшини ўлчаш шуни кўрсатдики, «она» самовий вужуддан атиги 200 миллион йил бурун узилган. Бу метеоритнинг кучли даражада зарб тўлқинига дучор бўлганлиги ҳам маълум. У аввал лава оқимининг бир қисми бўлган, кейин зарб натижасида узилиб кетган: улкан метеоритнинг кейинги зарби уни фазовий бўшлиққа улоқтириб юборган.



Эҳтимол, Марсдаги энг катта мана бу Олимп вулкани баъзи бир метеоритларнинг илк манбаи бўлгандир.

Бирмунча эҳтимол тутилган «она» вужуд ҳозирча Марс деб тахмин қилинмоқда. Чунки бу планетадаги вулканларнинг активлиги нисбатан яқинда — бундан 200 миллион йил муқаддам юз берган. Планетанинг тортиш кучини енгиш учун ернинг ярмидан кичик Марс учун иккинчи фазовий тезлик лозим. Марс атмосфераси эса жуда ҳам сийрак. Шу боисдан катта зарб туфайли унинг жинслари ундан узилиб кетолган. Фараз қилинишича, улкан метеоритнинг зарбаси Марс қатламида «музлатилган» сувни буғлантириб юбориши мумкин. Кучли буғнинг отилиши эса қаттиқ бўлакларнинг фазовий кенгликка учиб чиқиши учун имконият яратган.

(«За рубежом»дан)

ИЛОНЛАР ФЕРМАСИДА

Кандидатлик диссертациясини Совет Иттифоқида ёқлаган вьетнамлик биолог Чан Кьен Вьетнам фармацевтика саноати эҳтиёжлари учун илонларни урчитиш ишларига раҳбарлик қилмоқда. Унинг мазкур мақоласи Вьетнам социалистик республикасида чиқадиган «Хоа хок ва дой Сонг» («Фан ва турмуш») газетасида эълон қилинган. Биз, шу мақола билан журналхонларни таништирмоқчимиз.

Вьетнамнинг бой тропик ҳайвонлар дунёсида заҳарли илонларнинг бир қанча турлари мавжуд. Улар мамлакатнинг марказий қисми ва текисликларида, айниқса, кўпдир. Вьетнам халқ тиббиётида илондан фойдаланиш тарихи жуда узоқ. Шунинг учун ҳам илон овлаш касби шимолий Вьетнамда анъанага айланган ва авлоддан авлодга ўтиб келяпти. Бир қатор илон турлари гўштидаги мавжуд спирт дорися бод, бел ва бўғин оғриқларини даволашнинг синалган воситасидир. Илон заҳри ҳам шубҳасиз тиббиётда ишлатилиб келинмоқда.

Аммо табиат фармацевтика дори-дармонларининг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қила олмайди. Илон турлари сони кейинги йилларда сезиларли даражада камайиб кетди. Айниқса, ная-ная деб номланувчи кўзойнакли илон турларининг йўқолиб бораётганлиги ташвишли ҳолдир. Шу сабабли Вьетнам социалистик республикаси Соғлиқни сақлаш министрлиги кўзойнакли илонларни махсус шароитда урчитиш юзасидан таклиф киритди. 1977 йилдан буён 5 та шундай урчитиш майдони ташкил этилди. Хашонбин вилоятида маҳаллий фармацевтика корхонаси юз квадрат метрли илонхона зонаси барпо этди. Бу ерда илонларни урчитишнинг янги усуллари синовдан ўтказилди ва кўнгилдагидек натижаларга эришилди. Дананг вилоятидаги парвариш майдонининг ҳажми 550, Куенгда зонаси эса 1000 квадрат-метрдан ортиқдир. Бундан ташқари Виньфу вилоятидаги Виньшон қишлоғидаги ҳарбий медицина институти ҳузурида кўзойнакли илонларни урчитиш майдони ташкил этилган. Шу қишлоқда илон болаларини парвариш қилиш ҳам йўлга қўйилган. Умумий майдони 3850 квадрат-метр (бу Вьетнамдаги энг катта илон фермасидир)га тенг махсус бинода мамлакатдаги барча зоналар учун ёш кўзойнакли илонлар урчитилмоқда.

Кўзойнакли илонларнинг яшаш тарзини ўрганиш бўйича бундай улкан амалий ишларга 1960 йилдан бошлаб киришилди. Айни пайтда ҳам кўзойнакли илонларни парвариш этиш изчил давом эттирилаётган тадқиқотлар асосида олиб бориляпти. Бу тажриба мазкур илонларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш ва улар учун Вьетнам табиатига энг яқин шароит яратиш имконини бермоқда.

Кўпчилик кўзойнакли илонлар кемирувчилар оиласига мансуб ҳайвонлар ва қирчумолиларнинг уяларида, ташландиқ чордевороларда яшашади. Улар ноябрь ойи охирларидан то март ойи сўнгигача чуқур уяларда, тиғиз бутазорлар ва ғовакли катта тўнкалар орасида қишлайдилар. Битта уяда одатда 5 та, баъзи ҳолларда 24 тагача илон бўлиши мумкин.

Илонлар асосан ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган судралиб юрувчи ҳайвонлар билан, кам миқдорда балиқ ва илонлар билан озиқланади. Ов миқдори кўзойнакли илонларнинг ёшига боғлиқ. Урчиш даври март ўрталарида бошланиб, май охиригача давом этади. Июнь ойида она илон тухум қўяди, 2—3 ойдан кейин илон болалари тухумни ёриб чиқади. Тухумдан чиққан пайтида илоннинг узунлиги 25 сантиметрга тенг бўлади. Кўзойнакли илон йил давомида 3—5 марта пўст ташлайди. Биринчи қишловга қадар илоннинг узунлиги 40 сантиметрга етади, 4 қишловга келиб бир метрдан ошиб кетади.

Шуни айтиш керакки, урчитиш зоналарида ранг-баранг микроиқлим ҳосил қилинмоқда. Озуқа сифатида чўл бақасидан фойдаланиляпти. Гарчи илонлар табиат қўйнида чўлбақа билан кам озиқлансалар ҳам, текширишлар махсус шароитда бу озуқанинг жуда қулай эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам чўлбақалар ёрдамчи фермалар ва зоналарнинг ўзида урчитилмоқда. Бу олинаётган маҳсулот турларини янада кенгайтириш имконини берди. Эндиликда чўлбақада ҳосил бўлувчи заҳар моддаси ҳам кўзойнакли илонлардан олиняпти ва асосан четга чиқариляпти. Бундан ташқари шарқ тиббиёти учун қимматли маҳсулот — қуритилган чўлбақа гўшти тайёрланяпти.

Илонларни сунъий овқатлар билан боқиш муҳим масаладир. Бу борада ҳам бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Негаки, кўзойнакли илон тирик ҳайвонларни овлайди. Шунга қарамай кўзойнакли илонлар жонсиз овқатлар билан озиқланишга ўргатиляпти. Бу тадбир бора-бора тирик ҳайвонларни тутиш ва кўпайтириш билан боғлиқ оворагарчиликка барҳам бериши шубҳасиздир. Бундан ташқари сунъий овқат таркибини назорат қилиш осонлашади. Шунингдек, илонларни шу тарзда боқиш уларнинг янада яхши ривожланишлари учун керак бўлган моддаларни зарур миқдорда овқатга қўшиш имкониятини яратади.

Заҳар олиш мақсадида оғули илонларни урчитиш ўзининг юз йиллик тарихига эга. Ҳозир планетамиздаги 23 мамлакатда илонлар сунъий парвариш қилинмоқда. Лекин Вьетнамдан бошқа ҳали ҳеч қаерда кўзойнакли илонни сунъий шароитда урчитишга муваффақ бўлингани йўқ. Биз бунга кўзойнакли илонларнинг биологик хусусиятларини чуқур ўрганиш, тухум қўйиш ва очиш учун энг қулай шароитларни яратиш орқали эришяпмиз. Масалан, Виньшондаги урчитиш зонасида қўйилган тухумларнинг 90—95 фоизидан насл олиняпти.

1980 йилда янги ва қизиқарли тажрибага қўл урилди: Виньшон кооперативига кирувчи бир қанча деҳқонлар кўзойнакли илонларни ўз ёрдамчи хўжаликларида урчитишга аҳд қилдилар. Қишлоқ аҳолиси болалигидан илонларни тутиб ўрганганликлари учун ундан тариқча чўчимайдилар. Бинобарин, бу ғалати уй ҳайвонларини кўпайтириш давлатга ҳам, деҳқонга ҳам фойдалидир.

Чан КЬЕН,
Вьетнам, Ханой педагогика институтининг биология факультети декани.

ЧЎЛ БУРГУТЛАРИ

Элистадан кейин бирданига тептекис чўл бошланади. Атрофда на бир туп дарахт, на бирорта бута кўринади. Фақат электр узатувчи линия чўл кенглигини кесиб ўтиб, уфқ ортига чўзилиб кетган. Баъзи бир ердаги симёғочларда йирик-йирик малларанг қушлар кўзга ташланади. Улар бизнинг машинамиздан ҳайиқмайдилар. Аксинча қушлар биз

тарафга эътиборсиз, сокин нигоҳ ташлайдилар. Дарҳақиқат, бу жойларнинг эгаси ана шу қушлар — чўл бургутлари-да! Шунинг учун чўл бургутларининг биз билан ҳеч бир иши йўқ эди.

Бир симёғоч тиргагида, жуда пастда, ердан тахминан икки метрча юқорида катта бир уя бор эди. Уяда ётган бургутнинг тумшуғини кўриш мумкин эди. Уя йўғон таёқлардан ва шох-шаббадан ясалганди. Уларни бургутлар қаердан келтирганлари уларнинг ўзларига маълум, албатта. Зеро, бу қудратли қушларнинг қурилиш материалларини излаб, ўнлаб километрга учиб боришгани эҳтимолдан холи эмас.

Ҳали унча узоқ бўлмаган даврда, яъни асримиз бошларида чўл бургутлари оддий қушлардан ҳисобланардилар. Энди, афсуски, улар СССР Қизил китобининг таҳликали варақаларидан жой олдилар. Уларнинг ёввойи ҳолда яшаётганлари кескин камайди. Бу қушларнинг сони ҳам саноқли даражага тушиб қолди.

Қалмоқ чўлида мен сайғоқ жасадлари устида турган улкан бургутларни жуда кўп кўрганман. Улар ўлган жониворларни ҳам иштаҳа билан ейишаверади. Бургутлар чўлда санитарлик вазифасини ҳам ўтайдилар. Бир гал қандайдир кутилмаган ов саҳнасини кўришга муваффақ бўлдим. Бургут ҳозиргина туғилган сайғоқ боласини олишга уринарди. Бир неча сайғоқ эса унга ташланарди. Навбатдаги муваффақиятсиз ҳамладан кейин йиртқич қуш ортига қайтди ва бошқа томон учиб кетди.

Яна бир куни бизнинг машинамиз чўл баҳодирнинг уясидан роппароса уч қадам берида тўхтади. Уя ерга қурилган эди. Она бургут бир ёнга сакради, сўнгра қанотларини ёзиб парвоз этди.

Биз бургут инини кузата бошладик. Унда кичкина-кичкина иккита оппоқ полопон бор эди. Улар чийиллашар, оёқда туришга интилишарди. Бироқ ҳали бунинг уддасидан чиқолмас эди улар. Лекин уянинг ўзи бизни ҳайратга солди. Уя кўпроқ қўйлар дам оладиган қўтонни эсга солар эди: ўрта бўм-бўш, уянинг четига хилма-хил ва ғалати нарсалар териб қўйилган. У ерда отилган патронлар ҳам, эски от югани ҳам, қўй жунининг тутами ҳам, чоғроқ таёқ ҳам, чўл тулкисининг бош суяги ҳам мавжуд эди. Эҳтимол, бир пайтлар ана шу тулки уя соҳибининг омадли ови бўлгандир ва унинг ин қуришига яраб қолгандир... Хуллас, уя қуришда бургутларнинг кўзларига нимаики нарса кўринса ва кўтариб келишга уларнинг қуввати етса — ҳаммасини олиб келаверишган эди. Ахир, шундай тақир чўлда қурилиш материалларини топиш амри маҳол-да!

Борса-келмас оролида биз бир неча шинам уяга дуч келдик. У саксовул таёқларидан қурилган эди ва ичида сайғоқ терисининг парчалари ётарди. Ўртасида эса битта тухум оқариб турарди. Эҳтимол, тухум қўйиш ҳали тугамагандир. Чунки чўл бургутининг уясида одатда май охирида ва июнь бошларида иккита насл пайдо бўлади.

Бу кезларда ота-она бургутларнинг иши кўпаяди. Полопонлар овқат талаб қилади. Тонгдан то тонгга қадар овқат қидириб учишга тўғри келади, мовий ёз осмонида узоқ вақт учиб, юмронқозиқлар тўдасига сездирмай ташланади.

Мамлакатимизда етти хил бургут яшайди. Чўл бургутидан бошқа уларнинг ҳамма турлари ўзини одамлардан йироққа олиб қочади. Чўл баҳодири одамлардан яширинмайди. Ҳатто баъзан уларга жуда ҳам яқин бориши мумкин. Мен бир марта бу қушларни яширинмасдан суратга олдим. Қўниб турган бургутни кўриб қолиб, аппаратни қўлда тутган ҳолда у томон юрдим. Яқинлашганим сари аппаратда унинг тасвири йириклашарди. Лекин бургутлар асабининг ҳам чегараси борда! Ўртадаги оралиқ йигирма метрча қолганда бургут истамайгина, қанотларини ерга бир тегизиб, оҳиста ҳавога кўтарилиб кетди.

Бургутларнинг ўз инларини пичанлар уюмидан ясаган ҳоллар ҳам учраб туради.

Чўл бургути Украина ва Молдавиянинг жануби-ғарбий Европа қисмида аллақачон йўқолиб кетган. Агар битта-яримта адашиб учиб борганларини ҳисобга олмасак, Россия Европасининг шимолий чўлларида ҳам бу қушлар йўқ ҳисоб. Зотан бу паррандаларни илгари ҳатто Красноярскда, Минусин шаҳри атрофларида, Иркутскда ҳам кўришганлар. Ҳозир чўл бургутлари Ростов, Волгоград, Астрахань областларида, Доғистонда, Ставрополда, Жанубий Сибирда, Олтой томонларда, Қозоғистон ва яна айрим жойларда саноқли уялар қуриб яшашни давом эттирмоқдалар.

Чўл бургутлари бундан кейин ҳам саҳроларимиз кўрки бўладими ёки йўқми — бу фақат одамларнинг ўзига боғлиқ.

И. КОНСТАНТИНОВ

СИНДИБОД БАҲРИЙ ИЗИДАН

Ўтган юз йилликда океанда бунақа воқеа содир бўлмаган эди. Рўпарадан бораётган кеманинг штурмани ўз кўзларига ишонмагандек киприкларини дастрўмоли билан қайта-қайта артади, туш кўраётганмикинман, дея пичирлаб қўяди. Ҳақиқатан, у кўрган кўзни ҳайратга соладиган манзаранинг гувоҳи бўлаётган эди: уч бурчакли елканлар ўрнатилган қадимий кема рўпарадан келаётибди. Кеманинг пешанасидаги «Сохар» деган ёзув ялтираб кўринади. Елканли кема муссон шамоли кўмагида тез ва равон сузганича Малак бўғозидан сузиб ўтиб, Сингапурга кириб борди. Кўрфазда тўпланиб турганлар ўзларини денгиз саёҳатчиси Синдибод замонасига кириб қолгандек ҳис этдилар.

VIII асрда денгиз орқали дастлаб Хитойга етиб олган ва яна ўз юртига эсон-омон қайтиб келган таниқли араб денгиз саёҳатчиси Абу Абейда эди. Бу сафари туфайли у Жанубий Хитой билан Форс қўлтиғи оралиғида мунтазам савдо ишлари олиб боришга асос солди. Бундай саёҳат салкам уч йилга чўзиларди. Мазкур маршрут кўп вақтларгача Узоқ ва Яқин Шарқни бир-бирига боғлайдиган иккинчи «ипак йўли» бўлиб қолди. «Минг бир кеча» китобидаги денгиз саёҳатчиси Синдибод Баҳрий ўзининг етти саёҳатини худди ана шу маршрут орқали амалга оширган эди.

Таниқли ёзувчи — саргузашт романларнинг муаллифи, географ, тадқиқотчи Тим Северин ҳам Синдибод Баҳрий изидан денгизда сузишга аҳд қилди. Бунинг учун у қадимий кемалар конструкциясига оид расмлар ва уларни тушунишга ёрдам берадиган кўпгина кўҳна қўлёзмаларни ўрганди. «Сохар»ни қуриш ғояси Арабистон ярим оролининг жанубий чеккасида жойлашган Уммон султонлигида рўёбга чиқарилди. Ўрта асрларда яшаб ўтган савдогарлар кемалар қурдириш учун ўз даврида худди шу ердаги дурадгорлар ҳунаридан фойдаланганлар. Маҳаллий балиқчилар ҳозир ҳам бу ерда қадимий чизмалар бўйича ясалган кемаларда денгизга чиқадилар.

Елканли кема қуриш учун Северининг дастлаб Ҳиндистонга — мамлакат жануби-ғарбида жойлашган Керала штатига сафар қилишига тўғри келди. У ерда Северин ёлланган ишчилар кемага ишлатиладиган дарахтларни қўл арралар билан кесдилар ва филларга ортиб, чангалзордан чиқариб бердилар. Сўнгра пўстлоғи шилинган улкан ёғочлар Уммоннинг Маскат портига жўнатилди. «Сохар» елканли кемаси Северининг уммонлик денгизчилар ва бир неча европалик олимлардан иборат экипажи билан ўтган йилнинг ноябрь ойида Маскат портидан йўлга чиқди. Кеманинг белгиланган маршрути эртакдаги машҳур Синдибоднинг саёҳат йўлига тўғри келар эди. Яъни «Сохар» Ҳиндистон, Шри Ланка, Никобар ороллари ва Суматра орқали ўтиб, энг сўнгида Сицзен дарёси қуйилишидаги Гуанчжоу шаҳрига кириши лозим эди.



Саёҳатчилар денгизларда сузиш давомида ўз йўлларини қадимий анъанавий усуллар билан аниқлаб бордилар. Яъни уфқда кўринадиган юлдузларнинг баландлиги қўл чўзса етадиган масофага қўйилган тахтачадаги туйнук орқали ўлчанди.

Мазкур саёҳатнинг мақсади яқин шарқлик қадимги савдогарларнинг денгиз орқали Шарқий Осиё қирғоқларига етиб боришларини исботлашдан иборатдир. Арабларнинг елканли кемалари ҳақида маълумотларни тарихий ҳужжатларда ҳам тез-тез учратиш мумкин.

(«За рубежом»дан)

Болаларга ўқиб беринг

Саодат ТОЖИ

Каклик

Акам тоғдан бир куни
Каклик тутиб келтирди.
Сайратаман деб уни,
Дон, сув тариқ, ўт берди.
Лекин каклик сайрамас,
Боқмайди сув ва донга.
Жовдиратиб кўзини
Боқади мен томонга.
Қафас ичра ноилож
Қуш бечора туради.
Чиқиб кетишга илож —
Тополмай у юради.
Раҳмим келиб мен қушга
Қўйиб юбордим уни!
Акам кетган ўқишга,
Аммо билмади буни.
Учиб кетди тоғ томон,
Какликларнинг қошига.
Кузатиб қолдим шодон,
Боқиб тоғлар бошига.

Жиблажибон

Жиблажибон қуш кўрдим,
Сайрашини хуш кўрдим.
Ўхшар экан чумчуққа,
Овози соз қўшиққа.
Мени кўриб сайради,
Тинглаб кўнглим яйради.
Бу қушнинг тарихини,
Ажойиб таърифини,
Сўзлаб берганди акам,
Жиблажибон чинакам,
Табиатга керак қуш,
Фойдали ва зийрак қуш.
Пашша, чивинга қирон —
Келтирар жиблажибон.
Яйра, жиблажибон,
Сайра, жиблажибон.

Қушлар ичра пеш кўрдим,
Сайрашингни хуш кўрдим.
Жиблажибон сайради,
Тинглаб, кўнглим яйради.

Чарлоқ

Айтиб берсам мен сизга,
Саёҳат ҳам хўп соз-да.
Каникулда денгизга
Борган эдим мен ёзда.
Бир раққоса қуш кўрдим,
Чарлоқ дейди отини.
Тўлқинларга тўш урган,
Кўринг маҳоратини.
Ҳеч қандай йўқ хавф-хатар,
Денгиз суви чайқалар.
Тўп-тўп бўлишиб қатор,
Рақс тушар чарлоқлар.
Қойил қолдим бу қушга,
Кўриб сувда рақсини.
Олиб қайтдим ўқишга,
Тушириб кўп расмини.
Ўртоқларим кўришиб,
Ҳаваслари порлади.
Каникулда денгизга
Саёҳатга чорлади.

Қашқадарё

ПЕНСИОНЕР ИШЛАШНИ ДАВОМ ЭТТИРСА...

Совет меҳнаткашлари қалбларида ҳали меҳнат иштиёқи сўнмаган бир пайтда: эркаклар —60, аёллар —55 ёшда қарилик пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ер ости ва иссиқ цехларда ишловчилар эса, бундан 5—10 йил илгари пенсияга чиқадилар. Бешта ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган оналар учун ёш ва иш стажи юзасидан бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Шу сабабли пенсияга чиқувчиларнинг ҳар учтасидан бири ишлашни давом эттираётганлиги табиий ҳолдир. Бинобарин журналхонларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, ушбу мақолада меҳнат ветеранларининг иш шароитлари, иш вақти тартиблари ва уларни моддий рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

1980 йилдан бошлаб ишлаш жараёнида тайинланган пенсиянинг 50, 75 ва 100 фоизини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар доираси анча кенгайтирилди.

Кўмир ва металлургия саноатининг ер ости ишларида банд бўлган ишчилар, иссиқ цехларда ишлаётганларнинг баъзи категориялари, бир календарь йил давомида вақтинча ишчи ёки хизматчи сифатида 2 ойдан ортиқ ишламаган барча пенсионерлар, ёши ва иш ҳақи миқдоридан қатъи назар, 100 фоиз ҳажмда қарилик пенсиясини олишлари мумкин.

Барча ишчилар, хизмат кўрсатувчи кичик ходимлар ва иш усталари, жумладан, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарининг усталари; қурилиш-монтаж, қурилиш-ремонт ишларида банд бўлган прораблар; темир йўл транспорти эксплуатация корхоналари ва ташкилотларнинг бир қанча инженер-техник ходимлари, иш жойидан қатъи назар, иш ҳақи ва пенсияси ойига 300 сўмдан ошмаса, қарилик пенсиясини 100 фоиз миқдорида олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларининг барча кичик ва ўрта медицина ходимлари, даволаш-эмлаш муассасаларининг врачлари, қишлоқ жойларидаги умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ходимлари, (бошқарув аппарати ва инженер-ходимлар бундан истисно), алоқа тармоқларининг оммавий мутахассислигидаги ходимлар, умумий овқатланиш ва савдо ходимлари ҳамда бошқа ходимларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Пенсия олаётган бошқа барча ишчи ва хизматчиларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади. Лекин бунда пенсия ва иш ҳақининг умумий суммаси ойига 150 сўмдан ошиб кетмаслиги керак. Бу имтиёз, асосан юқори бўлмаган миқдорда иш ҳақи олаётган, шунингдек тўлиқсиз иш кунида ишлаётган пенсионерлар учун белгиланган.

Тўлиқсиз иш вақти (тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси) шароитларида ишлаётган пенсионерлар тўлиқ иш вақти (ҳафтаси)да ишлаётган ишчи ва хизматчилар учун белгиланган барча имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнатдаги юксак муваффақиятлари учун улар мазкур корхона, ташкилот ва муассасада ишлаётган ишчи ва хизматчилар қаторн пул мукофоти, санаторий, дам олиш уйлари ва пансионат йўлланмалари билан тақдирланадилар. Шунингдек, социал-маиший хизмат кўрсатиш, уй шароитини яхшилаш юзасидан белгиланган имтиёзлардан ҳам тўлиқ фойдаланадилар.

Қарилик пенсияси олаётган ва ишлаётган пенсионерларга навбатдаги меҳнат отпускаси тўлиқсиз иш вақти шароитида ҳам бошқа ишчи ва хизматчиларга белгиланган тартибда берилади. Бундан ташқари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва моддий-ишлаб чиқариш соҳаларидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари касаба союз комитетлари ҳамкорлигида пенсионерлар истагига кўра уларнинг ўз ҳисобидан 2 ойгача қўшимча отпуска беришлари мумкин.

Пенсионерларнинг тўлиқсиз иш кунидаги ёки тўлиқсиз иш ҳафтасидаги иш вақти умум ва узлуксиз иш стажига тўлиқ иш куни (ҳафтаси)да банд бўлган ишчи ва хизматчиларга белгиланган тартибда қўшилади.

Халқ хўжалигида пенсионерлар ишини моддий рағбатлантириш тадбирларидан яна бири пенсияга чиққандан кейинги меҳнат фаолияти учун қарилик пенсиясига устама қўшиб беришдир.

Устама пул пенсия ёшига етгандан сўнгги ҳар иш йили учун ойига 10 сўм миқдорда белгиланади. Бу имтиёздан ишчилар, хизмат кўрсатувчи кичик ходимлар, иш усталари (ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарининг катта, сменали ишлаётган назоратчи иш усталари) ёки давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича иш усталари ҳамда бригадирлари фойдаланадилар.

Қарилик пенсиясигача бўлган иш тури пенсияга устама қўшишда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шуни айтиш керакки, устама пулнинг жами миқдори ойига 40 сўмдан, устама пул билан пенсиянинг миқдори эса ойига 150 сўмдан ошиб кетмаслиги лозим.

Устама пул пенсионерлар ишни тўхтатгандан сўнг тўланади. Бинобарин, ишлаётган пенсионерларга иш чоғида пенсия олиш ёки пенсия олмай — ишни давом эттириб, пенсияни устама пул ҳисобига орттириш ҳуқуқига эга бўлишдан бирини танлаш имконияти берилади. Бунинг учун улар ташкилот, корхона ва муассаса маъмуриятига устама ҳуқуқини берувчи шартлар асосида ишлашга рози эканлиги тўғрисида ариза бериши лозим. Буни қарилик пенсияси тайинлаш ҳақидаги ариза билан бирга топшириш ҳам мумкин. Шу билан бирга иш даврида юқори иш ҳақи олаётганлиги сабабли пенсия тўланмаётган шахслар ҳам устама олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Масалан, катта иш устаси бўлиб ишлаётган пенсионернинг қарилик пенсияси ва иш ҳақи қўшиб ҳисобланганда 300 дан ошмаса, унга пенсия тўлиқ тўланади. Шундай қилиб, у 300 сўм ва ундан ортиқ иш ҳақи олиб ишласа, пенсия берилмайди. Аммо иш устаси пенсияни иш даврида олмаслик ҳақида ариза берса, тўлиқ ҳар календарь йилидаги иш учун 10 сўмдан устама олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Пенсия ёшига етгандан сўнгги иш учун бериладиган устама пенсионер ишни тўхтатгандан сўнг тайинланади ва тўланади. (Пенсияга устама қўшиш тартиблари «СССР Давлат меҳнат комитети бюллетени»нинг 1980 йил 2-сонида батафсил ёритилган).

Қарилик пенсиясига қўшиладиган яна бир устама хусусида.

Ҳозирги пайтда 15 йилдан ортиқ узлуксиз ёки пенсия тайинлаш учун талаб қилинганидан 10 йил ортиқ умумий иш стажига эга ишчи ва хизматчиларга пенсиянинг 10 фоизи миқдорида устама қўшилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1979 йил 13 декабрдаги қарори («Правда» газетаси, 1980 йил, 12 январь)га мувофиқ юқоридаги устама пенсиянинг 20 фоизигача оширилади. Бир корхона, ташкилот, муассасада 25 (болали оналар —20) йилдан кам бўлмаган иш стажига, айни пайтда умумий иш стажи учун қўшимча олиш ҳуқуқига эга ишчи ва хизматчиларга 1983 йилнинг 1 январидан устама ана шу миқдорда берилади. Бунда пенсиянинг белгиланган максимал миқдорига 10 фоиз миқдорида устама қўшилади.

Масалан, умумий асосларда қарилик пенсияси олиш учун ишчи (эркак) 25 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим. Бундай ҳолда меҳнаткаш бир корхонада 25 йилдан кам ишламаган бўлса, шунингдек умумий иш стажи 35 йилни ташкил этса пенсиянинг 20 фоизи миқдорида устама қўшилади.

Агар пенсиянинг максимал миқдори 120 сўмдан иборат бўлса, пенсия устама билан 132 сўмга етиши мумкин.

Яна шуни айтиш керакки, устама фақат 1983 йил 1 январдан тайинланадиган пенсияларгагина эмас, балки илгари тайинланган пенсияларга ҳам қўшилади. Аммо ҳар икки ҳолда ҳам пенсияга устама қўшилаётган ишчи ёки хизматчи 1983 йил 1 январга келиб ва ундан кейинги вақтда ишлаётган бўлиши лозим.

У ёки бу сабабга кўра пенсия тўлаш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлганида уларни ҳал этиш юзасидан ишчи ёки хизматчи касаба союз органлари ёки ишхона маъмуриятига мурожаат этиши зарур.

А. ГЛАЗУНОВ
юрист.

ШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ КЎРКАМЛИГИ УЧУН

Эстетика фани инсониятнинг узоқ ўтмиши билан боғлиқ фан сифатида бир неча асрдан бери яшаб келаётган бўлса ҳам у бизнинг давримизда ўзининг улкан имконият ва истиқболларини намойиш этаётир. Ҳозир бу фаннинг амалиёт билан узвий алоқадор тармоқлари — турмуш эстетикаси, аҳлоқ эстетикаси, меҳнат эстетикаси, ишлаб чиқариш эстетикаси каби қатор соҳалари зўр суръатлар билан ривожланаётир. Мана шундай соҳалардан яна бири техника эстетикасидир.

Техника эстетикаси илмий-техника инқилобининг қонуний ҳосиласи сифатида дунёга келди. Иттифоқимизда 1962 йилда Техника эстетикаси Бутуниттифоқ илмий-текшириш институти (ВНИИТЭ) ва кейинчалик унинг ўндан ортиқ бўлимлари ташкил этилди.

Бугунги кунда техника эстетикаси қўлга киритган улкан ютуқларни яққол тасаввур қилиш учун ҳозирги замоннинг «ТУ—154», «ИЛ—62», «ЯК-40» каби ҳаво лайнерларию қудратли сув ости кемалари, тепловозлар, машиналар, лоақал барчамизга яқиндан таниш «Волга» ҳамда «Москвич» енгил машиналарини уларнинг бундан ўттиз-қирқ йил аввалги нусхалари, «аждодлари» билан солиштириб кўриш кифоя. «Менинг олдимда ажойиб техника намунасигина эмас, балки қойилмақом санъат асари турар эди» деганди жаҳоннинг биринчи космонавти Юрий Алексеевич Гагарин «Восток» космик кемаси ҳақида. «Восход», «Орбита» космик кемалари эса ўзининг мукаммаллиги ва гўзаллиги билан бизни янада кўпроқ мафтун этади. Булар энг аввало техника эстетикаси туфайлидир.

Эстетика фани воқеликни, ижтимоий муносабатларни, инсон шахси ва фаолиятига хос нафосат негизларини ўргатса, техника эстетикаси одамзоднинг воқеликни ўзлаштириш ва ўзгартириш асносида амал қилиши лозим бўлган «гўзаллик қонунлари»ни кўрсатиб беради.

Иттифоқимизда техника эстетикаси ва дизайннинг ривожланишида СССР Министрлар Советининг «Бадиий лойиҳалаш методларини тадбиқ этиш орқали машинасозлик маҳсулотлари ва маданий-маиший моллар нинг сифатини яхшилаш ҳақида» (1962) ва «Техника эстетикаси ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланиш ҳақида» (1968)ги қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. Дастлабки қарор асосида 1962 йил ташкил этилган ВНИИТЭ техника эстетикаси ва дизайннинг дунёдаги энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Бу институт 1965 йилдан Бадиий лойиҳалаш ташкилотларининг Халқаро совети (ИКСИД)га аъзо қилиб олинди. 1975 йилда Москва шаҳрида дизайн ва бадиий лойиҳалашнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конгресс бўлиб ўтди...

Ҳозирда мамлакатимиздаги МАЗ, ЗИЛ, КамАЗ, БелАЗ, ВАЗ, ПАЗ, ЛАЗ каби йирик машинасозлик ҳамда қатор самолётсозлик, кемасозлик ва бошқа хил заводларда, кўпгина енгил саноат ва озиқ-овқат корхоналарида инженер-техник ходимлар билан бир қаторда санъаткор-лойиҳаловчилар ёнма-ён туриб ижодий ҳамкорлик қилмоқдалар. Мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Свердловск, Минск... каби шаҳарларидаги бадиий ва техника олий ўқув юртларида минглаб ёшлар бадиий лойиҳачилик маълумотига эга бўлмоқдалар. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига йўлланма олаётган бу дизайнерлар совет кишиларининг турмуш маданиятини янада юксалтиришга, шаҳар ва қишлоқлар маданий қурилишини тобора яхшилашга, корхоналарда самарали меҳнат учун қулай, файзли ва гўзал муҳит яратишга, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг юксак сифатини таъмин этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Совет Ўзбекистони — Иттифоқимизнинг йирик саноат ва маданият марказларидан биридир. Республикамизда оғир саноат, айниқса, унинг машинасозлик, тракторсозлик, самолётсозлик, экскаваторлик каби улкан соҳалари анча тараққий этган. Хусусан, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Тошкент трактор заводи, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналарнинг номи бутун жаҳонга машҳур. Бунда ўша корхоналарда меҳнатни илмий ташкил этиш ва техника эстетикаси бўлимларининг ўзига хос ҳиссаси бор.

Барча совет халқларининг дўстона ёрдами билан яна гўзал бўлаётган Тошкент шаҳри иттифоқимизнинг энг йирик шаҳарларидан биридир. Шаҳарнинг кейинги ўн йил ичида мисли кўрилмаган даражада ободонлашиб кетганлиги, янги барпо этилаётган майдонлар, хиёбонлар ва бинолар қурилишида архитектура санъатининг халқ декоратив-амалий санъати, наққошлик, кулолчилик, ганчкорлик, ўймакорлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик каби қатор санъатлар билан уйғунлашиб бораётганлиги, айниқса бу уйғунликнинг тимсоли бўлмиш Тошкент метрополитенининг қурилиши таҳсинга сазовор. Тошкент маркази ва Қизил майдоннинг архитектура ансамбли санъатнинг ажойиб намуналаридандир.

Техника эстетикаси ва бадиий лойиҳалаш санъати ҳозирги замон фан ва техника революциясининг улуғвор қудратини ҳар бир шахс ва умумбашарият манфаатлари йўлида тўла-тўкис хизмат қилдиришда ижтимоий тараққиётнинг етакчи омилига айланиб бораётир. У республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётининг ҳам муҳим омили бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Раҳимжон ОТАЕВ,

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети ходими

БУХОРО БУҒУСИ

Бухоро буғуси Ўзбекистонда ҳам, қўшни республикаларда ҳам кўпайтирилмоқда. У ноёб жониворлар. Биз, Тожикистон ССР Ромит қўриқхонаси ва у ерда ўстирилаётган бухоро буғуси тўғрисида Н. Неповиящчийнинг мақоласини қисқартириб босмоқдамиз.

Марказий Тожикистоннинг Ромит қўриқхонаси. Табиатнинг бу гўзал бурчагини Ҳисор-Дарвоз тоғ тизмасида жойлашган мўъжиза деса бўлади. У ерга бориш учун Душанбе—Оржоникидзеобод йўли бўйлаб 60 километр шарққа қараб юрилади. Ҳозир кам учрайдиган, ўзининг янги ватанига кўникиб бораётган йирик ва ажойиб ҳайвон—бухоро буғуси Ромитнинг фахри саналади. Гап шундаки, бухоро буғуси бир вақтлар Закаспийда яшаган турон йўлбарси сингари бутунлай йўқолиб кетиши, шу билан табиат занжирининг яна бир ҳалқаси тузатиб бўлмас даражада узилиши мумкин эди. 1960—1961 йилларда Йўлбарс жарлигидан фақатгина ўн бош бухоро буғуси келтирилди. Вазият жуда оғир эди. Тезлик билан эҳтиёт чорасини кўриш ва уларни кўпайтириш талаб этиларди.

Ромит қўриқхонаси ўрнашган жойига кўра оролни эслатади. Музликлардан оқиб келувчи икки мусдек дарё—Сардаи Миёна ва Сарбо унинг табиий чегараси сифатида айланиб келиб қўшилади, кейин Ўрта Осиёдаги йирик дарёлардан бири ҳисобланмиш улкан Кофирниҳон дарёси пайдо бўлади. Тожикистон университети биология факультети олимларининг бу ерда ишлаётганларига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Биз улар ҳузурига бордик. Аниқроғи бизга бир киши—Ромитнинг зукко олими, қўриқхона директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Олег Николаевич Голуб керак эди.

Олегни қўриқхона территориясини кечки айланиш чоғида учратдик...

Олег—ўз ишининг билимдони. Суҳбат пайтида ишонч билан гапиради. Гоҳо хаёлга берилиб кетади: гапни халқаро Қизил китобга кирган ҳайвонлардан бошлаб, кейин Иттифоқ ва республиканинг ҳеч қаерида учрамайдиган, аммо яқинда яратилиши мумкин бўлган бурама шохли серкаларнинг янги турларидан сўз очади. Қизил китобга ёзилган ва СССРда йўқолиб бораётган барча йиртқич ҳайвон турларининг 50 процентги мана шу ерда, Тожикистонда яшаяпти, деб исботлашга уринади. СССР Қизил китобига киритилган туёқлиларнинг 20 процентги қўриқхонада бор, дейди.

— Эрталаб ухлаб қолманглар,— деди у,—сизларга буғу билан бурама шохли тоғ эчкисини кўрсатаман...

Буғулар ётоқхонасида ётибди. Тутлар барги шудрингдан намиққан. Уй яқинидан учиб ўтаётган тустовуққа шаршараининг совуқ томчилари сачрайди... Бизни эрта тонгда майсалар гиламида сирғаниб тойғанаётган мотоциклнинг тариллаган овози уйғотди. Унинг ёнидаги кажавада хўжайиннинг буйруғисиз ҳар нарсага ташланавермайдиган овчи ит бор эди.

Биз қўриқхона ичкарисига—бухоро буғуси ўтлаб юрадиган ён бағирга йўл олдик.

— Нима сабабдан «Бухоро буғуси» дейилади?—деб сўрадик ҳамроҳимиз—қўриқхона ходимидан.

— Биринчи марта у ўша ерда, Ўзбекистонда тарқалган... Бу ҳайвонни буғуларнинг олий тури деса бўлади. Бундан ташқари буғулэрнинг Европа, Кавказ, изюбр, вапита, марал сингари турлари ҳам мавжуд...

Маълумки, зоологлар, агар у ёки бу туёқли ҳайвонларнинг сони икки минг бошдан камайса, йўқолиб кетиш хавфи бор, деб ҳисоблайдилар. Бухоро буғуси ҳам сўнгги йилларда ана шундай даражага тушиб қолган эди. Лекин тезликда эҳтиёт тадбирлари кўрилди. Мазкур ҳайвонни Ромитда ҳам кўпайтиришга эришилди. Буғулар тоғ шароитида яшай олмаслиги мумкин, деган хавф бор эди. Эндиликда бундай ташвишларнинг ҳаммаси ортда қолди, буғулар тоғ шароитига кўникиб кетди. Ҳозир бу ерда бухоро буғуси бошқа жойлар учун ҳам етиштирилиб берилмоқда. Масалан, ўтган йили 24 бош буғу Қозоғистонга жўнатилди. У ерда олий буғунинг кенжа турини яратишга киришилди.

Олий буғу—ҳурқак, эҳтиёткор, ниҳоятда гўзал ҳайвон.

— Ҳув, анавинисининг чиройлилигини қаранг,—деди Голуб.—Биласизми, оёққа турган пайтда қандай ҳодиса рўй берган? У қўриқхонадан йироқда туғилган. Бир куни она-бола буғуга ит ҳамла қилди, икки ҳафталик буғуча югурганича жарликдан тўппа-тўғри дарёга тушиб кетди. Бу ердаги оқимнинг қандайлигини ўзингиз биласиз. Сузиб бораверди. Биз дарёнинг у сузиб келаётган қирғоғида эдик. Энди тирмашиб қирғоққа чиққан буғуча бизни кўриши билан яна ўзини сувга ташлади. Зўрға қулоғидан ушлаб қолиб муздек сувдан олиб чиқдик...

— Бўрилар безовта қилмайдими?

— Безовта қилганда қандоқ! Еб битирилмаган буғу жасадларини топиб оламиз. Кўнғир бўрилар мазахўрак бўлиб қолди... Бўрилар бизда экологлар ҳисобидаги нормадан анчагина ортиқча, улар келтираётган зарар ҳам катта. Бўриларни асраш тўғрисида менга ҳеч нарса деманг, мен уларни ёмон кўраман.

— Айтишларича, сизларда морхўрни кўпайтириш натижаси яхши эмиш.

— Афсуски, кечикдингиз. Яқинда хотиним иккаламиз бурама шохли ёввойи эчки боласини қабул қилиб олдик. Морхўрни ярим эркинликда биринчи марта кўпайтириш бўйича тажриба ўтказяпмиз. Кўрсатаман.

Улоқча сержун оёқларини кериб, манглайи кенг, қулоқлари ғурур билан диккайган бошини силкиб, зўрға довдираб турарди.

— Бу ҳам Қизил китобга киритилган,—деди Голуб.—Халқда «мор» илон, «хўр» емоқ, яъни илонхўр деган маънони билдиради. Эрон ва Афғонистон аҳолиси бу ёввойи эчки илонни излаб топиб, уни ейди, деб билган. Шунингдек, улар агар одамни илон чақса, морхўр гўштини еб илон заҳрини зарарсизлантириш мумкин ҳам деб инонганлар.

Бурама шохли ёввойи эчки серкасининг шохи узун—ярим метрдан зиёд, яғни остида соқоли ва бўйнида шокила жуни бор. Ромитда ҳозирча бурама шохли ёввойи эчкилар тўрт метрли баландликда сим тўр тортилган майдонда яшайди. Мабодо девор ундан паст бўлса ошиб ўтиб кетади.

— Энди қараб туринг: мен у томондан кириб сиз томонга ҳайдайман.

Олег кўздан ғойиб бўлди. Бир неча минутдан кейин шох-шабба шитирлади, чакалакдан кичикроқ тўда — уч эчки ва бир неча серка отилиб чиқди. Серканинг чўққи соқоли ва узун шохидан ҳам дарҳол таниса бўларди.

— Умуман, ҳозир ёввойи эчкилар билан серкалар алоҳида-алоҳида юради, қочиш даври кейинроқ—ноябрь, декабрь ойларида бошланади.

Биз Ромитдан ҳарорат пасайгач, кечқурун қайтдик...

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИНИНГ АҲВОЛИ ЯХШИМИ?

Байрам арафасида кенжа ўғлим ва қизим билан Тошкентдаги ҳайвонот боғига бордик. Боғ йўлаклари ўқувчи-болалар билан гавжум эди. Болалар ҳали у катак олдига, ҳали бу катак ёнига югуришарди. Қизим бир маҳал:

— Дада, олдин маймунларни кўрайлик,— деб қолди,— уларни фақат кинолардагина кўрганман.

Ўғлим эса:

— Олдин ўрмон подшоси — шерни кўрамиз, маймун — майда ҳайвон,— деб мени шер катаги томон тортқилади.

Қизим қовоғини уюб:

— Доим акамнинг айтганини қиласиз,— деди.

— Ҳув, ача, кичкина деразага талпиниб, ур-йиқит бўлаётган болаларга бир қара,— дедим қизимга.— Маймунлар ўша кичкина деразали уй ичидаги қафасда сақланади. Бари бир ҳозир ҳеч нарсани кўролмайсан.

У акасига хўмрайиб бир қараб қўйди-да:

— Ҳа, майли,— деди.

Шер сақланадиган катак йўлбарс катаги билан ёнма-ён экан. Шер дарғазаб бўлиб бўкирар, баҳайбат панжалари билан катакни парчалаб ташлагудек бўлар ва йўғон темирларни ғажиб ташлашга уринар эди. Унинг иккита боласи эса, онасининг баҳайбат товушидан қўрқиб бурчакка биқиниб олишган, кўзларини ундан узишмас эди. Бу манзара бир дақиқа давом этди. Шер чарчадими ёки уриниши бекор кетганидан ҳафсаласи пир бўлдими, катак бурчагига бориб узала тушиб ётиб олди.

Ўғлим бу манзарадан ҳайратда қолиб сўради:

— Дада, бўкириб шер нима демоқчи? Ким унинг жаҳлини чиқарди? Қорни очмаганмикан?

— Унисн ҳам, буни ҳам эмас,— дедим мен.—Назаримда бу катак унга торлик қиляпти. «Бир неча йилдан бери шу тор катакда сиқилиб кетдим-ку, менга ачинмасанглар ҳам, болаларимга раҳмларинг келсин. Қачон бизни кенгроқ жойга кўчирасизлар», деб зарда қиляпти. У ҳақ албатта, ана, болаларига бир назар ташлагин, ҳар қалай, шернинг боласи-да, улар ҳам кенгликни қўмсайди. Юр, ўғлим, кайфиятимизни бузмайлик-да, маймунларни кўра қолайлик...

Ўғлим, эса, «Йўқ, энди йўлбарсни кўрамиз»,—деб йўлбарс катаги ёнига бориб, туриб олди. Баҳайбат Амур йўлбарси тор катакда тинмай у ёқдан бу ёққа уринарди, унинг болалари — уч йўлбарсча эса бошини ерга қўйиб, кўзларини мўлтиратиб жимгина ётарди. Она йўлбарс бир бўкирди-да, болалари олдига бориб уларни боши билан туртиб турғазди. Энди она йўлбарс уч боласини орқасидан эргаштириб катакда айлана бошлади. Ярим тонна оғирликдаги она йўлбарснинг уч йўлбарсча билан бу тор катакда яшаши жуда қийин эди, албатта.

Она йўлбарс катакда айланиб толиқди шекилли, бизга қараб ялинганнамо овоз чиқариб, узала тушиб ётди. Болалари унинг атрофини ўраб олишди. Шу пайт кимдир «Истаганлар йўлбарс ўйинига, марҳамат»—деб қолди. Биз бошқалар қатори ҳайвонот боғининг бир четига жойлашган 500 кишилик томоша залига кириб бордик. Гир айланган курсилар томошабинлар билан лиқ тўла. Ҳайвонот боғи ходимлари Ринат Мелибоев ва Александр Мининг ўзлари ўргатган йўлбарс ва шерлар билан ўртага чиқишди. Йўлбарслар Ринатнинг ишораси билан мураккаб аттракцион ўйинларни ҳеч адашмай ижро этишарди.

Ҳайвонот боғида ўргатилган бу ҳайвонлар икки йўлбарс ва уч шер махсус ажратилган хонада сақланар ва қатъий меню асосида боқилар экан. Хўш, қафасда турган бошқа йўлбарс ва шерларда нима гуноҳ? Уларнинг ҳолидан ким хабар олади? Наҳотки, жониворлар кичик бир катакда болалари билан тиқилиб, ўзини ҳар ёнга уриб ҳайқиришга ҳам мадори етмай ётса-ю, ўргатилган шеру йўлбарслар семизлигини кўзкўз қилгандай томоша майдонида ўмбалоқ ошиб ўйнаса!. Томоша пайтида шу фикрни ҳаёлимдан ўтказдим.

Ҳозирги кунда Иттифоқимиз бўйича ўттиздан ортиқ ҳайвонот боғи мавжуд. Шулардан бири Тошкент ҳайвонот боғидир. Бу ҳайвонот боғида ҳам ноёб жониворлар асралаётганлиги таҳсинга сазовордир. Бироқ, бу ерда афсусланадиган манзаралар ҳам тез-тез кўзга ташланиб қолади. Масалан, жуда улкан қўнғир қора айиқ тор катакда эркин айланолмай, жойида лапанглаб, айиқ бўлганига минг пушаймон еб ётибди. Шўрликларни каттароқ катакка жойлаштиришнинг иложи йўқмикан? Иложи бор: ҳайвонот боғида кўп каталар бўш, уларни бирлаштириб, айиқ, шер ва йўлбарсларнинг бемалол ҳаракат қилишига имконият яратиб бериш мумкин. Лекин ҳайвонот боғи маъмуриятидагилар иш ўрнига баҳоналар қидиришади, янги қурилаётган ҳайвонот боғи очилгач, ишларимиз аъло бўлади, деб ваъдалар беришади. Унгача ноёб ҳайвонларнинг аҳволи нима кечади?

Бир маҳаллар Жавоҳарлал Неру совға қилган фил боласи ҳозир бу ерда 18 ёшга тўлди. Ҳайвонот боғининг янги директори Людмила Николаевна Новикова бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— Мен директор бўлиб келмасдан олдин бу филни ҳеч ким йўлга сололмаган экан. Икки йил сурункасига уйдан ташқарига чиқмабди бояқиш. Жуда ачиндим. Уни астасекин ташқарига олиб чиқдим... Ёшлигимдан қушлар ва уй ҳайвонларига ишқибоз эдим. Менинг уймида 22 тур жонивор: паррандадан тортиб уй ҳайвонигача бор эди. Парранда ва уй ҳайвонларига, қўйингки, ваҳший ҳайвонларга ҳам озор берганларни ёқтирмайман. Шунинг учун ҳам ҳайвонот боғидаги жамики жониворларга иложи борича шароит яратиб беришга интиляпман.

— Агар малол келмаса филни қайси усул билан ташқарига олиб чиққанингизни айтиб берсангиз?

— Бизда ҳайвонларни ўргатувчи алоҳида ходимлар бор. Улар кўп уриниб кўришган, лекин уни ташқарига чиқаришолмаган. Мен тавакқал қилиб у билан ўзим дўстлашдим: ҳар куни филни ҳар хил мевалар билан зиёфат қилдим. Бир куни мен икки яшик пишган шафтоли келтириб уни меҳмон қилдим. Бошқа меволарга нисбатан шафтоли унга ёқиб қолди шекилли, хартумини баланд кўтариб яна шафтоли сўради. Мен иккинчи яшикдаги шафтолиларни ҳийла ишлатиб ташқаригача териб чиқдим. Фил ортимдан юриб шафтолини хартуми билан илиб оғзига солаверди.

Ҳозир эса овозимни узоқдан эшитиши билан хартумини кўтариб товуш чиқаради. Ҳар куни албатта унинг олдига кириб, у ёқ-бу ёғини силаб эркалайман. Худди онасига эркаланганидек эркаланади, мени ташқаригача кузатиб чиқиб, яна хонасига қайтиб киради.

— Ҳайвонот боғидаги ваҳший ҳайвонларнинг яшаётган каталари талабга жавоб берарли даражадами?

— Йўқ, албатта. Табиат бойликларини асраш ва ҳимоя қилиш— бизнинг бурчимиз. Лекин, гапнинг очиғи, территориямиз бугунги кунда жуда торлик қиляпти... Ҳайвонот боғи учун Есенин кўчасида (ҳайвонот боғига кириш Есенин кўчасидан бошланади. Оқтепа массивининг этакларида—Бўзсув қирғоқлари бўйлаб) 100 гектарлик жой ажратилган, 1982 йилдан қурилиш ишлари бошлаб юборилса керак. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарорига биноан Тошкентнинг 2000 йиллигига янги ҳайвонот боғи ишга тушади. Ана ўшанда шер, йўлбарс, айиқ, ўрмон мушуги, қўйингки, жами жониворларга ўзига хос махсус жой ажратилади.

— Ҳозир ҳайвонот боғи неча гектар жойни эгаллаб турибди?

— Кўп эмас, атиги 10 гектарча келади.

— Ҳайвонот боғи нечанчи йилда ташкил топган?

— 1922 йилда.

— Бу ерда Қизил китобга номи киритилган ноёб парранда ва йиртқич ҳайвонлардан неча турн мавжуд?

— Кейинги ҳисобимиз бўйича бизда бундай жониворларнинг ўн бешдан ортиқ турн бор.

— Иттифоқимиздаги қайси ҳайвонот боғи билан алоқа боғлагансизлар?

— Умуман Иттифоқимиздаги ҳамма ҳайвонот боғлари билан хат орқали алоқа қилиб турамиз. Жумладан, Ростов-Дондан, «Алёнка» лақабли пантера — қора ўрмон мушугини, Ереванлан «Губач» лақабли ургочи қора айиқни сўраб олдик. Чунки бизда улардан биттадан эди. Бу ерда учта шер, учта йўлбарс, битта зебра ва битта қўтос туғилган. Ветврачларимиздан Владимир Гончаров ва Иван Шутяев ҳайвонлар саломатлигини назорат қилиб турадилар...

Сиртдан қараганда, Тошкент ҳайвонот боғида ҳамма иш рисоладагидек туюлиши мумкин. Аслида-чи?.. Бизни она-бола шеру йўлбарсларнинг, ваҳший сақоо бургути билан тасқаранинг олдига ташланган гўштни талашиб-тортишиб ейиши ҳам, уларга бериладиган кунлик норма 180 килограмм гўшт ҳам унчалик қизиқтирмайди. Бу ишлар билан ОБХСС ва бошқа мутасадди ташкилотлар шуғулланадилар. Бизни ҳайвонот боғининг келажаги ва Қизил китобга номи киритилган ноёб жониворларнинг тақдири кўпроқ қизиқтиради.

Тошкент ҳайвонот боғи биқинидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда айрим ташкилотлар жойлашган Салор арнғигача анча-мунча территорияни эгаллаб турган майдонлар ҳайвонот боғига қўшиб берилса айни муддао бўлур эди. Чунки бундай ҳайвонот боғининг шаҳар марказида жойлашиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Бу нарса ҳар куни шаҳарга келиб кетадиган томошабинлар учун ҳам, пойтахтдаги мактабларнинг ўқувчилари учун ҳам қулайдир. Бу борада мутасадди идоралар чуқурроқ ўйлаб кўрадилар, масалани атрофлича ўрганиб чиқадилар, деб умид билдирамиз.

Анвар САИДУМАРОВ

Ҳайвонот боғидаги бўш каталар ёнига уйиб ташланган бу чиқиндилар шу тахлитда ётибди. Боғ маъмуриятининг диднга балли-е!

Н. ШАРИПОВ фотоси

Сув остини тадқиқ этиш техникасининг ривожи, радионавигация ускуналари ва ғоввослик анжомларининг такомили бир вақтлар денгизлар тубига чўкиб кетган қимматбаҳо бойликларни ер юзига олиб чиқиш имкониятини бераётир. Масалан, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари давомида пассажир ва ҳарбий кемаларнинг ҳалокати туфайли улар ортган бебаҳо бойликлар сув остига чўкиб кетган эди. Сўнгги ўн йиллар давомида уларнинг маълум бир қисми қутқарилиб олинди. Ўз ҳаётини хатарга қўйиб, денгиз оқимлари ва довулларига матонат билан бардош берган хазина изловчилар бугун ҳам сув остидан моддий ва маданий бойликларни чиқариб олмоқдалар.

СУВОСТИ ХАЗИНАЛАРИНИ ИЗЛАБ

Денгизлар тубида ҳали ҳеч ким дуч келмаган хазиналар кўп. Вест-Индия компаниясига қарашли қадимги испан елканли кемалари ва корабларининг сув остидаги қолдиқларига рўбарў келган омадли одамлар ўша пайтларда ўзларини энг бахтиёр кишилар қаторига қўшдилар. Бундай завқдан инглиз Уильям Фиппс ҳам истисно эмасди. У Санто-Доминго оролига яқин жойда ҳалокатга учраган корабль қолдиқлари орасидан 26 тонна кумуш ва салкам шунча миқдорда олтин топди. Бироқ уларнинг ҳаммасини олиб кетишнинг эвини тополмади. Воқеа 1687 йили содир бўлганди. Ўшандан бери бу усулда бойиш бошқа ҳеч кимга насиб этмади.

...Биринчи жаҳон уруши мобайнида иттифоқчиларнинг ҳарбий саноати эҳтиёжларига жўнатилган минглаб тонна рангли металлар уч мингга корабль билан бирга денгиз тубларида қолиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса ана шу ўзига хос «денгиз хазинаси» яна минглаб тонна олтин ва кумуш ҳисобига «бойиди».

Ҳарбий давр тақозоси билан крейсернинг ҳалокати сир сақланди. Корабль бортидаги юк масаласига келсак, ундан бир неча кишигина огоҳ эди, холос. Фавқулодда юк — беш ярим тоннадан иборат олтин 1942 йилнинг март-апрель ойларида Мурманск портидан ортилган бўлиб, Совет Иттифоқига тегишли эди. Қимматбаҳо металл ҳарбий техника эвазига Қўшма Штатлар ихтиёрига жўнатилганди.

50-йиллардан бошлаб, чўкинди юкларни қутқариш бўйича СССР, Англия ва Норвегия жамиятлари «Эдинбург» ҳалокатга учраган



Немис фашистлари 1942 йил апрелида Баренц денгизига чўктирган «Эдинбург» крейсери.

ФАШИСТЛАР ЧЎКТИРГАН КРЕЙСЕР

Бош штаби Саутгемптон портида жойлашган «Рисдон-Бизли марин лимитед» компанияси сув остидан беш ярим тонна олтинни чиқариб олишга аҳд қилди. Бу бойлик Баренц денгизида чўкиб кетган «Эдинбург» инглиз крейсерига ортилган эди. Хазинани қутқариш ишига яна уч компания қўшилди. Улар орасида рақобат кучайиб кетди.

«Эдинбург» крейсери 1938 йилнинг 31 мартида сувга туширилган эди. Унинг сув сиғими ҳажми 10 минг тоннани ташкил этар, узунлиги 174 метр бўлиб, ўша даврнинг сўнгги ҳарбий техникаси билан қуролланган эди. Крейсернинг ёнларига 8 сантиметр қалинликдаги зирҳ билан қопланган эди.

«Эдинбург» крейсерига 1942 йилнинг 30 апрелида немисларнинг сув ости кемалари қаттиқ шикаст етказди. Экипаж икки кун мобайнида крейсерни зўр-базўр бошқариб турди. Сўнгра ноилож чўктириб юборишга мажбур бўлди.

га шу саволлар билан мурожаат этганимда, у яна елкасини қисиб: «Кечирасиз, мен сизга бундан ортиқ ҳеч нарса айтолмайман», деди.

1981 йилнинг апрель ойида «Джессоп марин рикавериз лимитед» бош компанияси билан советинглиз контракти имзоланди, кузда эса чўкиб кетган корабльни топиш ишлари бошлаб юборилди. Кузги довуллар қутқариш операциясини ниҳоясига етказиш имкониятини чеклаб қўйди: тахмин қилинган 465 та олтин қуймадан 431 таси олинди. Қолган қуймалар баҳор фаслида олинади.

ҚИДИРУВЧИЛАР ЖАСОРАТИ

50-йилларда сув остидаги хазиналарни юзага чиқариш ишлари кўпгина хавф-хатарлар билан боғлиқ эди. Эндиликда бу ишлар бирмунча енгиллашди.

Чўкиб кетган корабларнинг ишқибозлари турли хил қийинчиликлардан ҳеч қачон муҳофаза этилмаганлар. Бундан ташқари, уруш даврида сафдан чиққан ва экипажлари қутқариб олинган кораблар яна кўп муддат денгиз юзасида дайдиб кезиши мумкин эди. Яъни уларнинг айнан чўккан жойи номаълум бўлади.

«Сорима» компанияси 1930 йилда 120 метр чуқурликка чўккан «Миср» кораблини топишга муваффақ бўлди. Айтиш керакки, қидириш ишлари ниҳоятда жўн усулларда олиб борилди.

1922 йилнинг 20 майида Уэссон ороли районида денгиз тубига шўнғиган «Миср» пароходининг бортига танга ва қуйма шаклида беш тонна олтин билан ўн тонна кумуш ортилган эди. Кунларнинг бирида «Сорима» жамиятининг бош директори командор Квалья журналистлар олдида мақтаниб, бу хазинани денгиз тубидан қутқариб оламан, деб қасам ичди. Мазкур жамиятнинг ғоввослари 1929 ва 1930 йилларнинг ёз

жойни қидира бошладилар. Лекин 1980 йилга қадар барча изланишлар зое кетди. Қидиришлар пайтида «Рисдон-Бизли» компанияси сув сиғими ҳажми 1 минг 400 тоннага тенг ва 38 кишилик экипаждан иборат «Дроксфорд» номли махсус кемадан фойдаланди.

1980 йилнинг бутун ёз фасли давомида «Дроксфорд» кемаси «Эдинбург» қолдиқларини излаш билан машғул бўлди. Бу ишларни кема экипажи Англия мудофаа министрлигининг рухсати билан олиб борди. Бироқ мабодо крейсер қолдиқлари топилган тақдирда уни ошкор қилиш қатъиян ман этилган эди. Қидиришлар тўрт ой давом этди. Шундан сўнг «Дроксфорд» ўз манзилига қайтди. 1980 йилнинг ноябрь ойида компания бошлиғи Р. Хайндс тафсилотларга берилмасдан: «Қидириш ишлари муваффақият билан якунланди», деб қўя қолди.

«Муваффақият» деб у нимани назарда тутган экан? Агар крейсер топилган бўлса, у қаерда ва қандай ҳолатда? Мен сўнгги марта Хайндс-

ойларида қирғоқдан 50 километр масофадаги майдонда қидирув ишлари олиб бордилар. Изланишларнинг иккинчи йилида улар пароходнинг қолдиқларига дуч келдилар. Кейинги тўрт йил давомида эса қимматбаҳо юкнинг 95 проценти юқорига чиқариб олинди. Лондондаги «Ллойд» суғурта компанияси мазкур жамиятга ўлжанинг 62,5 проценти миқдорида мукофот тўлади.

Қутқарув ишларидаги иккинчи бир қийинчилик чўккан кеманинг қанчалар чуқурликда жойлашганига боғлиқдир. Қутқарув ишларини денгиз сатҳидан 250—300 метр чуқурликда амалга ошириш ҳавфли эди.

«Рисдон-Бизли» компанияси энг оғир табиий шароитларда 300 метр чуқурликдаги юкни чиқариб олишга муваффақ бўлганди. Гап 1917 йилнинг 3 июнида Шимолий Атлантика сувларида чўкиб кетган «Холлингтон» кемаси хусусида бораётир. Юқоридаги компания 1971—1972 йилларда «Холлингтон» кемаси қолдиқлари ичидан 900 тонна қалайини юзага чиқарди.

Қутқарув операцияларида учинчи қийинчилик довуллар ва денгиз оқимларидир. Баренц денгизида, Атлантика океанининг бутун шимолий қисмидаги каби, ҳатто ёз ойларида ҳам сокинлик жуда кам бўлади. Иқлим шароитининг ноқулайлигига қарамасдан «Рисдон-Бизли» компанияси 1973 йили ана шу районда ҳам сув тагидан бир тонна олтинни чиқариб олишга муваффақ бўлди. «Эмпайр Мэнор» номли инглиз юк кемаси ана шу олтин билан 1944 йилнинг январида чўккан эди.

* * *

Нью-Йоркда нашр этиладиган «Ньюсуик» журнали 1942 йилнинг апрелида Баренц денгизида фашистлар томонидан чўктириб юборилган «Эдинбург» хазинасини қутқариб олиш тафсилотларига доир маълумотларни эълон қилди:

Сув юзасидан 260 метр чуқурликда ғоввос Жон Росье фавқулодда босим кучига чидаш бериб, корабль қолдиқларига эҳтиёткорлик билан яқинлашиб борди. Айниқса, қўрхона ниҳоятда хавфли эди. 39 йилдан ортиқ вақт мобайнида сув остида портламай қолиб кетган бомба ва снарядларнинг арзимас эҳтиётсизлик билан портлаб кетиши ҳеч гап эмас эди. Устига устак кораблга яқинлашган ғоввосга лойқаланиб кетаётган балчиқ ва қора мой халал берарди. Ғоввоснинг қўллари тўсатдан тўғри бурчакли оғир нарсага тегиб кетди. Ўлжага дуч келган ғоввос қувонганидан бир дақиқа босим азобини унутиб, скафандрга биркитилган микрофонга: «Топдим! Олтин топдим! Мен олтинни топдим!..», деб хитоб қилди.

48 ёшли ғоввос Кейт Жессоп кўпдан бери «Эдинбург» хазинасини қутқариш ўй-фикри билан яшарди. Сув тубидан қимматбаҳо юкни қутқариб олишга шубҳаланган ҳамкасблари унинг устидан мазах қилиб кулишарди ҳам. Шунга қарамасдан, Жессоп Британия ҳукуматини олтинни қутқариб олиш масаласида ўзи билан контракт тузишга кўндирди.

Жессоп сўнгги техника воситаси туфайли муваффақият қозонди. Айтиб ўтиш керакки, олтинни чиқариб олиш бўйича бундан аввалги барча уринишлар беҳуда кетган эди. «Жессоп марин рикавериз лимитед» фирмаси электрон ҳисоблаш машинаси миясини «Эдинбург» кораблига оид маълумотлар билан тўлдирганидан кейингина у чўккан жойни топишга муваффақ бўлди.

Худди космонавтларга ўхшаб ғоввослар ҳам махсус тайёргарлик жараёнини ўташлари керак эди. Сув остига тушишдан икки кун аввал улар ўзларини 260 метр чуқурликда ҳис этишлари лозим бўлган шароитни бошдан кечирдилар. Ҳатто шундан кейин ҳам ғоввосларни қаттиқ уйқу босар, иш жараёни уларни бирпасда ғоят ҳориган эди. Шунингдек, «Эдинбург»нинг қўрхонасидан 15 метр юқорида муаллақ турган ғоввосларга ҳаво билан овқат махсус «ичаклар» орқали юборилади. Ҳар бир ғоввосни совуқдан асраш учун ғоввос кийими орасидан ҳар минутда 12 галлон (бир галлон —3,78 литр) илиқ сув ўтказиб турилди.

Юқори босим натижасида ғоввосларнинг асаблари таранглашиб, бўғимлари ва пайлари тортишиб қоларди, бомба ва снарядлар орасидан олтин қуймаларни қидириш баттар қийинлашарди. Топилган қуймалар капрон халта орқали юқорига тортиб олинарди.

Олтин қуймалар сув тагидан олингач, қутқарув корабли Мурманск портига қайтди. Қутқарув фирмаси ўз хизматчилари учун тегишли улушини олгач, олтиннинг қолган қисми Буюк Британия ва СССР ўртасида 1:3 миқдорида тақсимланди.

Робер СТЕНЮИ

ТАҚЛИД – ТОМОША

Утмишда ҳақ-ҳуқуқсиз, жамоат ишларидан бутунлай четлатиб қўйилган аёлларимиз маҳаллаларда ўзаро йиғилишиб, ўз даврига хос йиғинлар уюштирганлар. Бу йиғинларда қўшиқ, куй, айтишув, драматик парчалар ижро этганлар. Кўп ҳолда бу қўшиқлар, айтишувлар, байтлар ва драматик асарларнинг муаллифи ҳам, ижрочиси ҳам уларнинг ўзлари эди. Албатта, улар орасида ўз чечанлиги, ҳозиржавоблиги, ҳажвий характери, ижродаги маҳорати билан давра аҳлига танилганлари ҳам бўлган. Улар даврасида кенг тарқалган ўйинлардан бири тақлид-томошадир. Ўйин ижрочиси ўз дугоналари даврасида бор имкониятини ишга солиб, ижрочилик маҳоратини намойиш этиш билан ўз даврининг кирдикорларини очиб ташлаганлар. Айрим шахсларнинг эса характерига рақс орқали тақлид қилиб, маънавий қиёфасини аёвсиз фош этганлар. Улар ижро пайтида зарур кийимлар, гримлардан иложи борича фойдаланганлар. Давра қатнашчилари қарсак чалиб ёки чилдирма чертиб уларга жўр бўлганлар. Баъзан байтни давра аҳли айтиб, ҳаракатни ижрочи бажарган.

Қуйидаги тақлид-томоша аёллар даврасида ижро этилган ана шундай драматик кўринишлардан биридир.

Мана бундоқ

Бой бобомиз сузма кўз,
Сузма кўздан узма кўз.
Ассалом, деб айтсанг сўз,
Сузилиб боқади мана бундоқ.

Қози почча пуч калла,
Пуч каллада дўнг салла.
Тебрангандай маҳалла,
Чайқалиб юради мана бундоқ.

Ўлтирар чўзиб оёқ,
Ёнида миршаб — таёқ.
Арз қилсанг, қириб томоқ,
Таъма қилади мана бундоқ.

Элбоши Эргаш куюк,
Олакўз, шилқим, суюқ,
Қиз, жувонга боқиб суқ,
Қийиқ кўзи мана бундоқ.

Бой боласи Холжўра,
Лақаб олган Холғўра,
Ҳўкиз егандай шўра,
Тамшаниб юради мана бундоқ.

Эшоноймн ўзлари,
Терскиприкдир кўзлари.
Бо дан-то дан сўзлари,
Чимрилиб юради мана бундоқ.

Келини тишхоли қўйди,
Ол юзига хол ўйди...
Назиржон келмай қўйди,
Боққа мўралар мана бундоқ.

Отинойи Саддихон,
Понсодга жазман ниҳон.
Йўлда кўзи нигорон,
Термуладн мана бундоқ.

Амин ўғли бойвачча,
Меҳмонхонада бачча,
От минса у жиққарча,
Ғўдайиб юради мана бундоқ.

Қайнонам Сора кампир,
Кўнгли кўп қора кампир,
Тергаб овора кампир,
Изимдан юради мана бундоқ.

Ҳаммасини кўрсатдим,
Томлар оша тош отдим,
Зил кўнглимни бўшатдим,
Уйним тугади мана бундоқ.

Тўпловчи Йўлдош СУЛТОНОВ



«ЧИТА»ЛАР ҒАМХЎРИ

Жанубий Африка республикасидаги Брите шаҳри яқинида яшовчи Эн ван Дик ўз ҳаётини мушуклар туркумига мансуб ов арслонларни — «чита»ларни асраш ва кўпайтиришга бағишлади. Маълумки, мазкур ҳайвонлар турининг бу районларда йўқолиб кетиш хавфи туғилган эди. Эн ван Дик элликдан ортиқ йирик «чита»ларни ҳамда йигирмадан зиёд «чита» болаларини ўз фермасига жойлаштирди. Бу ерда тишлари тушиб жуда кексайиб қолган икки йиртқич ҳам бор. Боқувчи аёл «чита»ларни тоқат билан парвариш қилади ва ўз қўлида уларга овқат бериб туради.

Маълумки, «чита»ларни қўлда кўпайтириш ҳозиргача камдан-кам муваффақият келтирган. Эн ван Дик фермасида 1956—1974 йиллар орасида туғилган 140 та «чита» боласининг 40 фоиздан кўпроғи яшаб кетди.

Эн ван Дикнинг «чита»боқарлик фаолияти дастлабки йил давомида кузатиш билан ўтди. Шундан кейин Эн баъзи урғочи читалар бир мунча кўпроқ ҳамда соғлом насл бера бошлаганини сезиб қолди. Худди ана шу она «чита»лар парвариш қилиш учун ажратиб олинди. Бинобарин урғочи «чита»лар табиий шароитда алоҳида яшайди. Эн ван Дик ҳам уларни бир-биридан айирди. Келгуси йилиёқ «чита»лар болалади.

— Асосий қийинчилик шундан сўнг бошланди,—деб ҳикоя қилди Эн.—Гап шундаки, биринчи марта болалаган айрим «чита»лар ўз наслини танимади...

Ўша пайтларда Эн ва бу аёлнинг икки ёрдамчиси ҳар икки соатда «чита» болаларига шишалар ёрдамида сут беришга мажбур бўлдилар. Улар янги туғилган «чита»ларнинг қориларини, одатда оналари болаларини қандай меҳр билан яласа, худди шу тахлитда пахта билан оҳиста артиб турдилар.

— Читаларнинг кўпчилиги табиий шароитда яшай олмаса керак, деб қўрқаман, — дейди Эн. — Албатта, улар моҳир овчи ҳайвон сифатида табиий шароитда ўзларини ҳам, болаларини ҳам овқат билан тўлиқ таъминлай оладилар. Бироқ, читалар кишиларга нисбатан дўстона муносабатда бўлгани билан, уларни одамлар қириб юбормоқдалар.

Эн ван Дик ов арслонларини асраш керак, деб билади ҳамда қўриқхоналарга катта умид билан қарайди.

Суратда: Эн ван Дик ўз фермасидаги «чита»лардан бирини кўздан кечирмоқда.



МУШУКНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ

Йиртқичлар шоҳи йўлбарс билан ёқимтой уй мушуги битта аждодга — мушуклар оиласига мансуб. Бу оилага йўлбарс, қоплон, арслон, сиртлон сингари бир неча йиртқич ҳайвонлар тури киради. Ленинград ҳайвонот боғида бу ҳайвонлар устидан кузатув олиб борилди: энг замонавий овоз ёзиш аппаратлари ёрдами билан йиртқичлардаги алоқа аазифасини ўтовчи товуш сигналлари ўрганилди.

Одатда бу оилага мансуб ҳайвонлар анча индамас бўладилар. Уларнинг «сўзлашуви» овни қуваётган ва душмандан қочаётган пайтдагина сезиларли кучаяди. Кузатув олиб борилган ҳамма йиртқичлар ҳам, маълум бўлишича, бундай кезда мушукнинг миёвлашига жуда ўхшаш товуш чиқаради. Шунингдек, улар мушуклар ўртасида кенг тарқалган пишқириш, ириллаш, қисқа бўкириш, ғижиниш аралаш миёвлайдилар, сиртлон ва гепард эса қисқа ва кескин товуш чиқаради. Уларнинг овози гўё ҳуштакка ўхшайди.

Бу ҳайвонлар товушининг ўхшашлигида ҳеч қандай ҳайратланадиган

...ихат йўқ. Улар эволюция жараёни...да ишлаб чиқилган турлараро «тушунишни» таъминлаши керак-да, ...хир.

Зоологлар ёзиб олинган товуш...арни частота ҳамда амплитуда ха...рактеристикалари бўйича таҳлил қи...иб чиқадилар. Шернинг миёвлаши ...куда оддий спектр расми орқали ...арқланади: ҳар бир миёвлашининг ...зунлиги тахминан ярим секунд. ...ўкириш товуши одатда қисқа бў...иб, улар секундининг ўндан бир ...исмига чўзилади. Гепард эса, энг ...зун «сўз» билан «сўзлайди»: унинг ...ўкириш қўшиғи баъзан беш се...ундга ҳам чўзилади.

Ҳайвонот боғида йиртқичлар усти...ан ўтказилган кузатиш шуни кўр...атдики, улар фойдаланадиган муо...ала товушлари тасодифий эмас. Кўпчилик товушлар частотасига би...оан маълум ўлчовга эга. Ҳайвон...арнинг муомала товушларига, бар...а турлар учун ҳам, амплитуда сиг...алининг ритмик ўзгариши характер...идир. Турлараро сигналлардаги ...арқ эса, кўпроқ спектрал макси...умлар сони жиҳатидан ва мана шу ...аксимумлар ўртасидаги интенсив...ик билан ажралиб туради.

Мушуклар оиласига мансуб йиртқичлар товушининг таҳлил қилиниши ...оологларга бу ҳайвонларни класс...ификация қилишда ёрдам бериши керак. Масалан, баъзи бир кузатувчилар шерларни Ранtheча уруғидан чиқариб ташлашни таклиф этмоқдалар, чунки унинг миёвлаши бошқа пантералар товушидан фарқ қилар экан. Акустик характеристикаси жиҳатидан сиртлон ва гепардларни алоҳида бир гуруҳга ажратмоқ лозим. Негаки уларнинг репертуарида антиқа «ҳуштак»лар ҳам бор.

В. МОВЧАН,
В. ОПАКОВА

ҚАФАСДАГИ БАЛИҚЛАР

Мутахассислар Болтиқ денгизининг қирғоқ бўйи сувларида хонбалиқни кўпайтириш борасида тажриба олиб бормоқдалар. Бунинг учун аввал тўғрибурчак шаклидаги тўрқафаслар қўлланди, бироқ тўр ичида бақатўни ўсимлиги тез кўпаяр экан. Орадан кўп ўтмай тўр ичидаги сув ўрнини ҳам бақатўни қоплаб, балиқнинг яшаши учун жой қолмас экан. Сўнгра сузиб юрувчи шарсимон улкан қафаслар ишлатиладиган бўлди. Бундай қафаслар тўлқинда гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга, ярим очиқ ҳавога ағдарилиб туради, балиқ ўстиришда эса нафи катта экан. Чунки доимо гоҳ сувга, гоҳ ҳавога ағдарилиб тушадиган бу қафасларда бақатўни ўсимликлари ўсмайди.

Шарсимон қафаснинг диаметри — 840 сантиметр, ундаги сув ҳажми 210 кубометр. Янги тухумдан чиққан хонбалиқчалар қафасга жойлаштирилгач, ярим йилда оғирлиги 300—350 граммлик овланадиган балиқ бўлиб етишади.



КОИНОТНИНГ ЭНГ УЗОҚ НУҚТАЛАРИ

Америкалик Г. Спинрад раҳбарлигидаги бир неча астроном шу пайтгача фанда маълум бўлмаган энг узоқ иккита янги галактикани топди. Бу галактикаларнинг радиотўлқинларини аввалдан қабул қилинган ва уларга ЗС 427. 1 ҳамда ЗС 13 номерлари берилган эди. Энди ликда кучли телескоплардан фойдаланиб, самовотнинг тахминан 10 миллиард ёруғлик йили йироқлигидаги мана шу икки галактикаси нуқталарини кўришга муваффақ бўлинди. Улардан келган нурларнинг спектрига биноан галактикалар 16 миллиард ёшда деб тахмин қилинмоқда. Бу — Коинот ёшининг энг юқори чегараси бўлиб мазкур галактикалар дунёнинг энг узоқ ва энг кекса нуқталаридир.

АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИ БИЛАН «СЎЗЛАШАДИ»

Япон автоконструкторлари ихтиро этган янги қурилма ҳайдовчини инсоний овоз билан автомобилда юз берган ҳар қандай камчилик ва нуқсонлар тўғрисида огоҳлантиради. Бу қурилманинг электрон узатгичлари нутқ синтезаторига уланган бўлиб, нормадан ташқари бирон бир ҳолат рўй берса, айтайлик, тормоз суюқлигининг кўрсатгичи пасайиб қолса ёхуд мотор қизиб кетса, баланд ва дўриллаган овоз билан бу ҳақда ҳайдовчига хабар беради. Агар ўша кезда автомобилга ўрнатилган радиоприёмник ёки магнитофон ишлаб турган бўлса, синтезатор қурилма автоматик равишда ўзининг «овози» эшитилсин учун уларни ўчириб ҳам қўяди.

ҚАДИМИЙ ОДАМ ИЗЛАРИ

Австралиянинг шимолий территориясида жойлашган Какаду-парк қўриқхонаси районида олиб борилган археологик қазилмалар Ерда одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотга яна бир янгилик қўшди. Бу ерда археологлар Австралия қитъасида биринчи марта қадимий одамларнинг манзилини топдилар. Австралия Миллий университетининг катта илмий ходими Рис Жонснинг гуруҳи беришича, ер остидан — салкам уч метр чуқурликдан топилган тош қуроллар неондертальцлар пайдо бўлмасдан анча аввал Австралияда қадимги одамларнинг яшаганлигини кўрсатади. Бу янгилик ғарбий европалик айрим олимларнинг бошқа қитъаларни камситадиган таълимотларига яна бир зарбадир.

ҚЎЛБОЛА ЎРМОН

Пўлат қуйиш цехидан чиқмай туриб соя-салқин... ўрмонда дам олиш мумкинми! Бунга ишониш қийин, албатта. Аммо Минск трактор заводининг пўлат қуйиш цехи ёнидаги алоҳида хонада бўлган киши ўзини худди ўрмонга кириб қолгандай ҳис қилади. Тасаввур этинг, уч-тўрт қадам наридаги пўлат қуйиш цехида олов гувиллаб турибди, пўлат эритиляпти. Унинг ёнидаги хонада эса сокинлик ҳукм суради, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Хона ўрмон манзарасини эслатувчи декоратив панеллар билан безатилган. Улкан кондиционер хонага салқинлик пуркайди. Магнитофонга ёзиб олинган қушларнинг сайраши, сувнинг шарқираб оқиши, барглариннг шитирлаши ўрмонни эслатади. Пўлат қуювчилар қўлбола ўрмонда ҳузур қилиб дам оладилар. Бу хонада чиқарилган ярим соатлик ҳордиқ иш унумининг ошишига катта ёрдам бераётир.

ҚУЁШ ШАҲРИ

Австралияда яна ўн икки йилдан кейин «жаҳондаги энг ҳавоси тоза» шаҳар қуриб битказилиши керак. Унинг қурилиши учун қитъанинг шарқидаги Брисбон яқинидан кенггина бўш жой ажратиб қўйилди. Бу ерда пирамидалар кўринишига ўхшайдиган турар-жой уйлари ва муассаса бинолари қуриш мўлжалланган. Ҳозир мана шундай турар-жойлардан бири тикланди. Унинг томида қуёш коллекторлари—таги қорайтирилган ўзига хос махсус ванналар жойлаштирилган бўлиб, улардаги сув қуёш нури орқали +60 С гача иситилади. Бинонинг жанубий томонига нурни электр токига айлантирувчи яримўтказгичлар ўрнатилган. Бу электр қуввати бинони ёритиш, турмушда қўлланиладиган электр асбобларини ишлатиш, кондиционер ва телефонлардан фойдаланиш учун сарфланади. Ҳатто овқатларни ҳам кундузги ёруғлик манбаи ёрдамида пиширши мумкин. Бунинг учун това ёки қозонга кўзгудаги нур аксининг «қуёнча»си қаратиб қўйилади.

Тутаб ётган электростанциялари бўлмаган бу шаҳар 4 мингта уй ва 15 минг аҳолига мўлжалланган. Шаҳарда оддий автомобиллардан воз кечиш ҳам режалаштирилган. Қуёш батареяси ўрнатилган панеллар электромобилларнинг аккумуляторларини электр қуввати билан таъминлай олади.

Бундай антиқа шаҳарнинг лойиҳаси асосан Квинсленд университети мутахассислари — олимларнинг қуёш энергиясидан фойдаланиш жамияти аъзолари томонидан ишлаб чиқилган. Шаҳарни қуришда инглиз, япон мутахассисларининг ихтиролари ҳам қўлланилиши мўлжалланмоқда.

ЧЎПОНЛАРНИ ҚИЙНАГАН МАҲЛУҚ

Юнонистоннинг Кавелла райони чўпонлари кўп ойлар мобайнида ўз тинчликларини йўқотиб юрдилар. Қандайдир сирли йиртқич уларнинг сурувига ҳужум қилиб, ҳар куни биттадан қўзичоқ еб кетар эди. Чўпонлар қанчалик пойламасинлар анча вақтгача сир сирлигича қолаверди.

Бироқ яқинда кўпчиликнинг бошини қотириб юрган жумбоқ ечилди: Петропигие қишлоғи ёнида қазув ишлари олиб борилаётганда экскаватор тасодифан жуда улкан илонни эзиб юборди... Баҳайбат илоннинг узунлиги етти метр, оғирлиги саксон килограмм эди. Чўпонларнинг отарини худди шу илон хароб қилганлиги маълум бўлиб қолди. Бу Европада ҳозиргача учраган энг катта илондир.

ЧЕКМАНГ, ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАНГ

Инженерларнинг ҳисоби бўйича, агар жамоат уйларида ва муассаса биноларида чекиш ман этилса, бузуқ ҳавони тозалаш учун сарфланадиган энергияни икки ҳисса, ҳатто ундан ҳам кўпроқ тежаш мумкин экан. Бундан ташқари хоналарнинг ҳавоси доимо тоза ҳолида турадн. Агар чекилган хонадаги тамаки тутунининг ҳидини бутунлай йўқотишга ҳаракат қилинса, ҳавони тозалашга кетадиган энергияни 4—5 марта кўпайтиришга тўғри келади.

ХАВФСИЗ ЁНИЛҒИ

Самолёт ҳалокати пайтида агар унинг қанотларига жойлаштирилган ёнилғи баклари шикастланса, тўкилган бензин ҳаво оқими билан қўшилиб майда томчилар булутига айланади. Жиндак учқун ёки самолёт двигателининг қизиган парраклари тегиб кетса борми, шу паҳсанинг ўзида бу «булут» ловиллаб ёнади, самолётни эса бутунлай аланга қоплайди.

Англиялик ва америкалик инженерлар ҳозир худди шу хавфни йўқотиш мақсадида «ФМ—9» моддасини синаб кўрмоқдалар. Бу узун занжирсимон молекулали полимердир. Авиацион бензинга ана шу моддадан 0,3 процент аралаштирилса, ёнилғининг ёпишқоқлиги ошади. Ҳатто кучли ҳаво оқими билан пуфланган тақдирда ҳам суюқликнинг ёйилиб кетиши юз бермайди. Айни вақтда бу «ФМ—9» моддаси қўшилган ёнилғи 40 даража совуқда ҳам ўз оқувчанлигини сақлаб қолади. Яъни уни насос билан ҳайдаш мумкин бўлади.

Лекин, шунисн ҳам борки, поршенли ёки реактив двигателларда унинг ёниши учун ёнилғини двигателга ҳайдашдан олдин «ФМ—9» моддасини филтрлаб ажратишга тўғри келади. Бу эса самолёт ёнилғи қурилмаси тайёрлашни қимматлаштиради. Бундан ташқари «ФМ—9» моддасининг қўшилиши ёнилғи нархини 7 процент оширади.

Редакция почтасидан

МЕҲРИ ДАРЁ

Катта кўча бўйлаб эрта тонгда бир аёл бораётир. Мактабга отланишган ўқувчилар кўзларида меҳр порлаб унга салом беришади, ҳавас билан қарашади. Болаларни кўриб аёлнинг юз-кўзига табассум югуради. Унинг чеҳрасидаги табассумни тонг ўз нури билан чаяди, аёлнинг чиройи янада яшнаб кетади.

Бу аёл — Жамила Хўжаева, бир неча йиллардан бери Калинин районидаги 34-ўрта мактабда муаллим. У ёшлигидан педагог-тарбиячи бўлишни орзу қиларди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирган Жамила Хўжаева 1966 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-география факультетига ўқишга кирди.

Студентлик йиллари ҳа-ҳу дегунча ўтиб кетди. Жамила Хўжаева 1970 йили институтни имтиёзли диплом билан битирди. Дастлаб институт йўлланмаси билан Янгийўлдаги медицина билим юртида ишлади. Бу ерда у талабаларга КПСС тарихидан лекция ўқиди. Кейинроқ ўрта мактабда юқори синф ўқувчиларига тарих ва жамиятшуносликдан дарс бера бошлади.

Жамила опа раҳбарлик қилаётган синфдаги ўттиз тўрт ўқувчи — ўттиз тўрт хил дунё. Ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топа билиш учун мураббийнинг ўзи иродали, саботли, қалби дарё бўлиши зарур. Ўқувчиларга фақат сўнмас меҳр-муҳаббат қўрини тўккан ўқитувчигина ўқувчиларнинг муҳаббатини қозонади. Жамила опа — ана шундай мураббийлардан. Масалан, иккинчи чорак якунланаётганида Маҳамат деган ўқувчининг асосий фанлардан баҳолари негадир паст эди. Унга кўмаклашмоқчи бўлган синфдаги «Тез ёрдам» экипажи аъзоларининг ҳаракати зое кетди. Улар Маҳаматнинг дарсга нисбатан бепарволиги сабабларини билишолмай, Жамила опанинг ўзига мурожаат этишди, Жамила опа боланинг уй шароити билан танишди, онаси билан суҳбатлашди. Маҳамат, уйдагиларга ҳам қулоқ солишни истамас, эртаю кеч кўчада ўзидан кичик болалар билан футбол тепар экан. Жамила опа аввал уни мактабдаги спорт секциясига аъзо қилиб қўйди. Кейинроқ опа Борис Полевойнинг «Чин инсон қиссаси» китобини келтириб: «Мана шу китобни ўқиб чиқиб, менга мазмунини сўзлаб бергин. Яхши китоб», деди. Маҳаматни асарнинг бош қаҳрамони Мересьевнинг ҳаёти қизиқтириб қолди, воқеалар тизмаси уни ҳаяжонга солди. Бора-бора дарсларни ўзгача бир иштиёқ билан тинглайдиган бўлди. Синф аълочилари уни оталиққа олишди. Натижада чорак охирида синф ўқувчиларининг ўзлаштириши юз фоизга етди...

1975 йили ҳамқишлоқлари Жамила Хўжаевага ишонч билдириб, область Советига депутатликка сайлашди. У сайловчилар томонидан берилган наказларни аъло даражада бажариб келмоқда. Аҳоли илтимосига биноан яқинда юз берган Назарбек зилзиласидан шикастланган боғча ва мактабнинг иккинчи корпуси қурилишини, шунингдек, қишлоқдаги барча хонадонларни газлаштиришни тезлаштириш учун ҳаракат қилаётир.

Бундан ташқари Жамила опа мактабда тарих тўгарагини бошқаради. Тўгаракда ўқувчилар КВНларга, олимпиадага қатнашиш учун тайёргарлик кўришади. Тўгарак аъзолари Зангиота қишлоғининг революциядан олдинги ҳаётини ўрганишяпти.

Жамила опа мактаб тарих фани комиссиясининг раиси сифатида ёш педагогларга таълим-тарбиянинг асосий вазифалари, ўқувчилар билимини тўғри баҳолашнинг аҳамияти, ўқувчиларни коллективизм руҳида тарбиялаш, уларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш каби масалалар бўйича қимматли маслаҳатлар беради...

Қишлоққа оқшом қўнди. Осуда тун. Ишдан ҳориб қайтган кишилар ором олишмоқда. Лекин Жамила опа хонадонининг чироғи ҳали-бери ўчмайди. У беш фарзандининг кийим-кечагига дазмол босиши, эртанги дарсларига тайёргарлик кўриши ва яна анча-мунча уй юмушларини бажариши керак. Жамила Хўжаева буларнинг барчасига улгуради.

Эрта билан у юзларини тонгга чайиб яна йўлга тушади. Чунки опа ўз шогирдлари қалбига нур улашмоғи керак.

Маъпура ЮНУСБОЕВА

«Тож»дорлар

Шахмат «тож»и, яъни жаҳон чемпионлиги учун кураш қачон бошланган? Бу саволга жавоб тариқасида биринчи жаҳон чемпиони расмий эълон қилинган вақтни айтишлари мумкин. Аммо бу унчалик тўғри эмас. Аниқроқ жавоб бериш учун эса узоқ ўтмишга мурожаат қилиш даркор.

Маълумки, шахмат бундан икки минг йилча илгари пайдо бўлган. Ҳозирги замон шахмати деярли бутун ер юзи халқларининг коллектив ижод меваси сифатида асрлар давомида шаклланган.

Ўрта Осиёда шахмат тез суръатларда ривожланди, VIII—XV асрлар мобайнида бу ерда кўплаб истеъдодли шатранж усталари етишиб чиқди. Уларни жаҳон чемпионлари деса бўладими? Йўқ. Аммо уларни ўз даврининг энг кучли, тенгги йўқ шахматчилари деб ҳисоблаш мантиқан тўғри бўлади.

«Тож» учун кураш тарихини халқаро шахмат алоқаларига асос солинган пайтдан, кўпгина мамлакатларнинг вакиллари расмий мусобақаларга қатнаша бошлаган даврдан бошлаш ўринлидир.

1851 йилда Лондонда халқаро саноат кўргазмаси ташкил этилди. Шу пайтда инглиз шахмат мастери Г. Стаунтон ташаббуси билан биринчи халқаро турнир ўтказиш режалаштирилди. Таклифномада, чунончи, бундай деб ёзилган эди: «Барча шахматчилар учун жаҳоннинг кўзга кўринган ўйинчиларининг бир-бирларига нисбатан амалий кучларини билиб олиш ниҳоятда зарур. Бу турнирни биз ана шу мақсадда ўтказмоқчимиз».

Бу турнирда 16 киши қатнашди. Унда немис шахматчиси А. Андерсен ғолиб чиқди. Бу турнир жаҳоннинг барча мамлакатларида шахмат ўйини тараққиётига зўр ижобий таъсир кўрсатди. Йил сайин мусобақаларнинг сони орта борди, шахмат клублари ташкил этила бошлади.

1858 йилда америкалик ёш шахматчи Поль Морфи Европанинг энг кучли шахматчиси Адольф Андерсенни енгади. Бу учрашув, гарчи расмийлаштирилмаган бўлса ҳам, аслида жаҳон биринчилиги учун ўтказилган матч эди.

Поль Морфи баъзи сабабларга кўра тез орада шахмат майдонидан четлашиб қолади. Андерсен яна жаҳоннинг энг зўр шахматчиси деб танилади.

1866 йили Андерсен Вильгельм Стейниц билан учрашади. Бу ҳам расмийлаштирилган бўлмаса-да, жаҳон биринчилиги учун бўлиб ўтган ўйин эди. Матч 8:6 ҳисобида ёш Стейниц фойдасига ҳал бўлди.

Жаҳон шахмат «тож»и учун дастлабки расмий учрашув 1886 йили АҚШда ўтказилди. Бунда Стейниц Андерсеннинг шогирди И. Цукерторт билан беллашди. Бунда ҳам устун келган Стейниц биринчи расмий жаҳон чемпиони деб эълон қилинади. Йирик назарётчи ва амалиётчи бўлган Стейниц шахмат тарихидан алоҳида ўрин олади. У шахмат ўйини стратегияси ва тактикасига тегишли талайгина принципиал қоидаларни ишлаб чиқади.

1894 йилда Стейниц 26 ёшли Эммануиль Ласкердан енгилади. Ласкернинг кучи рақибини ҳаққоний танқид қилишдан, унинг психологик жиҳатдан йўл қўйган хатоларини топишдан иборат эди.

Шахмат тарихида жаҳоннинг учинчи расмий чемпиони бўлган кубалик Хосе Рауль Капабланка кичик афзалликлардан фойдаланиш техникасини жуда юқори босқичга кўтарди.

1927 йили Аргентинада ўтказилган матчда рус шахмат мактабининг асосчиси Михаил Чигорин анъаналарини давом эттирган гениал шахматчи Александр Алёхин Капабланкани енгди ва шахмат санъатини янада такомиллаштирди. У шахмат стратегияси ва тактикаси назариясини бойитди, комбинациялари билан донг таратди.

Голландиялик Макс Эйве 1935—1937 йиллар давомида чемпион бўлиб турди. «Тож» яна Алёхин қўлига ўтди. У енгилмай вафот этди.

1948 йилда совет шахмат мактабининг вакили, техника фанлари доктори Михаил Ботвинник энг кучли гроссмейстерлар турнирида ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлди. Ўйин ўрталарида учрайдиган кўпгина типик позицияларни системага солишда Ботвинниқнинг хизмати катта. 1957 йилда у совет шахмат мактабининг бошқа бир вакили Василий Смисловдан енгилади ва бир йил ўтгач, такрорий матчда унвонини қайтариб олади. Ниҳоят, 1960 йили 24 ёшли ригалик гроссмейстер, шахмат комбинацияларининг ажойиб устаси Михаил Таль Ботвинникни енгиб, шахмат тахтига кўтарилади. У ҳам бир йил ўтгач, Ботвинникдан енгилади.

Орадан уч йил ўтди, Ботвинник позициявий курашни такомилига етказган 34 ёшли совет гроссмейстери Тигран Петросянга рўбарў келди. Тигран Петросян навбатдаги жаҳон чемпиони бўлди.

1966 йили Петросян Борис Спасскийга қарши ўйинда ўз унвонини сақлаб қолган бўлса-да, яна уч йилдан сўнг ундан енгилди. Жаҳоннинг ўнинчи чемпиони Спасский 1972 йил Исландияда америкалик гроссмейстер Роберт Фишер билан учрашди. Р. Фишер ўн биринчи «тож»дор бўлди. 1975 йили у ўз унвонини ҳимоя қилиши керак эди. Аммо белгиланган матчга келмади. Халқаро шахмат федерацияси Низомга кўра 24 ёшли Анатолий Карповни жаҳоннинг ўн иккинчи чемпиони деб эълон қилди. Бу унинг улкан мусобақаларда эришган ажойиб ютуқларининг қонуний якуни бўлди.

«Минг афсуски,— деди Карпов,— матч бўлмай қолди. Лўнда қилиб айтганда, Фишер «бошга чиқиб олмоқчи». Бунинг нима кераги бор? Мабодо Фишер шахсан шахмат тахтаси ёнига ўтириш истагини билдирса, мен у билан ўзаро аниқ келишиб олинган шартлар асосида ўйнашга тайёрман». Бироқ Фишер шахмат оламида кўринмай кетди. Карпов 1978 йили Филиппин оролларида ўтказилган матчда ўз рақибини енгиб, унвонини сақлаб қолди.

Бу йилги — навбатдаги жаҳон биринчилиги матчи бошланишидан аввал «тож» талабгори албатта ютажаги ҳақида жар солди. Бироқ кейинги йилларда иккинчи даражали турнирларда ҳам кўпинча биринчи бўла олмагани, Карпов эса олий даражадаги мусобақаларнинг аксариятида ғолиб чиққанлиги, Корчной даъволари қуруқ пўписадан ўзга нарса эмаслигидан далолат эди. Буни матчнинг дастлабки учрашувлариёқ тасдиқлади: биринчи беш матчдан учтасини бой бериб, иккитасини дуранг қилди, холос.

Шоирларнинг мухлислари кўпинча улардан: «Дастлабки шеърингизни қачон ёзгансиз?», деб сўрайдилар. Шахмат ҳаваскорларини, айниқса жаҳон чемпионларининг мухлисларини эса, албатта, улар биринчи турнир партияларини қачон ўйнаганликлари қизиқтиради.

Катталар ўртасида Златоус шаҳри биринчилиги учун 1961 йили ўтказилган мусобақада ўн ёшли Анатолий Карпов билан Ю. Калашников биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олишган. Бу муҳим учрашув шундай давом этган.

Оқ доналарни сурган Карпов испанча деб аталувчи ўйинда тўртинчи юришда оқ филини отга алмаштириб, рақибини ҳайрон қолдиради. Ўн ёшли бола кейинчалик кўпгина доналар алмаштириб, позиция соддалашиб кетадиган эндшпилга ўтиладиган вариантни танлайди, оқларнинг 25-юришидан кейин тахтада шундай вазият вужудга келади.

Кимнинг ўйини яхшироқ: оқларникими ё қораларники? Бунга аниқ жавоб бериш қийин. Қораларнинг фили актив, лекин икки пиёдаси қават бўлиб қолган. Бунинг устига улар хатога йўл қўядн.

25... d4?

Бордию қоралар бошқача юрганда, Карпов c2—c3 ва Крd2—e3 ўйнаб, c5 даги пиёдага ҳужум бошлар эди. Кейинчалик улар қора шоҳни марказдан ҳайдар ва ўз активлигини оширар эди. Ҳар қалай, бу вариантда ютуққа эришиш осон бўлмасди. Ўйинда рўй берган ноаниқликдан сўнг Толя кичик комбинациялар ёрдамида қора пиёдалар занжирини узиб ташлайди.

26. Ке4 c4.

Мажбурий юриш 26... Крd5 бўлса, 27. С4+! дан кейин қоралар dc қилишга, пиёдаларини заифлаштиришга кўнарди: 27... Кр: c4? бўлса, 28. Кd6+.

27. c3! Cf5.

27... d3 бўлса, 28. Кре3 g5 29. g3 кейин 30. f4+

28. cd+ Кр:d4 29. Кс3 Cd3 30. g3 g5 31. a3 h5 32. Kd1 Cf1 33. Ке3 Cd3 34. Kd1 Cg6 35. Кс3 Cd3 36. Kd1 Ch7 37. Кс3 Cg8?

Карпов 40-юришдан кейин ўйинни кечиктириб, вазиятни уйда яхшилаб таҳлил қилиш учун юришларни такрорлаётган пайтда рақиби хатога йўл қўяди. Бунинг ўрнига у 37... Cd3 юриб турганда, нима бўлишини ўзингиз таҳлил қилиб кўринг.

38. Ке2+ Кре5 39. Кре3 Крd5 40. Кс3+ Кре5 41. Ке4 Крf5 42. Кс5! Кре5 (42... a5 бўлса, 43. Кв7 a4 44. Кс5) 43. К:a6. Яна бир неча юришдан сўнг қоралар таслим бўлди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери

Шахмат устаси

(Михаил Ботвинник 70 ёшда)

1939 йили чет элда — муҳожирликдаги рус шахматчиси, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Александр Алёхин билан чемпионликка даъвогар, 28 ёшли совет шахматчиси Михаил Ботвинник ўртасида матч ўтказилиши мўлжалланган эди. Афсуски, иккинчи жаҳон уруши бошланиб, уларнинг учрашуви амалга ошмай қолди. Уруш тугагандан кейин — 1946 йили Михаил Ботвинник жаҳон чемпионини баҳслашишга таклиф этди. Москвада ўтказилиши керак бўлган бу матч Алёхиннинг вафоти туфайли ўтказилмай қолди.

1948 йили янги чемпионни аниқлаш учун жаҳон шахмат федерацияси томонидан матч-турнир уюштирилди. Энг кучли гроссмейстерлар баҳслашувида Михаил Ботвинник улкан ғалабани қўлга киритди: совет шахматчилари орасидан етишиб чиққан биринчи жаҳон чемпиони бўлди.

Михаил Моисеевич Ботвинник 1911 йилда Ленинградда туғилди. Унинг шахмат соҳасидаги истеъдоди жуда эрта намоён бўлди: 16 ёшидаёқ шахмат мастери, 20 ёшида шахмат бўйича СССР чемпиони сифатида довруқ қозонди. Шу вақтдан эътиборан у совет шахматчиларининг пешқадами ва устоди бўлиб танилди. Жаҳоннинг энг кучли ва донгдор шахматчиларини ҳам фавқулодда истеъдоди билан қойил қолдирди.

Уз даврида шахмат машинаси деб шуҳрат таратган кубалик машҳур шахматчи, собиқ жаҳон чемпиони Хосе Рауль Капабланка билан Михаил Ботвинник ўртасидаги бир учрашувда қизиқ воқеа юз беради. Капабланканинг соати ишдан чиқади. Дебют ўйнаб бўлингандан кейин Ботвинник ногаҳон рақибининг соати юрмаётганлигини сезиб қолади. У ўз соатига солиштириб, Капабланка соати 20 минут тўхтаб турган, деган хулосага келади ва бу ҳақда турнирда ҳакамлик қилаётган Г. Кмохга ахборот беради. Г. Кмох дарҳол соатни алмаштириб, экс-чемпионга 20 минут қўшаётганлигини айтади. Капабланка эътироз билдиради. «20 минут тўхтаганлиги қаёқдан маълум бўла қолди, балки беш минут тўхтагандир?»— дейди у. «Жаноб Капабланкага айтинг,— дейди Михаил Ботвинник ҳакамга,— мен унинг барча талабларига розиман...» Г. Кмох Ботвинник сўзини унга тушунтирар-тушунтирмас, Капабланка жаҳл билан қўлини силкиб, ҳакамнинг биринчи таклифига рози эканлигини айтади...

Михаил Ботвинник 1948 йил эришган чемпионлик тожини 1951 йили Давид Бронштейн билан бўлган курашда ҳам ўз қўлида асраб қолди. 1954 йили шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига Василий Васильевич Смислов даъвогар бўлиб чиқди. Бироқ шу йилнинг кўкламида улар ўртасида давом этган икки ойлик баҳс дуранг натижа билан якунланди. Жаҳон шахмат федерацияси қоидасига мувофиқ дуранг натижа чемпион фойдасига ҳал бўлар эди. Шу сабабдан шахмат тожи яна Михаил Ботвинникнинг ўзига насиб этди. Бироқ уч йилдан кейинги матчда Василий Смислов Михаил Ботвинник устидан ғалаба қилишга эришди. У шахмат тожини бир йил давомида, яъни 1957 йили ушлаб турди. Бир йилдан сўнгги матч-реваншда Михаил Ботвинник шахмат тожини тағин қайтариб олди.

1960 йили 24 ёшида шахмат бўйича жаҳоннинг тўққизинчи чемпиони бўлган Михаил Таль ҳам совет шахмати мактабидан етишиб чиққан эди. Лекин устод шахматчи бир йилдан кейин ўтказилган матч-реваншда Михаил Таль устидан ғалаба қозониб, яна чемпион бўлди.

Михаил Ботвинник бошқа буюк шахматчилардан ўзига хос матонати ҳамда шахматга чуқур илмий ёндошиши билан алоҳида ажралиб турарди. Унинг табиий истеъдоди билан улкан меҳнатқашлик қобилияти, букилмас иродаси, ғалабага бўлган кучли ишончи бир-бирига узвий равишда уйғунлашиб кетган. У ўйин пайтида шахмат тахтаси устидаги вазиятни аниқ ва теран таҳлил қилиб, тўғри баҳолай билади. Шу билан бирга, у рақибининг майдонида кучсиз ҳалқа вужудга келтириб, ундан моҳирона фойдаланишга уста. Мураккаб ва ўткир ўйинни намоён этиш учун у қийин дебютларни биринчи бўлиб қўллашга ҳамиша шай туради. Чунончи, 1951 йилги Ботвинник билан Бронштейн матчининг бешинчи партиясида фарзин гамбитига тааллуқли Ботвинник системаси яратилди.

Совет шахматининг оқсоқоли ажойиб шахмат тадқиқотчиси ҳамдир. Зотан, у шахмат тўғрисидаги бир қатор китобларнинг муаллифи сифатида ҳам машҳур. Лекин асли касби инженер-энергетик бўлган Михаил Ботвинник шахмат майдонида кураш билан бир вақтда илмий иш ҳам олиб борди. Техника фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Михаил Ботвинник 1963 йили шахмат тожини Тигран Петросянга топширди. У узатган эстафета байроғи ишончли қўлларда. 1969 йили Тигран Петросянни Борис Спасский енгиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Ораликда шахмат тожини фақат уч йилгина америкалик Роберт Фишер ушлаб турди. Ёш ва истеъдодли совет шахматчиси Анатолий Карпов жаҳоннинг навбатдаги чемпиони бўлди. Карпов Меранода жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчда ишончли ғалаба қозонди ва совет шахмати байроғини янада баланд кўтарди.

Эргаш МУҲАМЕДОВ

Ҳақиқатикаҳак

Абдулла ҚОЗОҚ

ПОРАХЎР ҚОПҚОНДА

ИККИ ҲАЖВИЯ

Адашбой Хуррамовлар оиласи Янги йилга тайёргарлик кўрмоқда эди. Хуррамов шўх бир куйни хиргойи қилиб, арча ясатар, кўзинчоқдай дикир-дикир сакрашаётган болаларига қўшилиб завқ билан кулар эди. Бир пайт ошхонадан Олтинойнинг овози эшитилди:

— Адашбой ака, «Хизмат беминнат»га тайинлаганмидингиз?

Ўз хаёли билан банд бўлиб турган Хуррамов шифтга қараб сўради:

— Нимани?

Олтиной, бир қўлида капгир, ошхонадан чиқиб, эрининг пешонасига беозор чертди:

— Ҳа, галава, Қорбобони айтяпман!

— Тайинлаганман, албатта келади, овқатни тезлаштир,— деди кулиб Хуррамов.

Олтиной ҳазил билан канизаклардай таъзим бажо қилиб чиқиб кетди. Хуррамов кечагина ҳаётида бўлиб ўтган ўзгаришни ўйлай бошлади. Уни катта базага бошлиқ қилиб тайинлаганларига, мана, бир йил бўлиб қолди. Олдинги директор нопок экан, жиноят устида қўлга тушибди. Турган гап, янги коллектив билан ишлаш осон бўлмайди. Биринчи навбатда базани ҳаромхўрлардан тозалаш керак. Нафс бандаларининг ўпқонига тош бостириш лозим.

Девор соати саккиз марта бонг урди. Хуррамов нохуш фикрни ҳайдагандек қўл силтаб, магнитофоннинг қулоғини бураб, Янги йил алёри янгради.

Хуррамов қадаҳларни сочиқ билан артаётган пайтда эшик қўнғироғи чалинди. Аввал Олтинойнинг: «Марҳамат, ичкарига, марҳамат!» деган таклифи, кейин болаларнинг «Қорбобо келдилар, Қорбобо!» деб қичқирган товуши эшитилди. Оппоқ соқолли, нуроний Қорбобо кириб, салом берди, ҳаммани байрам билан табриклади. Болаларга совға улашди, кейин уларнинг қўлидан ушлаб арча атрофида ўйин тушди.

Болаларнинг хурсандчилиги чексиз эди.

Қорбобо ўз вазифасини ўтаб бўлгач, уй бекасига гулдаста солинган чиройли саватча тақдим қилди.

— Гўзал аёлга гулдан азизроқ совға бўлмаса керак, марҳамат!

Олтиной қизариб, саватчани олди, гулдастани ҳидлаш учун эгилган эди, унинг орасидаги семиз конвертга кўзи тушди. Юраги гуп-гуп уриб кетди. Кейин меҳмонга билдирмай оҳиста конвертни очди: унинг ичида бир пачка пул бор эди. Олтиной имлаб эрини бошқа хонага олиб чиқди, шивирлаб воқеани тушунтирди. Хуррамов: «Тезликда милицияга қўнғироқ қил!» деб залга қайтиб кирди. Хотинининг қўнғироқ қилаётганини билдирмаслик учун бўлса керак, магнитофоннинг овозини кўтариб қўйди. Қорбобо у ёқбу ёғини йиғиштириб, кетишга тайёрланиб турарди.

Хуррамов унинг елкасидан босиб жойига ўтқазди.

— Қутлуғ уйдан қуруқ кетма деганлар. Янги йил шарофати билан эллик грамм коньяк ичиб кетасиз, йўқса хафа бўламан.

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

— Худо хоҳласа, уйингизга кўп келамиз,— деди Қорбобо хушомад билан,— ўғил-қизларингизнинг тўйида хизмат қиламиз.

— Раҳмат, ниятингизга етинг. Қани, олдик, қимматли меҳмон.

Қорбобо коньякни оғзига битта ташлаб, мезбон тутган апельсинга қўл узатган пайтда эшик тўсатдан

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Чиябўри ва шер

(МАСАЛ)

Тун оққанда тинчиб қолди ўрмон ҳам пича,
Жонзот борки, ин-инида ухлаб ётар жим.
Овдан келгач Шер ҳам қотди чарчаганича,
Ҳукмдорнинг уйқусини буза олар ким?
Лекин шу онда —
Ўрмон чети — бир ташландиқ майдон томонда—
Ногоҳ эшитилиб қолди бола йиғиси,
Бўзлаб-бўзлаб нола қилар бечора гўдак,
Фарёдига чидай олмас ҳатто тош юрак.

Бу товушдан бузилди-ю Шернинг уйқуси,
Суриштирди: «Ким экан у, нечун солар дод?
Ўз фарзандин ташласа-я, наҳот одамзод!
Чидолмайман бу нораста чекиб турса оҳ!»
Унга аста дедиларки: «Эй, одампаноҳ,
Йиғлаётган бола эмас — Чиябўри-ку!
Емиш излаб шу тахлитда увлаб юрар у...»
«Тезда бунда келтирилсин ўша нобакор!»
Чиябўри Шер олдида турар таъзимкор.
«Бу нимаси?! — бўкирди Шер, — эй мурдахўрда,
Бу қилиқни ўргангансан сен қайси гўрдан?
Аслида сен ўлаксахўр, оғзинг доим қон,
Нега масъум гўдак каби чекасан фиғон!»
Чиябўри дум қисганча титради дағ-дағ:
«Ҳукмдорим, раҳм-шафқат айлангиз андак,
Бу иш гуноҳ эканлигин қаердан билай,
Табиатан шундай бўлсам нима ҳам қилай?
Тил бошқа-ю, дили бошқа битта менмидим?

Ахир, ҳатто одамзодда учрар бу удум...»
Хўмрайганча ўйга толиб Шер деди: «Йўқол!»
Дум силкитиб, қуллуқ қилиб тисланди Шоқол...

— Кассадан қўлингни торт, юлғич!

— Беш юз сўм пора сўраган экан, нақд айтганини олибди-я!

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

Эҳтиётқор киши.

КАПАЛАКМИЖОЗ

Девор соати бир маромда чиқиллайди. Қўшни хонадан эркак кишининг беўхшов хурраги эшитилади. Кроватда ётган гўдак иситма зўридан оёқ-қўлчаларини типирчилатиб безовталанади, алаҳлайди. Уйқусизликдан қовоқлари салқиб кетган жувон кўзи тўла ёш, кроватни тебратади, жовдираб эшикка қарайди. «Тез ёрдам»дан эса ҳамон дарак йўқ. Маҳлиё қизчасининг ўт бўлиб ёнаётган юзини қўяди, ғамалам оташида қоврилиб, ўтмишини эслайди. Хурракни башанг қилиб ётган эри — Латифжон билан кечирган ҳаёти кўз олдидан ўтади. Унинг севги изҳор қилиб, тўккан кўз ёшларини эслаб хўрсинади, лабини тишлаб, уҳ тортади. Ўла-ўлгунча бирга бўламиз деб қасам ичган, сизга келган офатга балогардон бўламан, деб кўксига муштлаган шу, Латифжон эмасмиди, хаёлидан ўтказади ёш жувон алам билан. Мана, турмушнинг аччиқ-чучугига шерик бўламан деган олифтанинг тахири чиқиб қолди. Ҳа, ўшанда роса дабдабали тўй бўлди. Коньяк, шампанлар дарё бўлиб оқди... Савлатидан от ҳуркадиган кишилар қадаҳ кўтариб ваъзхонлик қилишди. Айниқса, сочи елкасига тушган кишининг баланд-парвоз табрики ажойиб бўлган эди. «Келинимиз қизил гул, куёв бола оқ гул, гуллар қўшилиб, гулдаста бўлсин, қирқоғайнидек кўпайсин, серфарзанд бўлсин!», деган эди у қадаҳ кўтариб.

Маҳлиё нашъа қилиб илжайди. «Қирқ оғайнидек кўпайсин» эмиш-а... Кўпайиб бўпти! Қайтанга у яқин кишисининг қалбига ниш уряпти-ку! Мансабдор отаси даврага тушиб, машина калитини бармоғида айлантириб, келинимга «Жигули»ни совға қиламан деб керилганидаёқ билган эдим унинг кимлигини. Ҳа, гуллар очилган гўзал баҳорда тўй бўлиб ўтди. Дастлаб, Латифжоннинг оғзидан бол томди, гул ишқида булбул бўлиб сайради. Бироқ, сал ўтмай, асал ойи тугаб, касал ойи бошланди. Баҳор ўтиб, куз келгач, Латифжон қарғадай қағиллаб, калхатдай чўқий бошлади. Ҳар куни ичиб келиб, баландпарвоз гаплар айтиб, қутурган туядай оғзидан кўпик сочадиган, ҳақорат қиладиган бўлди. Битта бола туғиб, «Пуф сассиқ» бўлиб қолдик. Мен аҳмоқ бўлмасам, отасининг мақтанчоқлигига учармидим, ўғлининг қуруқ ваъдасига ишонармидим. Уй нотинч бўлганидан кейин дуру гавҳарларини, машинаю участкасини бошимга ураманми?!.

Боласининг чириллаб йиғлаши Маҳлиёнинг хаёлини бўлди. У «жонимлаб» чақалоғини қўлига олган эди, қўшни хонада эрининг дағал товуши эшитилди:

— Ҳей, намунча акиллайди итваччанг! Жағига қўйиб юборсанг-чи!

Маҳлиёнинг назарида гўё зилзила туриб, ер остин-устун бўлгандай туюлди. Аъзойи бадани титраб, оғзидан нима чиққанини билмай қолди:

— Акиллашни сиздан ўрганяпти, нега бўкирасиз касал болага?

Латифжон даҳшат билан хотинига яқинлашди:

— Мени ит демоқчимисан, алвасти?

— Мен эмас, ўзингиз айтдингиз кимлигингизни.

— Тилингдан илонлар пўст ташлайди, кимдан ўрганяпсан заҳарли гапларни, ҳой?!.

— Чаёндан ўрганяпман!

— Сен билан яшагандан кўра, ўлганим минг марта яхши. Ҳозир зоопаркка бориб, ўзимни йўлбарснинг олдига ташлайман,— деди Латифжон.

— Овора бўласиз, йўлбарс ўлимтикни емайди,— деди Маҳлиё қизчасининг елкасига қаттиқ-қаттиқ уриб.

— Вой, падарингга лаънат, ҳали шунақа тилинг чиқиб қолганми сенинг? Мен ҳозир...

— Отамга тил теккизма, ифлос, ҳаммасига ўзинг айбдорсан!

— Ҳали шунақами, бўпти, ифлос билан яшамай қўяқол, кетганим бўлсин!

— Менга деса очиқ мозорга бориб ёт.

— Момо Ҳаво Одам Атонинг қовурғасидан яратилган, битта қовурғамни олиб ташласам, ўлиб қолмайман,— деди Латифжон энгил-бошини киятуриб.— Кетдим!

— Каллангни олиб ташласанг ҳам хафа бўлмайман,— деди Маҳлиё апил-тапил чиқиб кетаётган Латифжонга нафрат билан.

— Бурни кўтарилганнинг қиёфаси.

очилиб, милиция ходимлари кириб келди. «Қорбобо» беихтиёр ўрнидан туриб, старшинага қўл узатди.

— Менинг милициям, мени кўриқлайди, салом, ўртоқ капитан!

— Кечирасиз, мен старшинаман,— деди милиционер.

— Барибир, капитан бўласиз, ўртоқ старшина, ундан каттароқ бўлсангиз ҳам ажаб эмас.

Старшина «Қорбобо»нинг қўлини олмади. Бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқиб, «ўтиринг» ишорасини қилди.

— «Қорбобо»нинг совғаси қани?

Хуррамов саватни рўмолча билан ушлаб келтирди. У конвертни олиб очди, пулга қўл теккизмай, тўрт букланган хатни очиб ўқиди:

«Ҳурматли акажоним, Адашбой Хуррамович! Арзимаган Янги йил совғасини қабул қилишингизни сўрайман. Бу —(икки минг сўм) хамир учидан патир. Агар мен сўраган жойнинг мудирлигини берсангиз, уйингизнинг остонасини тиллодан қиламан. Хизматингизга умрбод бел боғлаб қолувчи укангиз Бўриевой».

— Вой, аблаҳ!— деди Хуррамов галстугини бўшатиб.— Ҳали шунақа ҳунаринг ҳам борми?

«Қорбобо» соқол-мўйловини кўчираётиб Хуррамовга ўқрайди:

— Ҳозир янги туғилган гўдакдай поксиз, фаришташиз сўфи ака. Тажрибангиз йўқ экан! Бир йилдан кейин кўрамиз ҳолингизни! Агар қўлингиз остидагиларнинг йўлига юрмасангиз, сизни ҳам асфаласофинга жўнатиб юборишади!

— Бас қилинг!— деди милиция ходими ва дарҳол акт ёзишга киришди. Акт ёзилиб ҳам бўлди. Хуррамов билан Олтиной унга қўл қўйдилар.

— Қандай қилиб «Қорбобо» бўлганингизни тегишли жойда тушунтириб берасиз,— деди милиция ходими.— Ҳар қанча гапингиз бўлса унда гапирасиз. Қани, кетдик!

Старшина гулдаста билан пул солинган конвертни рўмолга ўраб портфелга жойлади. «Қорбобо» сўкиниб, старшинанинг олдига тушди.

Латифжон таксига ўтириб, йўлбарснинг ёнига эмас, ойисининг уйига борди. Марварид хола ўғлини ваҳима билан кутиб олди:

— Жодугар хотининг яна қилиқ кўрсатдими, тойчоғим, нега хафасан?

— Келинингиз итни ҳайдагандай уйдан қувиб юборди,— деди Латифжон қўл силтаб.

— Ҳо... о.., молу дунёлар қутуртирибди-да мегажинни?

— Мен ҳам у билан яшамайман!

— Ажаб қиласан, хўп қиласан,— деди Марварид хола муштига муштлаб.— Хотин топилади, она топилмайди. Олтин бошим омон бўлса сенга онаси ўпмаган сухсурдай қиз топиб бераман. Ўлим берсин ўша эшиги машина кўрмаганнинг қизига!

Латифжон ён дафтарчасидан сурат чиқариб онасига узатди.

— Буёғи нақд, ойижон, қиз қидириб овора бўлмайсиз.

Она сирли илжайиб ўғлига қараган эди, Латифжон бошини ичига тортиб, тилини чиқарди, кейин, ёлғондакам йўталиб қўйди. Марварид хола қошлари қора, кўзлари сузик, икки бармоғида сигарета тутиб турган қизнинг расмига кўз югуртирди.

— Қаердан топдинг буни?

Латифжон қўлларини ишқалаб кулди:

— Кўпдан бери гўшт ҳидини сезган аридай атрофимда айланиб юрарди. Машинада икки марта катайса қилдирган эдим, елимдай ёпишиб олди. «Танца қилмайдиган, коньякнинг фарқига бормайдиган қолоқ хотинни қўйиб юборинг, мени олинг», дейди данғалиға. Тантилигига беш кетиб, уни севиб қолдим. Маҳлиёни қўйиб, бунга уйланаман. Дадам қаршилик қилмасмикин, ойи?

Марварид хола беписанд кулиб қўйди, бу билан у мен бор эканман, отанг нима қила оларди, демоқчи эди.

...Турмуш қурганларига йил тўлган куни Латифжон билан Маҳлиёнинг суди бўлди. Суд уларни хамирдан қил суғургандай осонгина ажратиб юборди. Омонат қурилган иморат қулади, норасида гўдак отасиз қолди. «Кўша қаринглар!» деб билдирилган тилаклар, қарияларнинг дуолари бир пул бўлди.

Суддан чақалоғини кўтариб келаётган Маҳлиё шуларни дилидан ўтказар, ўзини койир, Латифнинг виждонсизлигидан нафратланар эди. «Ахир, ота-оналаримиз бир-бирларига садоқатли, вафодор бўлган-ку, то умрларининг охиригача бирга яшаб, кўша қариган-ку? Турмуш ўртоғини ярим йўлда ташлаб қочадиган номард эркаклар қаёқдан пайдо бўлади ўзи?..»

Маҳлиё ана шу саволга жавоб тополмай дили хун бўлар эди.

Чотқол.

В. ТАРАН фотоси

12-СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Чкалов. 4. Магний. 11. Арча. 12. Икар. 13 Маяковский. 16. Буғу. 17. Рассом. 18. Аруз. 21. Лагерь. 22. Ҳикоят. 23. «Саодат». 24. Домино. 29. Коса. 30. Шиллер. 31. Аэов. 35. Гренландия. 37. Араб. 38. Литр. 39. Комета. 40. Январь.

Бўйига: 2. Кеча 3. Ошпаз. 5. Аския. 6. Инки. 7. Ҳабиба. 8. Мактаб. 9. Достон. 10. Фрунзе. 14. Кунгабоқар. 15. «Танобчилар». 19. «Арарат». 20. Чистон. 25. Экипаж. 26. Пионер. 27. Теннис. 28. «Аврора». 32. Брест. 33. Лимон. 34. Лазо. 36. Кипр.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси **Шоҳида Яҳёева.** (6-бетдаги «Еш ишчи» сарлавҳали лавҳани ўқинг.

Тўртинчи бет: Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати, ҳайкалтарош Ҳакимхўжа Ҳусниддинхўжаев ижод пайтида.

Н. ШАРИПОВ фотолари

Олғир сотувчи:

— Бир харидор сизда виждон борми, деб сўраган эди, шу виждон деган нарса менда борми-йўқми, кўриб берсангиз.

— Молхонани ўз вақтида ремонт қилмаганимизнинг жазоси.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Исломиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси 41

Редакция телефонлари: бош редактор —33—35—20; бош редактор ўринбосари —33—35—90; масъул секретарь —32—58—33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33—36—59; адабиёт ва санъат бўлими —33—36—02; рассомлар бўлими —32—58—32.

Босмахонага туширилди: 20.11.1981 й. Босишга рухсат этилди 29.12.1981 й. Р — 07484. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоғ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 259000. Буюртма 2181. Нашр А—109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Рассомлардан И. Цинганов ва Б. Штнилар Андижон қурувчилари, саноатчилари ҳузурида бўлиб, уларнинг илҳомбахш меҳнати, маданий-маиший турмушига доир суратлар чиздилар. Қуйида шу асарлар билан таништасиз:

Замонавий типда қурилган посёлкада Андижон ГЭСи қурувчилари истиқомат қиладилар.

Комбинатнинг бир қисми ишга тушиб, маҳсулот бера бошлади. Иккинчи навбати қурилиши қизғин давом этмоқда.

«Андижонгидрострой» ташкилотига қарашли мана бу Цемент заводи Андижондаги улкан қурилишларга хизмат кўрсатмоқда.



Андижон ип-газлама комбинати қурилишининг умумий кўриниши.



«Андижонгидрострой» ташкилотининг қурувчилари бунёд этган улкан тўғон. Пастда эса дарё сувини далаларга элтадиган канал.

ISSN 013—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75223